

“Янги Ўзбекистон” университети

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”

УНИВЕРСИТЕТИДА ИМТИҲОН ТАМОЙИЛЛАРИ
ВА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР КУЗАТУВИ: УМУМИЙ ТАҲЛИЛ,
2024 ЙИЛ

Тошкент – 2025

Ушбу ҳисобот “Янги Ўзбекистон” университетининг Институционал таҳлил бўлими томонидан 2024 йилда тайёрланди. Тадқиқотнинг асосий қисми 2024 йилнинг июл-август ойлари амалга оширилди. Ҳисоботнинг айрим қисмлари 2023 йил таҳлилидан иборат бўлиб, уларда ўша йили ҳужжат топширган абитуриентларнинг умумий маълумотлари йиғилган.

Мазкур тадқиқот “Янги Ўзбекистон” университетида амалга оширилган шу турдаги биринчи илмий иш бўлиб, баъзи қусур ва камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Муаллифлар z.xalliyev@newuu.uz, r.suleymanov@newuu.uz манзилига жўнатиш мумкин бўлган амалий шарҳлар, таклиф ва мулоҳазаларга олдиндан миннатдорлик билдирадilar.

МИННАТДОРЛИК

Ушбу тадқиқотни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшганларга чин дилдан миннатдорлик билдирамиз. Аввало, ўз вақтларини қизғанмай сўровномада иштирок этган, университетга кириш жараёни бўйича қимматли фикрларини тақдим этган ота-оналарга раҳмат айтмоқчимиз. Ўзларини илм-фанга йўналтирган омиллар ва муаммоларни ечиш юзасидан турли таклифларни киритган, ўз фикрлари ва тажрибалари билан бўлишган абитуриентлардан ҳам миннатдормиз. Сизларсиз ушбу илмий тадқиқотни амалга ошириш имконсиз бўларди.


Шунингдек, бизга ушбу тадқиқотни амалга оширишда малакали муҳитни яратиб берган “Янги Ўзбекистон” университетининг илмий ходимлари ва жамоасига, айниқса, ушбу лойиҳани амалга оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилган раҳбарлик лаёқати ҳамда тенгсиз ёрдами учун “Янги Ўзбекистон” университети Кузатувчилар кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола Умаровага чексиз миннатдорлик билдирамиз. Ҳилола Умарованинг таълим тизимини ривожлантиришдаги жонкуярлиги, талабаларнинг сифатли билим олишини таъминлашга интилиши ҳамда “Янги Ўзбекистон” университети фаолиятида институционал тадқиқотларга доир ташаббусларни шахсан қўллаб-қувватлаши ушбу тадқиқотни амалга оширишда салмоқли ўрин тутди.

РАСМЛАР РЎЙХАТИ

1-расм. Абитуриентлар иштироки ва университетга қабул қилинишининг таққосланиши (2023–2024 йиллар)	23
2-расм. Йўналишлар бўйича квоталарнинг тақсимои (2023–2024 йиллар)	24
3-расм. Абитуриентларнинг ёш хусусиятлари (2023–2024 йиллар)	30
4-расм. Абитуриентлар ёшининг қиёсий статистикаси (2023–2024 йиллар)	30
5-расм. Абитуриентларнинг гендер тақсимои (2023–2024 йиллар)	31
6-расм. Таълим йўналишига қараб гендер мойиллик (2023–2024 йиллар)	31
7-расм. Худуд бўйича тақсимои	33
8-расм. Абитуриентларнинг ўқув муассасалари бўйлаб тақсимои (2023–2024 йиллар)	35
9-расм. Абитуриентлар орсида IELTS балларининг тақсимои (2023–2024 йиллар)	36
10-расм. Қабул қилинган талабаларнинг гендер тақсимои	38
11-расм. Қабул қилинган талабаларнинг худудий тақсимои.....	40
12-расм. Қабул қилинган талабаларнинг битирган ўқув муассасаси бўйича тақсимои (2023–2024 й.)	41
13-расм. Давлат грантининг тақсимои	43
14-расм. 4 йиллик грант (100%)нинг тақсимои	44
15-расм. Талабаларни қабул қилиш учун асослар.....	45
16-расм. Қабул қилинган талабаларнинг SAT баллари	47
17-расм. Қабул қилинган талабаларнинг кириш имтиҳонлари натижалари бўйича кўрсаткичлари	48
18-расм. Халқаро тил сертификатига эга бўлган талабалар сони.....	49
19-расм. Қабул қилинган талабаларда IELTS баллари тақсимои (2023–2024 йиллар)	50
20-расм. Таълим йўналиши бўйича талабалар сони.....	52
21-расм. Сўровномада иштирок этган абитуриентларнинг гендер тақсимои.....	58
22-расм. Таълим йўналиши бўйича абитуриентларнинг гендер тақсимои	59
23-расм. Сўровномада иштирок этган абитуриентларнинг ёш хусусиятлари	60
24-расм. Сўровномада иштирок этган абитуриентларнинг худуд бўйича тақсимои.....	61
25-расм. Сўровномада иштирок этган абитуриентлар ўқиган мактаб турлари.....	63
26-расм. IELTS халқаро сертификатининг мавжудлиги	64
27-расм. Бошқа халқаро сертификатлар	64
28-расм. “Темир дафтар”га кирган абитуриентларнинг худудий тақсимои	66
29-расм. Университет ҳақида маълумот берувчи каналларнинг қиёсий таҳлили (2023–2024 йиллар)	67
30-расм. Абитуриентлар томонидан тарқатма материаллар сифатини баҳолаш.....	69
31-расм. Тарқатма материаллар сифатини баҳолашнинг худудий тақсимои	70
32-расм. Имтиҳон жараёнида ходимлар ишини баҳолаш	72
33-расм. Ходимлар фаолиятини баҳолашнинг худудий тақсимои.....	73
34-расм. Имтиҳон ўтказиладиган жойни баҳолаш.....	74
35-расм. Имтиҳон бўладиган жой шарт-шароитларига баҳо бериш борасида худудий тақсимои.....	75
36-расм. Имтиҳон саволлари мураккаблик даражасини баҳолаш тақсимои	76

37-расм. Имтиҳон саволлари мураккаблик даражасини баҳолашда жинслар ҳиссаси.....	76
38-расм. Имтиҳон саволлари сифатини баҳолаш тақсимои	77
39-расм. Имтиҳон саволларини баҳолашда жинсларнинг ҳиссаси	78
40-расм. Абитуриентлар шахсий кабинетини сифатини баҳолаш бўйича тақсимои.....	79
41-расм. Абитуриентлар шахсий кабинетидан қониқиши бўйича ҳудудий тақсимои	80
42-расм. Қабул жараёнида маълумот бериш баҳосининг тақсимои	81
43-расм. Қабул жараёни ҳақида ахборот беришни баҳолашда гендер тақсимои	82
44-расм. Абитуриентларнинг имтиҳонларга тайёрланиш усуллари тақсимои.....	83
45-расм. Имтиҳонларга тайёрланиш усуллари бўйича гендер тақсимои.....	84
46-расм. Ўқув дастурлари кесимида имтиҳонларга тайёрланиш	85
47-расм. Абитуриентларнинг “Янги Ўзбекистон” университетини танлашида ўрин тутган умумий омиллар.....	86
48-расм. Университетни танлаш омиллари бўйича гендер тақсимои.....	87
49-расм. Университетни танлашда ўқув дастурлари таъсири ва омилларининг тақсимои.....	89
50-расм. Университетни танлашда абитуриентларга таъсир қилган асосий омиллар	90
51-расм. Университет танловидаги омилларнинг гендер тақсимои	91
52-расм. Университетга кириш бўйича абитуриентлар кутган натижанинг баҳоланиши	93
53-расм. Университетга кириш бўйича абитуриентлар кутган натижанинг гендер тақсимои.....	94
54-расм. Имтиҳонга тайёрланиш усуллари кесимида абитуриентлар кутган натижанинг баҳоланиши	95
55-расм. Таълим сифатининг баҳоланиши.....	96
56-расм. Муқобил университет танлашдаги ТОП-15 жавоб.....	97
57-расм. Ўқиш даврида ишга жойлашишни кўзда тутаяпсизми?.....	101
58-расм. Ўқиш даврида ишга жойлашишни кўзда тутаяпсизми? (Гендер тақсимои)	101
59-расм. Ўқиш даврида ишга жойлашишни кўзда тутаяпсизми? (Дастур бўйича тақсимои).....	102
60-расм. Ўқиш даврида ишга жойлашишни кўзда тутаяпсизми? (Ҳудудий тақсимои)	104
61-расм. Ўқиш битиргандан кейинги абитуриентлар мақсади бўйича тақсимои	106
62-расм. Абитуриентларнинг ўқишни битиргандан кейинги мақсадлари борасида гендер тақсимои.....	107
63-расм. Ўқишни битиргандан сўнг абитуриентларнинг мақсадлари бўйича тақсимои (ўқув дастурлари кесимида)	109
64-расм. Абитуриентлар таклиф ва мулоҳазаларининг умумлаштирилган рўйхати.....	110
65-расм. Респондентлар ўртасида гендер тақсимои (ота-оналар)	116
66-расм. Ота-оналарнинг ёш хусусиятлари	117
67-расм. Ота-оналарнинг ҳудудий тақсимои.....	118
68-расм. Абитуриентлар ўқиган мактаб турларининг тақсимои	120
69-расм. Абитуриентларнинг имтиҳонга тайёрланиши бўйича ота-оналар иштироки баҳоси	122
70-расм. ОТМга кириш қарорининг ўзига хослиги	124
71-расм. Талабалар томонидан ОТМга кириш қарорининг қабул қилиниши ва ота-оналар иштироки ўртасидаги ўзаро боғлиқлик	125
72-расм. Ота-оналарнинг фарзандини ўқиш истагининг сабаблари.....	127
73-расм. Университетни танлаш сабабларининг нисбати.....	128

74-расм. Кириш имтиҳонлари ва қабул комиссияси фаолиятига берилган баҳо	129
75-расм. Ҳудудлар кесимида қабул комиссияси ва кириш имтиҳонларининг баҳоси.....	131
76-расм. Фарзандлари дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларга ота-оналар берган баҳо	132
77-расм. Абитуриентлар дуч келиши мумкин бўлган муайян қийинчиликлар бўйича гендер тақсимооти.....	133
78-расм. Абитуриентлар дуч келиши мумкин бўлган муайян қийинчиликларнинг ҳудудий тақсимооти	134
79-расм. Ота-оналар умид қилаётган таълимни маблағ билан таъминлаш воситалари	135
80-расм. Таълим молиясининг ҳудудий тақсимооти	137
81-расм. Абитуриентларни жойлаштириш бўйича режалар	138
82-расм. Абитуриентларни ётоқхона билан таъминлаш бўйича ҳудудий тақсимооти	140
83-расм. Ота-оналар таклиф ва мулоҳазаларининг умумий рўйхати.....	141
84-расм. Таълим йўналиши бўйича гендер тақсимооти (2023 й.).....	150
85-расм. Таълим йўналишлари бўйича гендер тақсимооти (2024 й.)	150
86-расм. Таълим грантлари билан боғлиқ саволлар	166
87-расм. Университетга кириш бўйича саволлар.....	167
88-расм. Университетдаги ўқув жараёни билан боғлиқ саволлар.....	168
89-расм. Ётоқхона билан боғлиқ масалалар	169



МУНДАРИЖА

Миннатдорлик.....	3
Кириш	9
Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари	11
Тадқиқот услублари	12
Асосий хулосалар	16

I БОБ. Қабул жараёни ва абитуриентлар салоҳиятига доир умумий тамойиллар таҳлили (2023–2024 йй.)	22
1.1. Хужжатлар қабули	22
1.1.1. Абитуриентлар контингентининг ўзгариши	23
1.1.2. Қабул квотаси.....	24
1.1.3. Хужжат топшириш учун электрон платформа	25
1.1.4. Халқаро сертификатлар.....	26
1.2. Имтиҳон жараёни	28
1.3. Абитуриентлар салоҳияти	30
1.3.1. Ёш хусусиятлари.....	30
1.3.2. Гендер хусусиятлари ва таълим йўналиши	31
1.3.3. Ҳудудий хусусиятлар.....	33
1.3.4. Мактаб турлари	35
1.3.5. Инглиз тилини билиш даражаси	36
1.4. “Янги Ўзбекистон” университетига қабул жараёни натижалари.....	38
1.4.1. Гендер хусусиятлари	38
1.4.2. Ҳудудий хусусиятлар.....	39
1.4.3. Мактаб турлари	41
1.4.4. “Янги Ўзбекистон” университети талабалари орасида давлат грантларининг тақсимооти.....	43
1.4.5. Қабул қилиш учун асослар.....	45
1.4.6. Инглиз тилини билиш даражаси	49
1.4.7. Таълим йўналишлари	51
Хотима	53
Талаб ва таклифлар.....	55

II БОБ. Абитуриентлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаси таҳлили.....	57
2.1. Умумий демографик параметрлар ва абитуриентлар салоҳиятини баҳолаш.....	58
2.1.1. Гендер нисбати ва таълим йўналиши	58
2.1.2. Ёш хусусиятлари	60
2.1.3. Муайян ҳудудга мансублик	61
2.1.4. Мактаб турлари.....	63
2.1.5. Халқаро тил сертификатлари	64
2.1.6. SAT (Scholastic Assessment Test).....	65
2.1.7. Ижтимоий мавқе.....	66

2.1.8. Маълумот олиш каналлари	67
2.2. Имтиҳон жараёни ва имтиҳон комиссияси фаолиятини умумий баҳолаш	69
2.2.1. Тарқатма материаллар (имтиҳон тўплами)	69
2.2.2. Ходимлар фаолияти	72
2.2.3. Имтиҳон жойи	74
2.2.4. Имтиҳон саволларининг сифати ва мураккаблик даражаси	76
2.2.5. Шахсий кабинет	79
2.2.6. Қабул жараёнида маълумот бериш	81
2.3. Университетда ўқиш билан боғлиқ саволлар	83
2.3.1. Имтиҳонларга тайёргарлик усуллари	83
2.3.2. Университет танлови сабаблари	86
2.3.3. Университетни танлашга таъсир кўрсатувчи омиллар	90
2.3.4. Ўз имкониятларини баҳолаш	93
2.3.5. “Янги Ўзбекистон” университетидаги таълим сифатининг дастлабки баҳоси	96
2.4. Келажак режаси ва муқобил йўللار танлови	97
2.4.1. Муқобил ўқув муассасалари	97
2.4.2. Ишга жойлашиш бўйича режалар	101
2.4.3. Университетни битиргандан кейинги режалар	106
2.4.4. Таклиф ва мулоҳазалар	110
Хотима	112
Таклиф ва кўрсатмалар	113
 III БОБ. Абитуриентларнинг ота-онаси билан ижтимоий сўровнома ўтказиш натижаси таҳлили	
3.1 Умумий демографик параметрлар	116
3.1.1 Гендер нисбатини баҳолаш	116
3.1.2. Респондентларнинг ёш гуруҳлари	117
3.1.3. Ҳудудга мансублик	118
3.1.4. Абитуриентлар ўқиган мактаб тури	120
3.2. Имтиҳонларга тайёргарлик ва таълим жараёни бўйича махсус саволлар таҳлили	122
3.2.1 Ота-оналарнинг иштироки	122
3.2.2. ОТМга ҳужжат топшириш қарорининг ўзига хос хусусиятлари	124
3.2.3 Ота-оналар иштироки ва абитуриентлар қарорини мувофиқлаштириш	125
3.2.4. ОТМ танлови сабаблари	127
3.2.5. Имтиҳон жараёнини баҳолаш	129
3.3. Ота-оналарнинг умидлари ва режалари билан боғлиқ махсус саволлар таҳлили	132
3.3.1. Қийинчиликларни баҳолаш	132
3.3.2. Таълимни молиялаштириш	135
3.3.4. Абитуриентларни жойлаштириш (тураржой)	138
3.3.5. Ота-оналарнинг талаб ва тавсиялари	141
Хотима	143
Талаб ва тавсиялар	144
Адабиётлар рўйхати	145
Илова	146

КИРИШ

Университетга қабул қилиш жараёни талабаларнинг касбий ва академик йўналтиришда муҳим босқич ҳисобланади. Чунки олий таълим муассасалари тенглик ва адолат тамойилларига кундан-кун эътибор қаратиб, юқори натижага эришиш имкониятини берувчи қабул жараёнининг турли жиҳатларини ўрганмоқдалар. Бу эса таҳлил учун жуда муҳим. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, имтиҳон натижаларига ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирини камайтириш учун талабаларни танлаш жараёни объектив ва адолатли бўлмоғи керак¹. Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари орасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига асосланган ушбу таҳлилий ҳисобот, шунингдек, 2023–2024 йилларда “Янги Ўзбекистон” университетида қабул жараёнининг қиёсий таҳлили, абитуриентлар тажрибаси, уларнинг орзу-умидлари, университетга қабул қилиш тизими самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омилларга кенг ва чуқур шарҳ беради.

Ҳисоботнинг биринчи боби 2023 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда университетга қабул қилиш жараёнида содир бўлган ўзгаришларнинг қиёсий таҳлилига бағишланган. Ушбу бўлимда тест (кириш) саволларининг ўзгариши, имтиҳон таркиби ва эрта қабул қилиш имкониятлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, адолат ва очиқликни таъминлашда ушбу ўзгаришларнинг оқибати, шунингдек, “Янги Ўзбекистон” университетида қабул қилиш жараёни натижалари кўриб чиқилган.

Иккинчи бўлим абитуриентлар сўровномаларига бағишланган бўлиб, уларнинг қабул жараёнидаги тажрибалари, сабаб ва хавотирлари ўрганилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кириш имтиҳонлари талабанинг нафақат фанни билишини, балки муаммоларни еча олиш ва танқидий фикрлаш каби когнитив кўникмаларини ҳам текшириши керак². Бу кўникмалар академик билим олиш ва ўзгарувчан меҳнат бозорида ўз ўрнини топишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, баъзи экспертларнинг қайд этишича³, кириш имтиҳонларининг натижаси талабаларнинг кейинги таълим олиш жараёнидаги муваффақиятини белгилайди, бу алоқа мактаб таълими ва абитуриентнинг тайёргарлиги каби омилларга ҳам боғлиқ. Ушбу бўлимда яна абитуриентларнинг имтиҳон жараёни ҳақидаги фикрлари, имтиҳондаги шаффофлик ва адолат, ходимлар малакаси, имтиҳон муҳитига берган баҳолари, уларнинг имтиҳонга тайёргарлик усуллари, университетни танлаш сабаблари ҳамда таълим сифати билан боғлиқ қарашлари ўрганиб чиқилган.

Умумий таҳлилий ҳисоботнинг яна бир муҳим жиҳати ота-оналар иштироки бўлиб, бу масала учинчи бобда батафсил ўрганиб чиқилган. Маълумки, ота-оналарнинг қўллаб-қувватлаши абитуриентларнинг имтиҳонга тайёргарлиги жараёнида ўзини яхши ҳис қилиши ва асаббузарликнинг олдини олишга катта таъсир кўрсатади⁴. Ўзбекистондаги ижтимоий-маданий қадриятларни ҳисобга олсак, бундай жараёнлар яна ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойилларни аниқлаш университетларнинг кириш жараёнидаги асаббузарлик ва босимни камайтириш имконини берувчи ижобий муҳитни яратишига ёрдам беради. Ушбу бобда ота-оналарнинг нуқтаи назарига эътибор қаратилиб, фарзандларининг университетга кириши борасидаги орзу-умидлари ва хавотирлари таҳлил қилинади, уларнинг қарорларида ота-оналарнинг асосий роли ўрганилади. Бунда абитуриентларда келиб чиқиши мумкин бўлган стресс ҳамда руҳий зўриқиш каби ҳолатларнинг олдини олишдаги ота-оналарнинг потенциал ўрни кўриб чиқилади.

¹ Alavi S. M., Karami H., Kouhpaeeenejad M. H., Examining the Fairness of the University Entrance Exam: A Latent Class Analysis Approach to Differential Item Functioning // Issues in Language Teaching. – 2021. – Т. 10. – №. 1. – p. 147-170.

² O'Hare L., McGuinness C., The validity of critical thinking tests for predicting degree performance: A longitudinal study // International Journal of Educational Research. – 2015. – Т. 72. – p. 162-172.

³ Sulphery M. M., Al-Kahtani N. S., Syed A. M., Relationship between admission grades and academic achievement // Entrepreneurship and Sustainability Issues. – 2018. – Т. 5. – №. 3. – p. 648-658.

⁴ Wang, M.-T., & Sheikh-Khalil, S. (2014). “Does Parental Involvement Matter for Student Achievement and Mental Health in High School?” Child Development, 85(2), p. 610-625.

Хотимада, ота-она ва абитуриентларнинг қабул жараёнига оид фикр-мулоҳазалари ҳамда “Янги Ўзбекистон” университети қабул статистикасига доир таҳлиллар асосида хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар тақдим этилади. Қабул жараёни таркибининг ўзгариши, имтиҳонларнинг когнитив талаблари ва кейинги муваффақиятларга таъсири, ота-оналар ёрдамнинг муҳимлигини ўрганиб, ушбу ҳисобот қабул тизимидаги шаффофликни таъминлаш, умумий самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар беради. Бундай хулосалар Ўзбекистондаги ва бошқа жойлардаги университетларда қабул жараёнини такомиллаштириш борасидаги муҳокамаларга ёрдам беради, талабаларнинг, оилаларнинг ҳамда кенг маънода таълим ҳамжамиятининг ўзгариб турувчи талабларига буткул мос келишини таъминлайди.



ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Тадқиқотнинг **асосий мақсади** – “Янги Ўзбекистон” университетидаги қабул жараёнини мажмуавий таҳлил қилиш ва баҳо беришдан иборат бўлиб, жараённинг шаффоф ва адолатли бўлишига эришиш, замонавий таълим стандартларига мослаштиришга қаратилган. Тадқиқот нафақат абитуриентлар, балки ота-оналарнинг ҳам тажрибаси, мақсади ва орзу-умидларини ўрганиш асосида қабул жараёни ва тартибининг таркибий қисмларига тегишлича ўзгартириш киритиш қабул жараёни самарадорлигига қандай таъсир кўрсатишини ўрганишга қаратилган. Охир-оқибат, тадқиқот ушбу маълумотлар асосида қабул жараёнида инклюзивлик, шаффофликни ошириш, унинг олий академик ва касбий талабларга мос келишини таъминловчи кўрсатмалар беришга мўлжалланган.

Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот таркиби ва услубига мос равишда қуйидаги энг **муҳим вазифалар** белгилаб олинди:

- Қабул тизимидаги ўзгаришни ўрганиш (2023–2024 й.).
- Абитуриентларнинг кириш имтиҳонларида текшириладиган когнитив малакалари ва иқтидорини баҳолаш.
- Қабул жараёнида ота-оналар иштирокини таҳлил қилиш.
- Абитуриентларнинг тайёргарлик даражаси ва уларнинг ўқув жараёнидан кутадиган умидларини баҳолаш.
- Қабул жараёнини яхшилаш борасидаги таклифлар.
- Кейинги тадқиқотлар учун назарий ва услубий база яратиш.

Бу вазифаларни ҳал қилгач, тадқиқот иши “Янги Ўзбекистон” университетидаги қабул жараёнини доимий равишда яхшилаб боришда ўз ҳиссасини қўшади, бу ўзгаришлар талабалар ва жамиятдаги янгиланиб турувчи таълим ва касбий талабларга мос келишини таъминлайди.



ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ

Тадқиқотнинг мазмуни

Ушбу тадқиқотда, маълумотларни қайта ишлаш жараёнида ижобий ва реалистик фалсафий ёндашувлардан, шунингдек, интерпретатив социология услубидан фойдаланилди. Ижодий ва реалистик фалсафий ёндашув объектив қонунийлик ва маълумотлардаги ташқи ҳолатни акс эттирувчи сабаб-оқибат алоқаларни аниқлашга ёрдам берди. Интерпретатив социология эса якка шахслар ёхуд гуруҳларнинг ижтимоий тажрибасини кўрсатувчи моҳият ва кўринишларни чуқур тушуниш имконини берди. Тадқиқот ушбу ёндашишларни қўшиб, илмий иш предметини ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда кузатиладиган тамойиллар билан бир қаторда, маълумотларнинг базавий аҳамиятини ҳам қамраб олишга ҳаракат қилди.

Тадқиқотнинг триангуляцияси (ёндашув)

Тадқиқотда қўшма услубий ёндашувдан фойдаланилди, у ўзида сифат ва сон усуллари ямлаган. Анкеталар (абитуриентлар ва ота-оналар учун) статистик таҳлилга зарур ёпиқ саволлар ҳамда респондентлар нуқтаи назари, ёндашуви ва фикри, идрокини яхши тушуниш имконини берувчи очиқ саволлардан иборат эди. Бундай аралаш саволлар ҳар томонлама таҳлил қилиш, жавоблар ортида турувчи кенг маъно қурилмалари, қонунийлик тамойилларини ўрганиш имконини бергани учун, тадқиқот предметини алоҳида ва чуқур тушунишни таъминлади.

Аҳоли танлови

Сўровноманинг мураккаб услуби ҳамда тадқиқотнинг юқорида қайд қилинган мақсад ва вазифаларига мос равишда, “Янги Ўзбекистон” университетига кириш жараёни хусусида кенг тасаввурга эга бўлиш учун икки алоҳида гуруҳ: ота-оналар ва абитуриентлар гуруҳи танлаб олинди. Танлов иккала гуруҳда ҳам репрезентативлик (гуруҳда ҳеч бир қатлам назардан қолмаслиги керак) ва статистик ишончлилик тамойилига амал қилинган ҳолда амалга оширилди.

Ота-оналар орасида ўтказилган сўровнома

Ота-оналар учун саволлар оналар билан бир қаторда оталарга ҳам мўлжалланган ҳолда тузилди, чунки университетга кириш қарорига отанинг ҳам, онанинг ҳам таъсири катта. Аҳолининг умумий сони 6960 кишини (3480 оиланинг ота-оналари) ташкил этди. Ушбу гуруҳдан 1464 ота-она сўровнома тўлдиришди, бу эса 21 % ни ташкил этди. Гарчи бу фоиз кичик бўлса ҳам, респондентларнинг кўпчилиги ишончли хулосалар қилишга ёрдам берди. Танлов ўлчами репрезентативлик тамойилларига мос келади ва жинси, ижтимоий-иқтисодий мавқеи, жуғрофий яшаш жойи каби асосий демографик кўрсаткичлар жавобларда акс этишини таъминлайди. Саволлар фоизи кенг социологик сўровлар ўтказиш учун мақбул майдонни ташкил этади ва зарур ҳолларда, жавоблардаги хатоликларни инобатга олиб, ўлчаш усулини қўллаган ҳолда натижаларнинг асосли эканини тасдиқлайди.

Абитуриентлар орасида сўровнома ўтказиш

Иккинчи сўровнома университетга қабул қилинган абитуриентлар орасида ўтказилди. Имтиҳон топширган 2407 нафар қатнашчидан 1662 таси жавоб берди, бу эса 69 % ни ташкил этди. Жавобларнинг бундай юқори даражаси натижа-

ларнинг ишончилиги ҳамда умумлаштирилишини кафолатлайди. Сўровнома услуги абитуриентларнинг керакли гуруҳлари (ёши, яшаш ҳудуди ва олдинги ўзлаштириш даражаси бўйича) етарли даражада қамраб олинишини таъминлади. Жавоблар фоизини ҳисобга олсак, хатоликлар нисбати камаяди, бу эса абитуриентларнинг кўп қисми қамраб олинганлигини кўрсатади. Танлов ўлчами инференциал статистик таҳлил олиб бориш учун етарли бўлганлигини маълумотлар асосида олинган хулосаларда кўришимиз мумкин.

Маълумотларни тўплаш усули ва босқичлари

Ушбу тадқиқот доирасида маълумот тўплаш жараёни тўрт асосий босқичда олиб борилган бўлиб, уларнинг ҳар бири тадқиқотнинг муайян таркибий қисмига мос келади:

1. 2023 йилда абитуриентларнинг дастлабки маълумотларини тўплаш

Ушбу босқичда 2023 йил 5 январидан 2 августигача абитуриентларнинг ўзи мустақил равишда махсус ишлаб чиқилган ахборот платформасига киритган маълумотлари тўпланди. Маълумотларни киритиш уч босқичда: 2023 йилнинг январи, майи ва август ойларида амалга оширилган бўлиб, ўтказилган имтиҳонлар сонига мутаносибдир.

2. 2024 йилда абитуриентларнинг дастлабки маълумотларини тўплаш

Худди олдинги йилдагидек, 2024 йилда ҳам маълумотлар махсус ахборот тизими орқали тўпланди, лекин бу сафар маълумотлар абитуриентлар томонидан бир босқичда – 2024 йилнинг январидан июль ойигача амалга оширилди.

3. Абитуриентлар орасидаги сўровнома

Абитуриентлар учун тузилган саволлар махсус ахборот тизимига киритилди, шунингдек, **Yii PHP Framework 2.0** дастуридан фойдаланилди. Ушбу сўровнома асосида маълумот тўплаш 2024 йилнинг 31 июлидан бошлаб 6 августгача, яъни имтиҳонларнинг якуний натижаси чиққунига қадар давом этди. Имтиҳон натижасини кўриш учун абитуриентнинг ўз шахсий кабинетида, албатта, сўровномада иштирок этиши шарт бўлгани учун қатнашиш даражаси юқори бўлди.

4. Абитуриентларнинг ота-оналари орасидаги сўровнома

Абитуриентларнинг ота-онаси учун Google Forms платформасида алоҳида сўровнома ишлаб чиқилди. Фарзандлари имтиҳонга кирган ота-оналарга сўровнома иловаси оммавий жўнатиш тизими орқали юборилади. Сўровнома 2024 йилнинг 28 июлидан 31 июлигача, яъни 2024–2025 ўқув йили имтиҳон натижаларининг расмий эълон қилинишигача олиб борилди. Ушбу давр мобайнида сўровнома тўлдириш учун очиқ бўлиб турди.

Маълумотларнинг бу шаклда тўпланиши ҳам сифат жиҳатидан, ҳам сон жиҳатидан юқори натижалар олинишига сабаб бўлди, бу эса, ўз навбатида, ҳам ота-оналар, ҳам абитуриентларнинг фикрлари ва нуқтаи назарларини таҳлил қилиш имконини берди. Маълумотларни тўплаш жараёнида турли услубларни мослаштириш эса тадқиқот натижаларининг яна ҳам аниқроқ, яна ҳам чуқурроқ шарҳланишини таъминлайди.

Рақамли платформаларни интеграциялаш (ўзаро боғлаш)

Масалан, 2023 йилда маълумотлар Таълимни бошқариш булутли тизими (LMS) ва талабаларга маълумот бериш тизими (SIS) – **Classe365** орқали қабул қилинган эди. Ушбу платформа стандарт қабул қилиш асосида ишлаб, таълимдаги технологик инфратузилма ёрдамида катта ҳажмдаги аризаларни самарали қайта ишлаш имконини берди. Абитуриентлар 2023 йилнинг январидан август ойигача онлайн тарзда платформа орқали ўз ҳужжатларини тақдим қила оларди. Платформа уч асосий имтиҳон даврида (25 февраль, 20 май, 5 август) очиқ бўлди, абитуриентлар олдинги босқичда имтиҳон топшира олмасалар, қайта ариза топшириш имконига эга бўлдилар, бу ҳолатда ҳамма аризалар ўша тизим ичида қайд этиб борилди.

2024 йилда абитуриентларнинг дастлабки маълумотларини йиғиш жараёни **Yii PHP Framework 2.0. (Admission Portal)** ёрдамида махсус ишлаб чиқилган платформа асосида амалга оширилди. Ушбу платформа ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини осонлаштириш ва автоматлаштириш мақсадида университет мутахассислари томонидан жорий этилди. Ундан ташқари, жараённи оптималлаштириш ва хатоларни камайтириш мақсадида платформа API қурилмалари орқали Давлат интерактив хизматларининг Ягона порталига мувофиқлаштирилди. Бу эса ариза берувчиларнинг паспорт маълумотларини автоматик тарзда юклаш ҳамда шахсий маълумотларини аниқ текшириш ва тизимда тўғри қайд қилинишини таъминлади.

Шундай қилиб, ушбу технологик воситалар ва интеграциялаш қурилмалари нафақат маълумотларнинг аниқлигини, балки тўпланган маълумотларнинг ишончлилигини ҳам ошириб, кейинги тизимли таҳлил учун мустаҳкам асос яратиб берди.

Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари

Тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун ҳам сифат, ҳам миқдор усуллари қўлланилди ва бу олинган натижаларнинг ҳар томонлама шарҳланишига ёрдам берди. Таҳлил қилиш жараёнида, асосан, MS Excel ва SPSS дастурларидан фойдаланилди.

1. Сон бўйича маълумотларни қайта ишлаш

Ёпиқ саволли сўровномалардан олинган маълумотлар сони MS Excel ва SPSS дастурлари орқали қайта ишланди. Дастлаб маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги бўйича текшириш олиб борилди, ундан кейин иккала турдаги сўровномалар – ота-оналар ва абитуриентлар учун мўлжалланган сўровномаларни киритган ҳолда кодлаштирилди. Маълумотлар умумий базага киритилиб, кейин тозаланди, бу жараёнда хато киритилган ва қайталанган қайдлар олиб ташланди. Кейин эса SPSS ёрдамида ўзгарувчилар орасидаги боғлиқликни аниқлаш учун корреляцион таҳлил ва тасвирловчи статистикани ўз ичига олувчи таҳлил олиб борилди.

2. Сифат бўйича маълумотларни қайта ишлаш

Очиқ саволлар орқали тўпланган сифатли маълумотлар ҳам худди шундай кодлаштирилиб, контент-таҳлил усули орқали таҳлил қилинди. Дастлаб жавоблар варақаси таҳлил қилинди ва умумий маълумотлар базасига киритилди. Таҳлил давомида асосий мавзулар ва тоифаларни аниқлаш учун кодлаштирилди. Мавзувий таҳлил қайталанувчи ғоялар ва омилларни аниқлади, бу эса респондентлар субъектив фикрини чуқур тушуниш имконини берди.

3. Сифат ва сон бўйича маълумотларни интеграциялаш (бирлаштириш)

Иккала тоифадаги маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишдан сўнг, сон ва сифат бўйича натижалар тадқиқ қилинаётган ҳодисани чуқур англаш мақсадида интеграция қилинди. Сон бўйича маълумотлар умумий тамойиллар ва қонунийликни аниқлашга ёрдам берди, сифат бўйича маълумотлар эса ўзгача маъно ва нозикликларни аниқлаб, тадқиқот натижаси хусусида тўла ва аниқ тасаввур ҳосил қилди.

Чекловлар

Тадқиқот дизайнининг асосли ва ишончли маълумотларни олишга ёрдам берган бир қатор афзалликлари ва аниқлигига қарамасдан, баъзи бир чекловлар мавжуд эди. Бироқ маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда турли тоифалар, белги ва омилларни ўз ичига олувчи бир неча усулларни қўллаш туфайли анчагина фундаментал натижалар олинишига эришилди.

1. Абитуриентларнинг ота-оналари маълумотларининг базасидан мобил телефонларга 3480 рақамидан оммавий хабар жўнатилишига қарамасдан, анкеталарни тўлдирган ота-оналар сони 1464 та бўлди. Бироқ бу сўров иштирокчи-

ларининг ҳаммасини қамраб олинишига таъсир қилмади, аксинча, респондентларнинг катта қисмини ташкил этиб, ишончли таҳлил ўтказиш учун етарли статистик асос берди ва маълумотларнинг аниқлигини таъминлади. Респондентларнинг бундай ҳажми турли демографик гуруҳларни қамраб олди ва тадқиқот хулосаларининг ишончилигини таъминлади.

2. 2023 йилдаги қабул жараёни абитуриентларга ариза бериб кириш имтиҳонларини уч мартагача топшириш имкониятини берди. Бу уларнинг муваффақиятга эришиш имкониятларини оширган бўлса-да, дастлабки маълумотларни тўплашда қийинчиликлар туғдирди. Ҳужжатларини қайта топширган абитуриентлар маълумотлар базасига бир неча бор киритилиб, олиб ташланган бўлса ҳам, ушбу ҳолат маълумотларнинг тўғрилигига таъсир қилиши мумкин. Қайта ҳужжат топширганлар ва биринчи марта мурожаат қилганлар ўртасидаги фарқ, шубҳасиз, натижаларга таъсир қилиши мумкин эди. Шу билан бирга, маълумотларни эҳтиёткорлик билан тозалаш, кодлаш ва изчил таҳлилий усулларни қўллаш, шунингдек, абитуриентларнинг умумий сонидан келиб чиқиб, тадқиқот йўналишини ўзгартириш туфайли олинган натижалар ишончли ҳамда тўғри бўлиб чиқди.



АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР

I. ҚАБУЛ ЖАРАЁНИДАГИ АБИТУРИЕНТЛАР САЛОҲИЯТИ ВА УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ (2023–2024 ЙИЛЛАР).

STEM га юзланиш

- 2024 йилда STEM билан боғлиқ дастурлар, жумладан, “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик”, “Киберхавфсизлик” ва “Сунъий интеллект ва робототехника” каби йўналишларга квоталар сезиларли даражада ошди, бу эса университетнинг техник фанларга бўлган стратегик эътиборини ўзида акс эттиради.
- Шу билан бирга, ижтимоий фанлар ва менежмент йўналишларига квоталар қисқартирилди.

Имтиҳон таркибининг такомиллашуви

- Имтиҳон саволларининг миқдори икки барабар ошди – 2023 йилда 20 та бўлса, 2024 йилда 40 тани ташкил этди, бу ҳолатда имтиҳонга бериладиган умумий вақт ҳам 120 дақиқага оширилди.
- 2024 йил учун саволлар Cambridge University Press & Assessment иштирокида тузилди, бу эса тест имтиҳонларининг стандартлаштирилиши ва адолатлилигини таъминлади.

Ҳужжатларни топшириш тизимини оптималлаштириш (мақбуллаштириш)

- 2024 йилда университет ҳужжатларни қабул қилиш учун ўз рақамли платформасига ўтди ва жараённинг назорати ва самарасини яхшилади, шунингдек, университетнинг бошқа тизимлари билан интеграция қилди.
- Янги тизим 2023 йилдаги булутли платформа ўрнида ишлай бошлади ва университетнинг рақамли инновацияларни қўллашга тайёр эканини кўрсатди.

Халқаро сертификатлар бўйича қатъий мезонларнинг белгиланиши

- 2024 йилда халқаро сертификатлар фоизли тизимда баҳолана бошланди, бунда SAT да 500 дан паст ва IB да 4 дан пастлари ҳисобга олинмайдиган бўлди, бу танлаш жараёнининг яна ҳам жиддийлашганини кўрсатади.
- Бу чора талабалар билими сифатини оширди, бироқ пастроқ натижаларга эришган абитуриентлар имкониятини чеклаши табиий.

Ҳудудий ва гендер тафовутлари

- Кўпгина абитуриентлар Тошкент шаҳриданлигига қарамасдан, 2023 йилда бу кўрсаткич 23,8 % га, 2024 йилда эса 21,9 % га пастлади. Шу билан бир қаторда Жиззах ва Навоий вилоятидан келадиган абитуриентлар сони ошди.
- Гендер тафовути сақланиб қолмоқда, айниқса, STEM-дастурларида эркаклар сони аёллар сонидан кўпроқ.

Инглиз тилини билиш даражасининг ошиши

- 2024 йилда IELTS сертификатига эга бўлган абитуриентлар 66,5 % га ошди, 2023 йилда эса 43 % ни ташкил этган, бу эса тил билиш даражасининг яхшиланганидан далолат беради.
- Шунга қарамасдан юқори балли (7.0 ва ундан юқори) абитуриентлар сони пасайди, бу эса талабалар орасида инглиз тилини билиш диапазони кенгайганлигини кўрсатмоқда.

Қабул натижалари

Абитуриентлар сонининг ўсиши ва қабул қилинган талабалар сифатининг ошиши

- 2024 йилда қабул қилинган талабаларнинг умумий сони олдинги йилдагига нисбатан 40 % га ўсди, бу эса абитуриентлар орасида университетга кириш истагининг ошганини кўрсатади.
- Халқаро сертификатларга қўйилган қатъий талаблар ва оширилган баҳо стандартлари қабул қилинган талабаларнинг умумий тайёргарлигини оширишга хизмат қилгани маълум бўлди.

Давлат грантларининг тақсимланиши

- Талабаларнинг 100 % тўланадиган 4 йиллик грант олиши 2023 йилда 57,7 % ни, 2024 йилда 62,3 % ни ташкил этди, бу эса бепул таълим олиш имкониятлари ошганлигидан дарак беради.
- 100 % тўланадиган 1 йиллик грантлар оладиганлар сони оммалашиб, 20,7 % ни ташкил этди, бу эса илк ўқиш босқичларида талабаларнинг университет томонидан қўллаб-қувватланишини кўрсатади.

Абитуриентларда мактаб турининг ўзгариши

- Давлат мактабларида ўқиган талабалар сони 2023 йилда 25,9 % ни, 2024 йилда эса 36,5 % ни ташкил этди, бу эса оддий мактабдан чиққан талабалар университет томонидан кенг қамраб олинишини кўрсатмоқда.
- 2024 йилда лицей ва коллеж битирувчилари қабул қилинган талабалар орасида кўрсатилмади, бу ўрта махсус ўқув муассасалари битирувчилари учун янги қабул тизими билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўқув йўналишлари рейтинг

- Маълумотларни таҳлил қилиш ва информацион технологиялар билан боғлиқ дастурлар, масалан, “Иқтисодиёт ва маълумотлар таҳлили”, “Киберхавфсизлик” каби йўналишлар обрўси ошиб бормоқда. Бу эса халқаро тамойилларга мос келувчи рақамли технологиялар ва маълумотлар таҳлиliga бўлган талабнинг ошиб бораётганидан далолатдир.
- Амалий математика ва сунъий интеллект соҳасидаги йўналишлар ҳам талабаларни қизиқтирмоқда, бу эса университетнинг технологик ривожланиш учун стратегик йўналганини кўрсатади.

Талабаларда жуғрофий кенгликнинг ошиши

- 2024 йилда Фарғона ва Хоразм вилоятларидан келувчи талабалар сони ошди, бу эса узоқ ҳудудларда ҳам университет обрўсининг ошиб бораётганидан далолат беради.
- Жиззах ва Қорақалпоғистон Республикасидан келувчи абитуриентлар сони ҳам ошди, бу эса мамлакатимиз ҳудудларида олий таълим олиш имкониятининг тенг тақсимланганини кўрсатиб турибди.

II. АБИТУРИЕНТЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ИЖТИМОЙ СЎРОВНОМА НАТИЖА-СИ ТАҲЛИЛИ

Гендер нисбати ва академик йўналиш

- Сўров жараёнида сезиларли даражада гендер тенгсизлик кузатилди, бунда қатнашувчиларнинг 66,6 % ини эркаклар, 33,4 % ини аёллар ташкил этди.
- Эркаклар, одатда, STEM йўналишларини, масалан, “Механик муҳандислик” (89 %), “Киберхавфсизлик” (83,8 %) ва “Сунъий интеллект ва робототехника” (80,6 %)ни белгилашган.
- Аксинча, аёллар “Педагогика (STEM да)” (90,6 %) йўналишига қизиқиш билдиришган. Бу эса умумий ижтимоий ва маданий тамойилларни акс эттирувчи анъанавий гендер тақсимотини кўрсатмоқда.

Ҳудуд вакиллари

- Муайян ҳудудга мансублик жиҳатдан ўтказилган таҳлилларга кўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти қатнашувчиларнинг катта қисмини ташкил этмоқда (21,9 % ва 9,7 %). Бу эса пойтахт ва унга ёндош ҳудудларнинг университет учун асосий абитуриент манбаи эканини кўрсатмоқда.
- Шу билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси (4,0 %) ва Сирдарё вилояти (2,8 %) энг кам абитуриентлар ҳиссасини кўрсатди, бу таълим ресурсларининг чекланганлиги ёки масофа омили билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Мактаб турлари ва академик салоҳият

- Абитуриентларнинг катта қисми (53,4 %) анъанавий мактаб битирувчилари бўлиб, академик муассасаларга боғлиқлик даражасининг юқорилигини белгилайди. Ижодий мактабларни битирган абитуриентлар 34,1 % ни ташкил этади, бу ҳам уларнинг муҳим иштирокчилардан эканини кўрсатади. Президент мактаблари 11,0 % ни, ихтисослаштирилган мактаблар эса атиги 1,5 % ни ташкил этиб, абитуриентлар орасидаги ҳиссаси жуда оз эканини билдирмоқда.

Халқаро тил сертификатлари ва SAT

- Қатнашувчиларнинг каттагина қисми (85,5 %) халқаро IELTS сертификатига эга, бу эса абитуриентларнинг халқаро даражадаги таълимга тайёрилигини англатади.
- Бироқ SAT сертификати 28,7 % қатнашувчилардагина борлиги билинди, бу ҳол кўпгина абитуриентларнинг университетга ҳужжат топширишда бу сертификатнинг ишончсиз деб билишини кўрсатади.

Ижтимоий мавқе

- Фақатгина 8,4 % қатнашувчилар “Ижтимоий ҳимоянинг ягона рўйхати”га мансублигини кўрсатган, бу уларга университетга киришда маълум имтиёзлар беради.
- Шундай абитуриентлар сони кўп бўлган вилоят – Жиззах вилояти саналади (21,6 %).

Ахборот олиш каналлари

- 2024 йилда ахборот олишнинг асосий канали шахсий алоқалар бўлди: 44,5 % қатнашувчилар университет тўғрисида дўстлари ва қариндошлари орқали хабардор бўлган, бу ҳолат эса 2023 йилдагига нисбатан 33,8 % ошганини кўрсатмоқда.
- Telegram ва Instagramдан фойдаланиш камайди, мактаб консультациялари ва Очиқ эшиклар кунининг роли эса ошган.

Тарқатма материаллар ва ходимлар фаолиятининг баҳоланиши

- 91 % қатнашувчи тарқатма материалларга юқори баҳо беришди.
- Иштирокчиларнинг 88 %и ходимлар фаолиятини “яхши” ва “жуда яхши” дея баҳолаган.

Университетни танлаш сабаблари

- “Янги Ўзбекистон” университетини танлашнинг асосий сабаби, унинг академик мавқеи ва илмий изланиш имконияти бўлди (26,6 % қатнашувчи).
- Шахсий тавсиялар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир (12,9 %).
- Қатнашувчиларнинг каттагина қисми университет таълим олиш ва келажақда яхши иш ўрнини топиш учун етарли шарт-шароитга эгалигини кўрсатишган.

Иш режалари

- Кўпгина қатнашувчилар (27,3 %) давлат муассасаларида ишлашни ёки таълимни давом эттиришни (25,5 %) исташларини айтишган.
- Тадбиркорликка бўлган қизиқишни 12,9 % қатнашувчи, 15 % қатнашувчи эса чет элда ўқиш истаги борлигини кўрсатган.



III. АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ОТА-ОНАСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ИЖТИМОЙ СЎРОВ-НОМА ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Демографик ва ҳудудий кўрсаткичлар

- Кўпгина қатнашувчилар ўрта ёшлардаги ота-оналар сирасига киради (66,8 % 40 дан 50 ёшгача). Оналар кўпроқ – қатнашувчиларнинг 55,7 % ини ташкил этди.
- Ота-оналарнинг катта қисми Тошкент шаҳридан (18,0 %), шунингдек, республиканинг аҳолиси кўп саналган Фарғона (10,3 %) ва Хоразм (9,5 %) вилоятидан экани маълум бўлди. Ота-оналарнинг иштироки ва таълим ресурслари билан танишиб чиқиш имконияти жиҳатидан ҳудудий тафовутлар келиб чиққан.

Абитуриентларнинг билим даражаси

- Абитуриентлар орасида таълим даражаси бўйича турли-туманлик кузатилди: уларнинг 37,7 % и махсус ёки ижод мактабларини, 35,0 % и эса давлат мактабларини тугатган. Кичик ҳисса эса Президент мактаблари (9,9 %) ва академик лицейлар (8,6 %)га тўғри келди.
- Махсус ва давлат мактабларидан келадиган ўқувчиларнинг кўпчилиги академик тайёргарлик даражаси юқорилигини кўрсатади, бу уларнинг университетдаги мақсад ҳамда ўзлаштиришига таъсир этади.

Университетга киришга тайёргарлик жараёнида ота-оналарнинг иштироки

- 58,4 % ота-оналар тайёргарлик жараёнига фаол қатнашдилар, 31,9 % ота-она эса камдан-кам аралаштишни маъқул кўришган. Фақат 9,6 % гина умуман аралашмаганини билдирган.
- Кўпгина ота-оналар бу жараёнда иштирок этганига қарамай, 79,1 % ўқувчилар университетга киришда мустақил қарор қабул қилишган ва бу кўрсаткич битирувчиларда юқори эканидан далолат беради. Оила аъзолари ва ўқитувчиларнинг берган маслаҳати (10,6 % ва 9,4 %) камроқ фоизни ташкил этди.

“Янги Ўзбекистон” университетини танлаш сабаблари

- Ота-оналар учун етакчи омил – яхши таълим олиш имконияти бўлиб, 58,1 % қатнашувчи буни тасдиқлади.
- Давлат стипендияларининг мавжудлиги (14,3 %) ва чет элда ўқиш имкониятининг борлиги (14,7 %) ҳам қарор қабул қилишда аҳамиятли омил саналган. Келажакда яхши иш ўрнига эга бўлиш истиқболи эса камроқ (6,9 %) фоизга эга бўлди.

Университетда ўқиш жараёнида кутилаётган муаммолар

- Ота-оналар орасидаги асосий муаммо молиявий масалалар бўлиб, 57,3 % нафар қатнашувчи бу масалани фарзандларининг университетда ўқишида юзга келадиган асосий қийинчилик деб билган.
- Кам бўлса ҳам аҳамиятли даражадаги ота-оналар жисмоний юкламадан ташвишда эканини (10,0 %), профессор-ўқитувчилар таркиби билан бўладиган ижтимоий алоқадан хавфсираётганини (4,2 %) ва академик материални ўзлаштиришга қийналишидан хавотирда эканликларини (9,8 %) билдиришган.

Таълимни молиялаштириш

- Кўпгина ота-оналар (71,8 %) давлат грантларига умид боғлашган ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишни жуда муҳим ҳисоблашган.
- Шахсий жамғармалар таълимни молиялаштиришнинг иккинчи манбаси сифатида кўрсатилган (15,2 %), ундан кейин эса таълим кредитлари (8,6 %) келмоқда. Молиялаштириш манбалари бўйича ҳудудий тафовутлар кўзга ташланади, бунда баъзи бир ҳудудлар шахсий жамғармалар ёки кредитларни афзал кўришларини баён қилишган.

Талабаларнинг тураржойи ва яшаши бўйича режалар

- Кўпгина ота-оналар (55,6 %) фарзандлари университет ётоқхонасида яшашини исташади.
- Уларнинг камроқ қисми эса уйларида (24,4 %) ёки ижарада яшашига (13,8 %) умид қилган. Тураржойни танлаш бўйича ҳудудий тафовутлар кўзга ташланади, масалан, шаҳардан келувчилар ижара ёки ётоқхона эмас, балки мустақил яшашни афзал билишган.

Имтиҳон ташкил этилишини баҳолаш

- Кўпгина ота-оналар кириш имтиҳонлари ташкил этилишини юқори, яъни 68,0 % “жуда яхши”, 20,8 % эса “яхши” деб баҳолашган. Фақатгина кичик фоиз қатнашувчи қониқмаслик белгиларини намоён қилган (1,0 % “жуда ёмон”, 4,2 % “ёмон”).
- Гарчи қониқиш даражаси баланд бўлса ҳам баҳоланишда тажриба ва кутилган натижанинг турлилигини ифодаловчи баъзи ҳудудий тафовутлар кузатилди.

Такмиллаштириш бўйича ота-оналар таклифи

- Қатнашган 10,7 % ота-оналар орасида энг кенг ёйилган таклифлар университетга кириш жараёни (3,2 %), таълим грантлари (2,0 %) ва академик жараён билан боғлиқ (1,2 %) таклифлар билдирилди. Яна бошқа тилга олинган масалалар: талабалар тураржойи (1,1 %), инклюзивлик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш (0,8 %) билан боғлиқ таклифлар бўлди.
- Шуни қайд этиш керакки, 69,07 % ота-она ҳеч қандай таклиф билдирмади, бу эса кечаётган жараёндан умумий қониқмаслик ёхуд сўровноманинг ушбу қисмига қатнашмаганлигини кўрсатади.



I БОБ.

ҚАБУЛ ЖАРАЁНИ ВА АБИТУРИЕНТЛАР САЛОҲИЯТИГА ДОИР УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (2023–2024 ЙИЛЛАР)

Тадқиқотнинг ушбу бўлимида 2023–2024 йилларда “Янги Ўзбекистон” университетида кириш имтиҳонларининг қиёслама таҳлили амалга оширилади, бунда ҳужжат топшириш, имтиҳон таркиби ва танлов мезонларидаги асосий ўзгаришларни аниқлаш ҳамда баҳолашга асосий эътибор қаратилди. Шу жумладан, ушбу ўзгаришларнинг университетдаги ўқув жараёнига таъсирини ўрганиш ҳам ушбу таҳлил мақсадига киради.

Бундай ўзгаришларни ўрганиш олий таълимга қабул қилиш жараёнини ҳар томонлама текшириш имконини беради. Бу таҳлил “Янги Ўзбекистон” университетида қабул қилиш жараёнини тўла тадқиқ қилиш доирасида олиб борилган икки социологик сўровнома натижаларини шарҳлаш учун базавий асос бўлиб хизмат қилади. Бу сўровномалар ота-оналар ва абитуриентларнинг мақсадларини ўрганиш, шунингдек, ҳужжат топшириш, олий таълимда ўқиш, таълим соҳасидаги кейинги режалари бўйича фикрларини аниқлаш учун ишлаб чиқилди. Сўровнома натижасида олинган хулосалар сўнгги бобларда изчил ўрганилади, кейинги йилларда “Янги Ўзбекистон” университетида ҳужжат топшириш ва кириш имтиҳонида иштирок этиш хусусидаги кенг ижтимоий талқинни ифодалашга ёрдам беради.

1.1. ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛИ

“Янги Ўзбекистон” университетида охириги икки йилда ҳужжатларни қабул қилиш тартибида бир қатор ўзгаришлар амалга ошди, бу ўзгаришлар Ўзбекистонда халқаро даражадаги ўқув муассасасини ташкил қилиш истаги билан боғлиқ бўлди⁵. Ушбу ўзгаришлар асосий соҳалар, шу жумладан, таълим йўналиши бўйича квоталар; имтиҳон жойи; ҳужжатларни топшириш тартиби; имтиҳон саволларининг таркиби ва сони; имтиҳонга ажратилган вақт ва тест жавобларини текшириш кабиларни қамраб олди. Бу ва бошқа ўзгаришлар қуйида алоҳида ўрганиб чиқилди.

⁵ <https://www.gazeta.uz/ru/2021/01/16/presidents-university/>

1.1.1. АБИТУРИЕНТЛАР КОНТИНГЕНТИНИНГ ЎЗГАРИШИ



1-расм. Абитуриентлар иштироки ва университетга қабул қилинишининг таққосланиши (2023–2024 йиллар)

Имтиҳонга киритилган абитуриентлар сони. 2023 йилда имтиҳонларга 3245 абитуриент киритилган, 2024 йилда эса уларнинг сони ошиб, 3272 тага етди. Бу имтиҳонга киритилган абитуриентлар сонининг 0,8 % га ошганини англатади. Бу эса университетга нисбатан мунтазам қизиқишнинг сақланиб қолиниши ва имтиҳон таркибида ўзгариш бўлишига қарамасдан, абитуриентларнинг жиддий танланиши билан боғлиқ.


Имтиҳонда қатнашган абитуриентлар сони. 2023 йилда 1756 та абитуриент имтиҳонда қатнашди, 2024 йилда эса – 1667 та, бу эса 5,1 % га пасайганини кўрсатади. Биринчи навбатда, бу SAT балларига эга бўлган талабалар умумий сонининг ошганлиги билан белгиланади, чунки бу баллар имтиҳон топширишдан озод қилиб, университетга автоматик қабул қилинишини англатади.

Олийгоҳга қабул қилинган талабалар сони. 2024 йилда имтиҳон қатнашчилари сони камайганига қарамасдан, 2023 йилда қабул қилинган талабалар 343 та бўлса, 2024 йилда 480 тага ошди, яъни 40 % га кўтарилганини кўрсатмоқда. Бу SAT дан юқори балл олган талабалар сонининг ошишини инобатга олиб, танлов яна ҳам самарали бўлганини билдиради. Масалан, бу университетга квоталар ошиши асносида юқори салоҳиятли талабаларни қабул қилиш имконини берди. Абитуриентларнинг салоҳияти ва тайёргарлик даражаси ҳақидаги батафсил маълумот ҳисоботнинг керакли бўлимида яна тилга олиб ўтилади.

Бундан ташқари, 2023 йилда “Янги Ўзбекистон” университетига ҳужжат қабул қилиш 5 январдан 2 августгача давом этди, бу эса абитуриентларга тайёрланиш учун 7 ой муддат берди. 2024 йилда бу муддат 5 ой (24 январдан 24 июнгача) бўлди. Бундай қисқартириш орқали университет ҳужжатлар топшириш жараёнини оптималлаштириш ва жиддий академик талабларга риоя қилишга ҳаракат қилди.

Шундай қилиб, 2024 йилда абитуриентлар сонининг камайиши (SAT баллига эга бўлган абитуриентларнинг автоматик тарзда қабул қилиниши ҳисобидан) ва ҳужжат топширишдаги қисқа муддатга қарамасдан, охир-оқибат қабул қилинган талабалар сони муайян равишда ошди, бу эса ҳужжат қабул қилиш жараёнининг яхшилангани ва муваффақиятли номзодларнинг билим даражаси ошганини кўрсатади.

1.1.2. Қабул квотаси



2-расм. Йўналишлар бўйича квоталарнинг тақсимои (2023–2024 йиллар)

Таълим йўналиши квоталарининг икки йиллигини таҳлил қилиш қуйидаги муҳим таъмийларни намоён қилди:

STEM даражасининг ўсиши: “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик”, “Киберхавфсизлик” ва “Сунъий интеллект ва робототехника” йўналишларига квоталар деярли икки бараварга ўсди, бу эса университетнинг техник фанларга бўлган стратегик эътиборини ўзида акс эттиради.

Ижтимоий фанлар ва менежмент соҳасидаги квоталарнинг қисқариши: “Иқтисодиёт ва маълумотлар таҳлили”, “Саноат менежменти” каби йўналишлар сезиларли даражада пасайиб, 20 % ва 36 % га қисқарди, бу эса тижорат билан боғлиқ фанлардан STEM га йўналганлик ошганини кўрсатмоқда.

Барқарор фанлар: “Дастурлаш муҳандислиги”, “Амалий математика” ва “Педагогика (STEM да)” каби йўналишларда жуда кам ўзгаришлар кузатилди, бу эса ушбу йўналишларнинг муҳим эканлигини, лекин кейинги йилда университет ривожини учун асосий йўналиш эмаслигини кўрсатади.

Умуман олганда, диаграмма 2024 йилда квоталар қандай тақсимланганини аниқ белгилайди, бизнес ва менежмент йўналишларига квоталар озроқ қисқаргани билан, техник фанларни кенгайтиришга бўлган хатти-ҳаракатни кузатиш мумкин. Бундай қарор, “Янги Ўзбекистон” университетининг техник фанларни такомиллаштириш бўйича стратегик мақсади борлигини кўрсатмоқда. Бундай таъмий Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг республикаимизда илм-фанни ривожлантириш устуворлиги ҳақидаги фикрларига ҳамоҳангдир⁶.

⁶ <https://president.uz/ru/lists/view/7333>

1.1.3. Ҳужжат топшириш учун электрон платформа

Юқорида қайд этилган ҳужжат топшириш жараёнидаги ўзгаришлар шуни кўрсатадики, “Янги Ўзбекистон” университети бу жараёнга катта аҳамият беради ва абитуриентларга мукамал рақамли қулайлик туғдиришга ҳаракат қилади. Масалан, 2023 йилда булутли таълим бошқаруви тизими (LMS) ва талабаларга маълумот бериш тизими (SIS) – **Classe365** орқали абитуриентлар ҳужжатлари қабул қилинди. Бу платформа муқобил қарор бўлиб, технологик таълим инфратузилмаси орқали катта ҳажмдаги абитуриентлар ҳужжатларини қайта ишлаш имконини берарди.

Бироқ 2024 йилда абитуриентлар ҳужжатлари **Yii Framework 2.0 (Admission Portal)** орқали университет мутахассислари томонидан махсус ишлаб чиқилган платформада қабул қилинди. Бундай ўзгариш яна ҳам ихтисослаштирилган тизимга қаратилган, университетга қабул жараёнининг ўзига хос талабларини қондириш учун махсус ишлаб чиқилган стратегик йўналишни англатади. Ички платформанинг яратилиши ҳужжат топшириш бўйича ишчи назоратни кучайтиришни, бу эса турли ахборот тизимларини мувофиқлаштириши ва амалий қўлланишини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, махсус ишлаб чиқарилган платформага ўтиш “Янги Ўзбекистон” университетининг рақамли инновацияларни ривожлантириш ва тизимли бирлаштиришнинг такомиллашувига жиддий қараётганидан далолат беради.

1.1.4. Халқаро сертификатлар

Асосий ўзгаришлардан яна бири – халқаро сертификатларнинг қабул қилиниши ва баҳоланиши бўлди⁷. Улардан энг асосийлари қуйида акс эттирилган.

1. Тўпланган баллардан фоизларга:

2023 йилда халқаро сертификатлар (SAT, IB, A-Levels) тўпланган баллар сифатида саналарди. Масалан, SAT дан 210 баллдан то 250 гача олса – 10 балл, 701 дан 800 гача олса – 20 балл сифатида баҳоланарди.

2024 йилда бу тизим фоизли санашга ўтди. SAT баллари 50 % дан 100 % гача ўтказилди. Масалан, SAT дан 500 дан 510 гача олса 50 %, 760 дан 800 гача эса 100 % деб олинди.

2. SAT баллари диапазонидаги ўзгаришлар:

2023 йилда SAT баллари диапазони 210 дан бошланарди, бунда паст натижани қайд этган абитуриентлар ҳали ҳам SAT сертификатини тақдим қилишлари мумкин бўларди.

2024 йилда фақат 500 баллдан юқори бўлган SAT сертификатлари қабул қилинди, яъни 500 дан паст бўлган абитуриентлар ортиқ фоиз ололмайдиган бўлдилар. Бу жараён саралашни йўлга қўйди ва паст балл олганларни чиқариб юборди.

3. International Baccalaureate (IB) баллари:

2023 йилда IB баллари 12 дан 20 гача диапазондаги балларга ўтказилди. Ҳатто IB дан паст балл (1 дан 3 гача) олганлар ҳам кириш учун фоиз тўплай олардилар.

2024 йилда фақатгина IB 4 ёки ундан юқори кўрсаткичлар қабул қилинди ва 50 % дан 100 % гача ҳисобланди. Жараёнга жиддий мезон қўйилиб, 1 дан 3 гача бўлган IB баллари ҳисобга олинмайдиган бўлди.

4. A-Levels ва AS-Levels да қайта ишланиши:

2023 йилда A-Level баҳолари балларга айлантирилди (масалан, E баҳоси 11 балл, A* баҳоси 20 баллни беради). AS-Levels алоҳида қайта ишланди, лекин унинг баллари бироз пастроқ ҳисобланди.

2024 йилда A-Level ва AS-Level баллари фоизларга айлантирилди, бунда A* – 100 %, C – 70 % ни берадиган бўлди. Бу эса A-Levels ва AS-Levels ўртасида умумий баллга ҳиссаси жиҳатидан яна ҳам адолатли ва изчил таққосланишига сабаб бўлди.

5. IMChO бўйича:

2023 йилда нуфузли конкурсларда, масалан, Менделеев номидаги Халқаро кимё олимпиадасида (IMChO) иштирок этиб, ўрин эгаллаган абитуриентлар 20 баллга эга бўлишди, бу эса университетга киришда уларга имтиёз берди.

2024 йилда IMChO ҳақида маълумот берилмади, бу эса эришилган ютуқ университетга киришда ҳисобланмаслигини билдирмоқда.

2024 йилдаги янги схеманинг афзалликлари

Аниқлик. Қайд этилган балларнинг фоизларга айлантирилиши абитуриентларни табақалаштирди. Фоизли тизим ўзлаштириш даражасини яна ҳам аниқлаштириб, тестдан бир хил балл олган абитуриентлар орасидаги тафовутни аниқлаштириш жараёнини соддалаштирди. Масалан, SAT дан олинган 510 балл 55 % га айлантирилади, бу эса, 500 баллнинг 55 % га ўтказилиши билан анчагина фарқ қилади.

Танлов мезонининг жиддийлашуви. SAT ва IBга мансуб паст балларнинг (SAT да 500 дан ва IB да 4 дан паст) ҳисобга олинмаслиги 2024 йилда абитуриентлар учун кириш баллари юқори бўлишига олиб келди.

Шундай қилиб, муваффақиятли талабалар халқаро сертификатларидан фойда олди-

⁷ 2023–2024 йилларда халқаро сертификатларнинг ўзгартирилиши хусусидаги тўла маълумотни 1-иловада кўришингиз мумкин.

лар, бу эса, шубҳасиз, 2024–2025 ўқув йилида қабул қилинган талабаларнинг умумий сифатини оширди.

A-Level ва AS-Level балларини қайта ишлашда мувофиқлик. 2024 йилда A-Level ва AS-Level натижаларини ягона фоиз тизимига солиш чалкашликларнинг олдини олди ва икки тест орасидаги стандартларни тўғрилаб, турли академик даражага эга бўлган талабаларга нисбатан адолатли ёндашишни таъминлади.

2024 йил янги схемасидаги чекловлар

Заиф талабаларни четлаштириш. 2024 йил тизими паст балли халқаро сертификатларга эга бўлган талабалар учун ижобий бўлмади. 2023 йилда бу талабалар, ҳар ҳолда, муайян балл олишлари мумкин эди (SAT дан бор-йўғи 10 балл, IB учун эса 12 балл), 2024 йилда эса паст баллар бекор қилинди ва бу абитуриентлар аҳволини оғирлаштирди.

Шу тарзда, 2024 йилдаги янги тизимга фоизли ўзгартириш киритилди, бу қабул жараёнининг яна ҳам аниқроқ, яна ҳам адолатлироқ бўлишига хизмат қилди. Бу усул яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, турли халқаро сертификатларни мувофиқлаштириш ва абитуриентлар тайёргарлигини мувозанатли баҳолашига олиб келди. Мезонни кўтариб, паст балли абитуриентларнинг ажратилишига сабаб бўлса ҳам, бу усул талабаларнинг ҳақиқий иқтидори ва салоҳиятини юзага олиб чиқди.

1.2. Имтиҳон жараёни

2023–2024 йиллардаги имтиҳон жараёнига киритилган асосий ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили

1. Имтиҳон бўладиган жой ва унинг сони

2023. Биринчи имтиҳон Тошкентда февраль ойида, кейингилари эса вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди.

2024. Имтиҳонлар жараёни оптималлаштирилди, улар 6 июль куни ҳамма вилоятларда, шу билан биргаликда Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди.

2024 йилда барча вилоятларда бир вақтнинг ўзида имтиҳон ўтказилиши логистик самарадорликни ошириш ва имтиҳондаги бирхилликни таъминлаш мақсадида амалга оширилди. Шунингдек, бу йўл билан университет ҳар қандай ҳудудий тафовутларни бартараф қилиш ҳамда яна ҳам адолатлироқ, очиқ ва шаффоф тест жараёнини яратишга ҳаракат қилди. Бу ўзгаришлар бир нечта имтиҳон сессиялари билан боғлиқ административ харажатларни камайтириш ва координацияни яхшилашни ҳам назарда тутди.

2. Имтиҳон саволлари миқдори

2023. Саволларнинг умумий миқдори 20 та.

2024. Саволларнинг сони 40 та бўлиб, тест саволларининг икки баравар ошганини кўрсатади.

2024 йилда имтиҳон саволларининг кўпайиши, абитуриентлар билими кенглиги ва чуқурлигини яхши баҳолаш учун қўйилган қадам ҳисобланади. Бу миқдорнинг кўпайиши абитуриентлардан яна ҳам юқори тайёргарлик даражасини талаб қилувчи тест имтиҳонлари стандартларига жиддий қарашни ўз олдига мақсад қилади. Шунингдек, университетнинг имтиҳонга берилган вақт давомида абитуриент салоҳиятининг кенг доирасини баҳолаш мақсадини ҳам кўрсатади.

3. Имтиҳонга ажратилган вақт

2023. Ҳар бир фанга 70 дақиқа ажратилган.

2024. Имтиҳонга ажратилган умумий вақт 120 дақиқа бўлди.

2024 йилда имтиҳон вақтининг 120 дақиқа бўлиши, саволлар миқдорининг икки баравар кўпайишига қарамасдан, шуни кўрсатадики, мураккаблашган саволлар юкламасини абитуриентлар ечишга улгуриши мақсадида, мувозанатга келтиришга ҳаракат қилди. Бироқ бу ўзгариш, шу билан биргаликда, абитуриентлардан дарҳол когнитив қайта ишлаш ва қарор қабул қилишни ҳам талаб қилади, чунки саволларни ечиш учун ўтган йилдагидан кўра камроқ вақт қолади. Бу ўзгариш имтиҳоннинг яна ҳам мураккаброқ ва талабчан жараёнини акс эттиради.

4. Абитуриентлар учун имтиҳон варақалари

2023 йилда абитуриентлар жавоблар варақасини кўк рангли ручка билан белгилашлари керак эди, шунинг учун ҳар бир абитуриентга ручка, сув, саволлар варақаси ҳамда қоралама қоғозлар берилган. Бироқ 2024 йилда Cambridge University Press & Assessment жавобларни белгилашда қаламдан фойдаланишга ҳам рухсат берди, шунинг учун, ҳар бир абитуриентга иккита қалам, ўчирғич, сув, саволлар ва жавоблар варақаси ҳамда қоралама учун қоғозлар берилди.

Қалам Cambridge University Press & Assessmentнинг психологик тавсияларига асосланиб қўллана бошланди. Чунки ручка ёзувини қайта ўзгартириш мумкин бўлмагани учун ўқувчиларда стресс туғдириши мумкин. Қаламни эса ўзгартириш мумкин, бу ҳолат ўқувчиларга назорат ҳиссини бериб, стрессни камайтиради. Дунёдаги барча мактаб ва университетларда қўлланиладиган бу усул яна ҳам эркинроқ шарт-шароитни юзага келтиришга ёрдам беради. Қаламда бўяш қарори университет томонидан яхши шарт-шароитни яратиш, абитуриентларда эса натижаларини ижобийлаштириш имко-

ниятини берди. Бундай ўзгаришлар дунё таълим амалиётига мувофиқ бўлиб, уларда талабаларнинг, айниқса, ҳаётининг муҳим воқеаси саналган кириш имтиҳонида руҳий соғлиғи ва эмоционал барқарорлиги биринчи ўринга қўйилади.

5. Саволларнинг тузилиши

2023. Имтиҳон саволлари “Янги Ўзбекистон” университети мутахассислари ҳамда Педагогик маҳорат илмий-амалий маркази ва махсус таълим муассасаларини халқаро баҳолаш агентлиги ходимлари билан биргаликда тайёрланди.

2024. Имтиҳон саволлари Cambridge University Press & Assessment томонидан тайёрланди.

Cambridge University Press & Assessmentнинг 2024 йилда қатнашуви имтиҳон жараёнининг аҳамияти ва стандарти анчагина ўсганлигини кўрсатади. Бу ўзгариш университет ўзининг стандартларини жаҳон тан олган стандартларга мослаштиришга интилаётганидан дарак беради. Cambridge University Press & Assessmentнинг юқори сифатли, адолатли ва жиддий тестларни ишлашидаги тажрибаси шуни кўрсатадики, университет кириш имтиҳонларининг объективлигини ошириб, дунё тан оладиган даражада бўлишига интилмоқда.

6. Имтиҳон фанлари

2023. Таълим йўналишидан келиб чиқиб, имтиҳонлар математика, мантикий фикрлаш, физика ва кимё фанлари бўйича инглиз тилида олиб борилди.

2024. Қайси таълим йўналиши бўлмасин, имтиҳонлар математика ва мантикий фикрлаш бўйича инглиз тилида олиб борилди.

2024 йилда имтиҳон фанларини математика ҳамда мантикий фикрлаш билан чегаралаш тест имтиҳонига нисбатан ақл-идрокли муносабат кўрсатаётганини англатади. Бу ўзгариш “Янги Ўзбекистон” университетининг физика ва кимё каби аниқ фанга йўналтирилган тестлардан чекиниб, турли фанларга қўллаш мумкин бўлган асосий қисмларга эътибор қаратаётганини кўрсатади. Бундан ташқари, ушбу ўзгариш абитуриентларнинг таҳлилий қобилиятлари ва муаммони ечиш кўникмаларига ҳам урғу беради, бу эса таълим олишнинг ҳамма доираларида универсал даражада қимматлидир.

7. Имтиҳон кунлари сони

2023. Имтиҳонлар йил давомида уч марта (февраль, май, август) ўтказилди. Абитуриентлар олган натижаларидан қониқмасалар ёки юқориноқ балл олмакчи бўлсалар, имтиҳонни қайта топшириш имкониятига эга эдилар.


2024. Имтиҳонлар фақат бир марта – 6 июлда бўлди.

2024 йилда имтиҳонларнинг бирлаштирилиши университетга кириш стратегиясида муайян ўзгаришлар бўлганини, бу эса қайта топшириш имконияти йўқлигини кўрсатди, натижада самарали оптималлаштириш амалга оширилди. Абитуриентларга қайта имтиҳон топшириш рухсати бўлмагани ва бир мартада имтиҳондан яхши натижани қўлга киритиш кераклиги сабабли уларга нисбатан босим кучайтирилгандек кўринди. Ушбу ўзгариш кенг институционал мақсадни – қабул жараёнини оптималлаштириш ва абитуриентлар учун рақобатли муҳит яратишни ўзида акс эттиради.

2024 йилда имтиҳонлар жараёни яшиланиш томонга бурилиб, яна ҳам стандартлаштирилиб жиддийлашди, технологик жиҳатдан интеграллаштирилди. Cambridge University Press & Assessmentни жараёнга жалб қилиш, тест саволларининг кўпайтирилиши, имтиҳон санаси ва жойини оптималлаштириш, “Янги Ўзбекистон” университетининг академик мезонларни кўтаргани, қабул жараёнининг умумий самарадорлигини такомиллаштиришга бўлган интилишини кўрсатмоқда.

1.3. Абитуриентлар салоҳияти

1.3.1. Ёш хусусиятлари



3-расм. Абитуриентларнинг ёш хусусиятлари (2023–2024 йиллар)

2023 йилда кўпгина абитуриентлар 17–18 ёшда бўлиб, умумий миқдорнинг 88,9 % ини ташкил этди, бу ҳолатда 17 ёшлилар 39,5 %, 18 ёшлилар 49,4 % эди. Каттароқ ёшдаги абитуриентлар жуда кам – 19 ёшлилар 4,5 %, 20 ёш ва ундан катталар яна ҳам камроқ фоизни ташкил этди. Бундай тамойил абитуриентларнинг стандарт контингенти билан боғлиқ бўлиб, асосий қисм абитуриентлар мактаб битирувчиларидир. 2024 йилда ҳам худди шундай манзара пайдо бўлди: 18–19 ёшлилар 94,2 % ни ташкил этди. Бироқ ёш абитуриентлар сони кескин ошди ва 17 ёшлилар 43,7 % га ўсди, 19 ёшлилар эса 3,2 % га пасайди. Ёш тақсимотидаги барқарорлик “Янги Ўзбекистон” университети эндиgina мактаб битирувчиларини жалб қилаётганидан далолат беради. Ёши каттароқ абитуриентларнинг сушлашиши уларда имкониятнинг камайиши ёхуд таълим олишнинг бошқа усулларига эътибор қаратилаётганидан далолат беради.




4-расм. Абитуриентлар ёшининг қиёсий статистикаси (2023–2024 йиллар)

2023 йилдаги статистика абитуриентлар ўртача ёши 17,9 ни, медиана эса 18 ни, стандарт оғиш 1,774 ни ташкил этади, бу эса 2024 йил билан қиёслаганда ёш тақсимланишининг кенгайганини кўрсатади. Ёш диапозони 16 дан 42 гачани кўрсатади, кўпгина абитуриентлар ўсмирлар бўлса ҳам, бир қатор ёши катталар ҳам учрайди, балки улар муайян танаффусдан кейин таълимга қайтаётганлар бўлиши мумкин. Стандарт оғишнинг баландлиги ҳужжат топширувчилар ёши ўртасида катта тафовутлар борлигини кўрсатади.


2024 йилда ўртача ёш яна ҳам пастроқ – 17,62, медиана бир хил – 18 ёш. Стандарт оғиш яна ҳам камроқ – 0,955, демак, ҳужжат топширувчиларнинг ёши 17–18 ёшда зичлашганини кўрсатади. Ёш диапозони ҳам 16–39 ёшга торайган, бунда ёши каттароқ абитуриентлар сони камайган, бу эса 2024 йилда абитуриентлар гуруҳи деярли бир хил ёшда бўлганини тахмин қилиш имконини беради.

1.3.2. Гендер хусусиятлари ва таълим йўналиши



5-расм. Абитуриентларнинг гендер тақсимои (2023–2024 йиллар)

Юқоридаги диаграммада абитуриентларнинг 2023–2024 йилларда гендер тақсимланиши кўрсатилган, бунда ҳар бир йил учун эркаклар ҳамда аёллар сони таққосланган. Масалан, 2023 йилда 62,4 % абитуриентлар эркаклар бўлса, 37,6 % аёллар бўлиб, абитуриентлар орасида эркаклар сони кўпроқ эканини кўрсатади. 2024 йилда абитуриентлар орасида эркаклар 66,6 % га ўсди, аёллар сони эса 33,4 % га пасайди. Бу силжиш 2023 йилда катта гендер номуносиблик мавжудлигини кўрсатади, яъни эркаклар аёллардан кўп. Балки, бундай тамойил “Янги Ўзбекистон” университетининг умумий жиҳатдан техникага йўналганлиги билан белгилангандир. Янада тўлароқ таҳлил қуйида келтириб ўтилган.



6-расм. Таълим йўналишига қараб гендер мойиллик (2023–2024 йиллар)⁸

2023 йилда эркак абитуриентлар “Киберхавфсизлик” (86 %), “Механик муҳандислик” (80,5 %) ва “Дастурлаш муҳандислиги” (83 %) соҳаларига мойиллик кўрсатган бўлсалар, аёллар мойиллик кўрсатмаган. “Саноат менежменти” (68,2 % эркаклар, 31,8 % аёллар) ва “Иқтисодиёт ва маълумотлар таҳлили” (67,7 % эркаклар, 32,3 % аёллар) каби

⁸ Ҳар бир йил учун маълумот 2-иловада кўрсатилган.


соҳаларда биров мувозанат кузатилди. “Педагогика (STEM)”да абитуриентлар орасида аёллар нисбатан устунлик (83,5 % аёллар) қилди. Худди шундай ҳолат “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” соҳасида ҳам кузатилди, яъни абитуриентларнинг 58,9 % ини аёллар ташкил этди.

2024 йилда гендер тақсимоотида сезиларли ўзгаришлар юз берди. “Саноат менежменти” (38,5 %) ва “Дастурлаш муҳандислиги” (20,2 %) соҳаларида аёллар ҳиссаси ўсди, бироқ “Механик муҳандислик” ва “Сунъий интеллект ва робототехника” соҳаларида аёллар сонининг камайиши кузатилди. “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” соҳасида ҳам эркаклар томонига оғишни кўриш мумкин, бунда эркаклар ҳиссаси абитуриентлар орасида 55,2 % ни ташкил этди. “Педагогика (STEMда)” олдингидек аёллар етакчилик қиладиган соҳа бўлиб қолмоқда: 2024 йилда аёллар ҳиссаси 90,6 % ни ташкил этди.

Умуман олганда, баъзи бир йўналишларда аёллар сонининг ўсишида бир қатор ижобийлик кузатилган бўлса ҳам, анъанавий “эркакча” йўналишлар, масалан, муҳандислик ва технологияда олдингидек гендер тенгсизлиги кузатилди. “Педагогика (STEMда)” ва “Амалий математика” каби йўналишлар эса “аёлларга хос” йўналишга айланди, бу ҳолат эса турли академик йўналишларда гендер тенгсизлик сақланиб қолаётганини кўрсатади.

1.3.3. Ҳудудий хусусиятлар

■ 2024 ■ 2023




7-расм. Ҳудудлар бўйича тақсимот

Юқоридаги таққослама диаграммадан кўринадикки, иккала йилда ҳам (2023 йилда 23,8 %, 2024 йилда 21,9 %) Тошкент энг юқори кўрсаткичга эга бўлган. Шундай қилиб, асосий талабалар контингенти Тошкент шаҳридан бўлса ҳам бир йилдан кейин унинг ҳиссаси бироз пасайган.

Шу билан бирга, 2024 йилда баъзи бир ҳудудларда 2023 йилдагига қараганда ўсиш кузатилади. Масалан, Андижон вилоятидан келадиган абитуриентлар 5,2 % дан 6,8 % гача юқори бўлса, Хоразм ва Наманган вилоятларида ҳам ўсиш кузатилди (3,8 % дан 7,2 % гача ва 6,6 % дан 8,5 % гача) ва бу табиийки, ўсиш динамикасини қайд этади.

Бироқ баъзи ҳудудларда пасайиш кузатилиб, 2024 йилда Тошкент вилоятидан келадиган абитуриентлар сони 11,3 % дан 9,7 % га, Самарқанд вилоятида 7,8 % дан 6,5 % га, Сирдарё вилоятида 4,1 % дан 2,8 % га тушган. Бу эса ҳудудлар орасида нотекислик юзага келганини англатади: баъзи вилоятларда абитуриентлар сонининг ўсишини, баъзиларида эса 2024 йилга нисбатан пасайишини кузатиш мумкин.

1.3.4. Мактаб турлари



8-расм. Абитуриентларнинг ўқув муассасалари бўйлаб тақсимоти (2023–2024 йиллар)⁹

Натижалардан кўринадики, абитуриентларнинг кўпроқ қисми давлат ва хусусий мактабларидан, академик лицейлар, коллежлар, техникумлар ва университетлардан келган, уларнинг ҳиссаси 2023 йилда 63,4 %, 2024 йилда эса 72,3 % ни ташкил этган. Бу ўсиш, биринчи навбатда, таснифлашнинг ўзгариши ва таҳлил қилинганда бир неча таълим категориясининг қўшилиши билан боғлиқ. Шунингдек, анъанавий ва академик ўқув муассасаларида ўқиган абитуриентлар сонининг ўсишига умумий мойиллигини ҳам кўрсатмоқда.

Ижодий мактабларни битирганлар ҳиссаси пасайиб, 2023 йилда 3,2 % ни, 2024 йилда 1,7 % ни ташкил этди, бу эса ижодий таълим муассасаларидан келадиган абитуриентлар сонининг камайганини англатади. Бу тушиш абитуриентларнинг ўзида мақсадларнинг ўзгариши ёки бундай дастурларга нисбатан қизиқиш пасайганлиги сабабли бўлиши мумкин.


Шу билан бирга, ихтисослаштирилган мактаблардан келадиган абитуриентлар ҳиссаси 2023 йилда 26,3 % га, 2024 йилда 38,3 % га ўсди. Бу ўсиш махсус ўқув муассасаларининг аҳамияти ошаётганлигини кўрсатади. Абитуриентларнинг тайёрланиши жараёнида уларнинг рақобатбардошлигини юксалтирувчи янги талаб ҳамда мезонларга мослашиши билан боғлиқлигини англатади.

Бу ўзгаришлар “Янги Ўзбекистон” университетида келувчи битирувчилар анъанавий ҳамда ихтисослаштирилган мактабларни танлаётганидан дарак беради, яъни бўлажак талабалар тайёргарлик жараёни стратегиясида муайян ўзгаришлар юз берган.

⁹ Натижаларни шарҳлаётганда 2024 йилда “Президент мактаблари”нинг “Давлат мактаблари, академик лицейлар, коллежлар, техникумлар ва университетлар” тоифасига киришини инобатга олиш лозим.

1.3.5. Инглиз тилини билиш даражаси

Юқорида қайд этилганидек, 2023–2024 йилларда халқаро сертификатларни (SAT, IB ва A-Levels) баҳолаш тизимида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Бу талабаларда чет тилларини билиш даражаси, салоҳиятини белгилашда муҳим жиҳат ҳисобланади. IELTS каби халқаро тил сертификатининг мавжудлиги нафақат инглиз тилини билиш даражасини белгилайди, балки абитуриентларнинг бевосита “Янги Ўзбекистон” университетида ўқиш учун академик тайёргарлигини ҳам баҳолаш имконини беради. Бу ўзгаришларга мувофиқ, 2023–2024 йиллардаги IELTS натижаларининг таҳлили, айниқса, долзарб бўлди, чунки улар нафақат сертификатли абитуриентлар сонининг ошганлигини (2023 йилда 43 %, 2024 йилда 66,5 %), балки балларнинг тақсимотидаги ўзгаришларни ҳам кўрсатади ҳамда талабаларнинг тил билиш маҳоратини яхши тушуниш имконини беради. Бундан ташқари, бундай таҳлил абитуриентларнинг академик салоҳиятини ҳамда инглиз тиллилар орасида ўқишга тайёргарлик даражасини ҳам белгилайди.



9-расм. Абитуриентлар орасида IELTS балларининг тақсимоти (2023–2024 йиллар)

Юқоридаги диаграммада 2023–2024 йиллар абитуриентлар орасида IELTS баллари тақсимотини кўриш мумкин. Иккала йил учун ҳам энг кўп қўлга киритилган балл – 6,0 бўлиб, 23,4 % абитуриентлар 2023 йилда шу натижани қўлга киритди, 2024 йилда эса 24,5 % абитуриент ушбу кўрсаткичга эга бўлди. Натижалар кўпгина абитуриентлар инглиз тилини B2 даражада билишларини англатади. Иккинчи частотада эса – 6,5 балл бўлиб, 2023 йилда бироз пасайиб, 25,0 % ни, 2024 йилда эса 21,5 % ни ташкил этди. 2024 йилда ўртача (6,0–6,5) балларининг умумий концентрацияси томонга бироз силжиш юз берган, яъни камроқ абитуриентлар 6,5 баллни олган, кўпларнинг эса инглиз тилини “яхшигина” билиши маълум бўлди.

Икки йил орасида сезиларли ўзгариш – 5,5 балл олган абитуриентлар сонининг ошиши. 2023 йилда 17,2 % абитуриент 5,5 баллга эга бўлган, 2024 йилда эса бу кўрсаткич 22,9 % гача ўсган. Бундан ташқари, 5,0 балл олган абитуриентлар сони 2023 йилда 0,4 %, 2024 йилда эса 0,7 % бўлган.

Юқори қисмда 7,0 ёки ундан юқори балл олган абитуриентларнинг камайганини кўриш мумкин. 2023 йилда 21,9 % абитуриент 7,0 балл олган, 2024 йилда эса бу кўрсаткич 18,0 % га пасайган. Шу тарзда, 7,5 баллга эга бўлган абитуриентлар сони 2023 йилда

9,8 % гача, 2024 йилда эса 7,9 % гача пасайган. 8,0 ёки ундан юқори баллар иккала йилда ҳам жуда кам учраган. Иккала йилда ҳам 2,2 % абитуриент 8,0 балл олган ва жуда кам сонли абитуриент бундан юқори баллни қўлга киритган.


Шуни қайд этиш муҳимки, 2024 йилда юқори баллар ҳиссаси камайишига қарамасдан, 2023 йилда **43 %** абитуриентлар IELTS сертификатларига эга бўлиб, 2024 йилда ушбу кўрсаткич **66,5 %** га ўсди. Бундай тамойил, шубҳасиз, инглиз тилидан тасдиқланган кўникмаларга эга бўлган абитуриентларнинг кўпайганини ва балларнинг, **5.0** ва **5.5** олганлар сонининг ошиши билан бирга кенг тақсимланганини кўрсатади. Шу билан бирга, **7.0** ва ундан юқори балларнинг бироз пасайиши инглиз тилида турлича тайёргарлик даражасига эга бўлган абитуриентларнинг “оқиб келиши” билан боғлиқ.

1.4. “Янги Ўзбекистон” университетига қабул қилиш натижалари

Ҳужжат топшириш жараёни, имтиҳонлар таркиби, танлов мезонларидаги ўзгаришларга бағишланган олдинги бобларнинг давоми сифатида, ушбу боб “Янги Ўзбекистон” университетидаги имтиҳон жараёнларига бағишланган. Унда гендер ва ҳудудий тақсимот, тилни билиш даражаси, олинган грантларнинг тақсимланиши ва танланган таълим йўналиши ҳисобга олиниши билан қабул қилинган талабаларнинг сони ҳақида маълумот берилади. Бу маълумотлар нафақат мавжуд тамойиллар ва танлов тизимидаги қусурларни аниқлаш, балки янги талабаларнинг профили ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш имконини ҳам беради.

Ушбу маълумотларнинг таҳлили кейинги бобларни ҳам тўлдиради, унда абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида олиб борилган социологик сўровномалар тақдим қилинади. Бундай услуб бўлажак талабаларнинг омиллари, мақсад ва орзу-умидларини чуқурроқ тушунишга, ўз навбатида, келажакда қабул жараёнига мақсадли мослашишга ёрдам беради.

1.4.1. Гендер хусусиятлари



10-расм. Қабул қилинган талабаларнинг гендер тақсимоти

“Янги Ўзбекистон” университетига қабул қилинган талабалар орасида гендер тақсимоти, 2023–2024 йилда табиий равишда имтиҳонда қатнашган абитуриентлар тақсимланиши билан боғлиқ ўхшаш тамойилларни ҳамда эркаклар ва аёллар ўртасида муайян тенгсизлик борлигини кўрсатади.

Масалан, 2023 йилда 343 та қабул қилинган талабаларнинг 76,7 % ини (263 нафар талаба) эркаклар, 23,3 % ини (80 нафар талаба) аёллар ташкил этди. 2024 йилда қабул қилинганлар сони 480 тагача ошди, улардан 80,2 % и (385 нафар талаба) эркаклар ва 19,8 % и (95 нафар талаба) аёллардир.

Бу эркаклар сони 46,4 % (122 нафар талаба)га, аёллар сони эса 18,8 % (15 та талаба) га ошганлигини кўрсатмоқда. Аёллар сони ўсганлигига қарамасдан, умумий талабалар ичида уларнинг ҳиссаси камайган, яъни қабул қилинган талабалар орасида эркаклар ҳиссаси ўсганини кўрсатмоқда. Шундай тарзда, қабул қилинган талабалар орасида эркаклар ҳиссаси ошгани табиий равишда аёллар ҳиссасининг камайишига олиб келмоқда.


1.4.2. Ҳудудий хусусиятлар

Қайси ҳудудга мансублик таҳлил қилинганида асосий контингент пойтахт ёки республикаимиз аҳолиси зич ҳудудларидан келаётгани маълум бўлмоқда.

2023 йилда қабул қилинган талабаларнинг кўпчилик қисми Тошкент шаҳри (21,6 %) ва Тошкент вилоятидан (11,7 %) бўлиб, бу эса **пойтахтдан келаётган талабаларнинг ҳиссаси кўплигини** англатмоқда. Ундан кейин Наманган (7,9 %), Қашқадарё (7,6 %), Фарғона (6,4 %) ва Бухоро (6,4 %) вилоятлари етакчилик қилмоқда. 2023 йилда ҳужжат топширганлар орасида Жиззах (3,2 %) ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,5 %) **ҳиссаси кам** бўлиб, бу эса ҳудудига боғлиқ равишда абитуриентларнинг турли даражадаги ҳиссасини кўрсатмоқда.


2024 йилда қабул қилинган талабаларнинг ҳудудий тақсимот таркиби ўзгарди: **Тошкент шаҳри яна етакчи** (18,8 %), шунингдек, Фарғона (8,1 %) ва Хоразм (8,3 %) вилоятларида ҳам ўсиш кузатилди. Баъзи бир вилоятлар, хусусан, Жиззах (5,4 %) ва Қорақалпоғистон Республикасидан (5,0 %) келганлар сони ҳам ошди, Қашқадарё вилоятидан келганлар сони эса пасайди (4,6 %).

Натижада, 2024 йил маълумотлари кўпгина вилоятлардан келган абитуриентлар сонининг ошганини, бу ҳудудлардан келадиган абитуриентлар сони бирмунча пасайган бўлса ҳам, пойтахт ва Тошкент вилояти олдингидек етакчи эканини кўрсатмоқда. Бу ҳолат, эҳтимол, “Янги Ўзбекистон” университетига қабул квоталарининг ошганлиги, шунингдек, республика ҳудудларида университетда ўқиш имкониятининг юқорилиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.



11-расм. Қабул қилинган талабаларнинг ҳудудий тақсимооти

1.4.3. Мактаб турлари



12-расм. Қабул қилинган талабаларнинг битирган ўқув муассасаси бўйича тақсимо­ти (2023–2024 йиллар)

Қабул қилинган талабаларнинг битирган ўқув муассасаси бўйича тақсимо­ти таҳлил қилинганда, 2023 йилга қараганда 2024 йилда муайян ўзгаришлар содир бўлганини кўрамиз. **2023 йилда қабул қилинган талабалар, асосан, Президент мактаблари битирувчиларидан** ташкил топган (41,1 %), бу эса абитуриентларнинг тайёргарлик кўриш жараёнида уларнинг таъсири катта бўлганини кўрсатади. Давлат умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари ҳам каттагина қисмни (25,9 %) ташкил этди. Махсус таълим мактаблари агентлиги тизимига кирувчи ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари (24,8 %), лицейлар (коллежлар) (8,2 %) эса нисбатан камроқ фоизда.

2024 йилда тақсимо­т таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди: **давлат мактаб­лари битирувчиларининг сони ошди** (36,5 %), бу эса мактаб битирувчиларининг ака­демик тайёргарлиги ва қизиқишлари юқорилигини кўрсатади. Шунингдек, ихтисос­лаштирилган мактаб битирувчилари сони ҳам кўпайди (29,6 %), бу эса ихтисослашти­рилган таълим абитуриентларни қамраб олаётганини кўрсатади. Шунингдек, Прези­дент мактаблари битирувчилари сонининг ошгани (34 %) ҳам кўринади, яъни илга­ригидай унинг катта ҳиссаси сақланиб қолмоқда. Бироқ 2024 йилда қабул қилинган талабалар орасида лицей ва коллеж битирувчилари учрамади, бу эса қабул жараёни йўналиши ўзгариши ёхуд бу муассасалардаги тайёргарлик даражасини акс эттириши мумкин.

Шуни қайд қилиш керакки, 2024 йилда қабул қилинган талабалар орасида лицей ва коллеж битирувчиларининг йўқлиги **Республика Президенти томонидан таълим соҳасидаги ислохотларни амалга оширилиши** билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хусусан, Республикамиз Президентининг 06.09.2019 йилдаги “Профессионал таъ­лимга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №-5812-сонли Қарори¹⁰ бўйича, “Ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳа­сига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яқка тар­тибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом этти­риш ҳуқуқига эга бўлади”.

¹⁰ <https://lex.uz/ru/docs/4500929>


Ундан ташқари, ёшларга оид сиёсат бўйича янги вазифа ва таклифлар муҳокамаси ҳамда натижалар таҳлилига бағишланган 2024 йил 28 июндаги¹¹ видеоселектор мажлисида, “Халқаро бакалавриат” ва “A-Level” дастурларини ОТМ ҳузуридаги 73 та академик лицейга татбиқ қилишга қарор қилинди. Бу дастурлар бўйича сертификат олган битирувчилар ОТМларга имтиҳонларсиз тўлов-контракт асосида қабул қилинадилар.

Юқорида айтиб ўтилган ташаббуслар 2024 йилда қабул қилинган талабалар орасида лицей ва коллеж битирувчилари йўқлигининг фақатгина билвосита сабаби бўлиши мумкин, чунки ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг ОТМга кириш мотивлари ҳақида илмий асосланган маълумотлар йўқ.

Шундай қилиб, ушбу маълумотлар давлат ва ихтисослаштирилган мактаб битирувчилар сонининг ўсиши, улар орасида президент мактаблари битирувчилари етакчиликини сақлаб қолаётганини кўрсатади, бу эса университетнинг ўзгариб бораётган таълим шарт-шароитларга ва турли ўқув муассасаларидаги тайёрлов сифатига мослашаётганини англатмоқда.

¹¹ <https://president.uz/ru/lists/view/7357>

1.4.4. “Янги Ўзбекистон” университети талабалари орасида давлат грантининг тақсимо­ти




13-расм. Давлат грантининг тақсимо­ти

“Янги Ўзбекистон” университети талабалари орасида давлат грантлари тақсимо­ти таҳлили 2023–2024 йилларда грант олувчилар сони кўпайганини ва грантлар тури бўйича тақсимланиши таркиби ўзгарганини намоиш этади. 2023 йилда 4 йиллик 100 % лик давлат грантини 57,7 % талаба олган, бу эса бутун молиялаштириш тизимининг энг катта ҳиссасини кўрсатмоқда. Бир йиллик 100 %ли грант 18,1 % талабага тақдим қилинган, 70 ва 50 %ли бир йиллик грантларни эса 15–8,7 % талаба олган, табиий равишда, пулли асосда ўқийдиган талабалар энг кам ҳиссасини ташкил этмоқда (0,3 %).

2024 йилда 4 йилга 100 % лик грант олган талабалар сонининг ошганини (57,3 %) кўра­миз. Бу – давлат томонидан таълимни молиялаштириш кўла­ми кенгайганини кўр­сатади. Бир йилга 100 % грант олган талабалар сони ҳам ошди (25,8 % талаба), 70 % ва 50 % грант олганлар айна ўша даражада сақланиб қолди, бу ҳолатда пулли асосда ўқийдиган талабалар умумий миқдори 1,3 % га ошгани аниқланмоқда.

Турли мактаб битирувчилари тоифалари орасида 4 йилга 100 % лик грант тақсимо­ти муҳим жиҳат ҳисобланади. 2023 йилда бундай турдаги грантларнинг асосий эгала­ри Президент мактаблари битирувчилари (71,2 %) бўлдилар, улардан кейин ихтисос­лаштирилган мактаблар битирувчилари (23,2%) ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилалар фарзандлари ўрин олишди (5,6 %). 2024 йилда бу тамойил сақланиб қолди, Президент мактаблари битирувчилари (59,3 %) ва ихтисослаштирилган мактаб­лар битирувчилари (35,6 %) яна кўпчили­кни ташкил қилди. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан бўлган грант соҳиблари сони ҳам ошди (5,1 % талаба), бу эса ушбу тоифадаги талабаларнинг қўллаб-қувватланишига эътибор қаратилаётгани­дан дарак бермоқда.


Шундай қилиб, грант соҳибларининг сони ва тури умумий тарзда ошганини, Пре­зидент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчиларига, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига алоҳида эътибор қаратилаётгани маълум бўлмоқда, бу эса аҳолининг турли қатламларига мансуб талабаларни ҳимоя қи­лишга қаратилган давлат сиёсатининг мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади.



14-расм. 4 йиллик грант (100 %) тақсимои

1.4.5. Қабул қилиш учун асослар

2023–2024 йиллар давомида “Янги Ўзбекистон” университетига қабул қилиш сабабларининг қиёсий таҳлили қабул жараёнининг мезонларида муайян ўзгаришлар бўлганини кўрсатмоқда. 2023 йилда талабаларнинг анчагина қисми (41,1 %) Президент мактабини битиргани сабабли қабул қилинганди, бу университет учун бундай турдаги битирувчилар аҳамиятли эканини англатади. Талабалар SAT тести (28,3 %) ва кириш имтиҳонлари (29,2 %) ҳамда “Янги Ўзбекистон” университети ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил этилган **“Буюк алломалар изидан”** ва **“STEM Олимпиада”**лари натижаларига кўра (1,5 %) ўқишга қабул қилинган.



15-расм. Талабаларни қабул қилиш учун асослар

2024 йилда қабул қилиш асослари ўзгарди. 34 % талаба Президент мактабларидан қабул қилинди, бу эса уларнинг мавқеи сақланиб қолинганини кўрсатмоқда. Бироқ SAT натижаларига кўра, қабул қилинган талабалар сони ҳам ошди (63,3 % талаба), бу эса ушбу имтиҳон турининг талабалар орасида оммавийлашганини кўрсатади. Кириш имтиҳонлари натижалари асосида қабул қилиш камайди (2,7 %), олимпиада натижалари асосида қабул қилиш эса 2024 йилда амалга оширилмади.

Шундай қилиб, олинган маълумотларга кўра, SAT каби халқаро тест натижалари ва талабалар орасида Президент мактаблари битирувчиларига биринчи ўрин берилмоқда. Бунга эса эҳтимол, қабул комиссиясининг мезонларини қайта кўриб чиққани ва абитуриентларнинг академик ютуқларига йўналганлиги сабаб бўлиши мумкин.

16-расмда кўрсатилган “Янги Ўзбекистон” университети 2023–2024 йилларда SAT балларининг қиёсий таҳлили SAT ўртача баллининг аҳамиятли даражада ошганини, **2023 йилда 709 дан, 2024 йилда 754 гача ўсганини кўрсатади**. Бу ўсиш талабалар академик тайёргарлигининг яхшиланганидан далолат беради. 2024 йилда SAT дан юқори балл олган талабалар сони кўпайди. 2023 йилда 36,1 % талабалар 760 дан 800 гача балл олган бўлса, 2024 йилда бундай талабалар ҳиссаси 67,4 % бўлди. 600 дан паст балл олган талабалар ҳиссаси камайди, бу ҳам ҳужжат топшираётганларнинг академик кўрсаткичлари ошганидан дарак бермоқда.


2024 йилда университет олдинги йилдагидан кўра пухтароқ тайёрланган талабаларни қабул қилди, бу рақобатнинг кучайганлиги ва танлов мезонларининг яна ҳам жиддийлашганини намоён қилмоқда.

Яна шуни қайд этиш лозимки, 17-расмда 2023–2024 йилларда “Янги Ўзбекистон” университетида қабул қилинган талабалар орасида кириш имтиҳонлари таҳлили кўрсатиб ўтилган. Унда қабул қилинганларнинг сони ва тайёргарлик даражаси анчагина ўсганини кўриш мумкин. 2023 йилда кириш имтиҳонлари натижаларига кўра, 100 нафар талаба қабул қилинган, **ўртача балл эса тахминан 72,1 % ни ташкил этган.** 2024 йилда имтиҳон натижаларига кўра, қабул қилинган талабалар 13 тага қисқарган, **ўртача балл эса 81,5 % ни ташкил этмоқда.**


2023 йилда кўпгина талабалар (60 %га яқин) 50 % дан 75 % гача балл олишди, юқори баллни эса (90 % ва ундан юқори) фақатгина 13 % талаба қўлга киритган. 2024 йилда балларнинг бундай диапазони ўзгарди: қабул қилинганларнинг ярмидан кўпи 80 % ва ундан юқори балл олган, шунингдек, ҳеч ким 67,5 % дан паст натижани ҳам олмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2024 йилда кириш имтиҳонлари натижалари бўйича қабул қилинганлар сони кескин тушиб кетишига (100 тадан 13 гача) **киришнинг муқобил йўллари рағбатлантириш**, яъни университет SAT каби халқаро тестларга урғу бериб, Президент ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари учун алоҳида шартлар қўлагани сабаб бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, бу ўзгаришларнинг барчаси талабаларнинг академик тайёргарлик даражасини яхшилаш ва шунга мос равишда халқаро талаб даражасига жавоб бера олишга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, “Янги Ўзбекистон” университетининг глобал миқёсда рақобатбардошлигини ошириши шубҳасиз.



16-расм. Қабул қилинган талабаларнинг SAT баллари



17-расм. Қабул қилинган талабаларнинг кириш имтиҳонлари натижалари бўйича кўрсаткичлари

1.4.6. Инглиз тилини билиш даражаси

“Янги Ўзбекистон” университетига қабул қилинган халқаро тил сертификатларини таҳлил қилганимизда, 2023 йилдан кўра 2024 йилда тил сертификатларига эга бўлган талабалар сони аҳамиятли даражада ошганини кўришимиз мумкин.

- **IELTS:** 2024 йилда 89,4 % талаба олдинги йилдагидан кўра (2023 йилда 84,3 %) кўпроқ IELTS сертификатига эга бўлган. Бу эса ушбу сертификат турининг кириш учун муҳим мезон даражасига кўтарилганини, шунингдек, абитуриентлар орасида тил даражасини билиш умумий сонда ўсганини кўрсатади.


- **TOEFL:** бу сертификатга эга бўлган талабалар бўлса-да, ҳар иккала йилда ҳам паст даражада турибди, бу ҳолат абитуриентлар орасида сертификатнинг оммалашмаганини кўрсатмоқда.

- **CEFR:** ушбу сертификатга эга талабалар сони 2023 йилда 2,6 % га, 2024 йилда эса 7,3 % га ошди. CEFR одатда Европа тизимида чет тилини билиш даражасини кўрсатади ва унинг талабалар орасида машҳурлиги халқаро университетлар тамойилларининг обрўси ҳамда ушбу сертификатга эга бўлишнинг нисбатан осонлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Сертификатнинг мавжуд эмаслиги. Тил сертификатларига эга бўлмаган талабалар сони нисбатан қисқарди. 2024 йилда фақатгина 2,9 % талабада сертификат бўлмаган, 2023 йилда эса 12,8 % кўрсаткични кўрсатмоқда.

2024 йилда тил сертификатига эга бўлмаган 2,9 % талаба Президент мактаби битирувчилари бўлиб, A-Level сертификатига эгадирлар, бу сертификат эса инглиз тилини юқори даражада билишини (IELTSда 5-5,5 баллдан паст эмас / B2 CEFR) билдиради.

Бу ҳолат ўқишга қабул қилинаётган абитуриентлар орасида рақобатнинг кучайгани ва сертификатнинг мавжудлиги университетга кириш мезонларидан бирига айланаётганини кўрсатмоқда.




18-расм. Халқаро тил сертификатига эга бўлган талабалар сони

Қабул қилинган талабалар орасида IELTS баллари таҳлили натижаларига кўра, **2024 йилда IELTS балларининг ўртача кўрсаткичи (6.85) 2023 йилдан кўра (6.53) юқори бўлган.** Бу ўсиш абитуриентлар орасида тил билиш даражасининг ошганини кўрсатади, эҳтимол, абитуриентларни танлашда қатъийроқ ва жиддийроқ талабларнинг қўйилганлиги ҳамда абитуриентлар тайёрланиш жараёни сифатининг юқорилиги бунга сабаб бўлгандир.

2024 йилда юқори баллга эга бўлган талабалар сони аҳамиятли даражада ошди. Хусусан, 58,3 % талаба 7 ва ундан юқори IELTS балларига эга. 2023 йилда худди шундай кўрсаткичлар бирмунча паст бўлган (38,8 %).

Ўртача ва юқори баллга эга бўлган талабалар сонининг ошиши университетга киратганларнинг академик тайёргарлигини оширишга қаратилган сиёсати билан ҳам боғлиқ.



19-расм. Қабул қилинган талабаларда IELTS баллари тақсимооти (2023–2024 йиллар)


Шундай қилиб, тақдим этилган маълумотлар бир йил ичида абитуриентларнинг тил билиш даражаси бирмунча яхшиланганини билдиради. Бу тамойил ўқув жараёнининг боришига ўз ижобий таъсирини кўрсатади ҳамда талабаларнинг инглиз тилини юқори даражада билишни талаб қилувчи ўқув муҳитига мослашишига ёрдам беради.

1.4.7. Таълим йўналишлари

2023–2024 йилларда “Янги Ўзбекистон” университетига таълим йўналиши бўйича қабул қилинган талабалар сони ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилганимизда, кўпгина ўқув йўналишлари бўйича ўсиш борлигини, шунингдек, баъзи бир дастурларга катта қизиқиш билдирилаётганини кўриш мумкин:

1. **Кимё муҳандислиги ва материалшунослик:** умумий талабалар улуши 2,9 % дан 7,7 % гача ўсди. Бу яхшигина ўсиш фоизи дастурни осонроқ ва қизиқарлироқ қилган 40 % чегирма сабабли бўлиши мумкин¹².
2. **Механик муҳандислик:** талабалар ҳиссаси 8,2 % дан 12,3 % гача ўсди. Қабул қилинганлар сонининг ўсишини юқорида айтиб ўтилган чегирма билан боғлаш мумкин, бу эса ушбу дастурга нисбатан қизиқишга ҳам таъсир кўрсатди.
3. **Дастурлаш муҳандислиги:** бу йўналиш оммалашишда давом этмоқда, 2024 йилда 15 % ва 2023 йилда 18,4 % ни кўрсатмоқда.
4. **Киберхавфсизлик:** маълумотларни ҳимоя қилиш борасидаги касбга қизиқиш ошганини талабалар сонининг 7 % дан 10 % га ўсгани билан изоҳлаш мумкин, эҳтимол, бу дастур бугунги кунда долзарб экани бунга сабабдир.
5. **Сунъий интеллект ва робототехника:** талабалар ҳиссаси 5 % дан 10 % га ўсди, бу ҳолат ҳам ушбу соҳага бўлган талабнинг бутун дунё бўйича ошгани билан изоҳланиши мумкин.
6. **Амалий математика:** қабул қилинганлар ҳиссаси 3,8 % дан 5 % га ўсди, бу ҳам математика йўналишига қизиқиш ошганлигини кўрсатади.
7. **Иқтисодиёт ва маълумотлар таҳлили:** қабул қилинган талабаларнинг умумий сонига ҳиссаси барқарор деса ҳам бўлади, кичик пасайиш – 121 (35,3 %)дан 120 (25 %)гача кўринмоқда. Эҳтимол, бу йўналиш ўзининг муқим ўрнини эгаллаб бўлган.
8. **Педагогика (STEMда):** талабалар ҳиссаси 4,1 % дан 5 % га ўсган, бу эса STEM йўналишларида ўқитувчиларни тайёрлашга катта эътибор берилаётганини билдиради.
9. **Саноат менежменти:** қабул қилинганлар сонининг озроқ пасайиши 53 (15,5 %) дан 48 (10 %)гача, бу соҳадаги бозор талаблари қондирилганидан далолат беради.

¹² Ушбу қарор “Янги Ўзбекистон” университети Кузатув кенгаши мажлисининг 2024 йил 27 март, 1-баённомаси билан тасдиқланган.



20-расм. Таълим йўналиши бўйича талабалар сони

Шундай қилиб, “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” ҳамда “Механик муҳандислик” дастурлари таълимига чегирмалар эълон қилинганидан кейин талабалар сони ошди. Шу билан бирга, “Киберхавфсизлик”, “Сунъий интеллект ва робототехника”, “Педагогика (STEMда)” каби йўналишларга бўлган талаб барқарор бўлиб қолмоқда, бу эса юқори технология соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тамойилининг кенгайганини кўрсатади.

Яна шуни қайд этиш керакки, “Янги Ўзбекистон” университетидида STEM томонига юзланиш кўринмоқда, бу эса техникавий дастурларга квоталарнинг ошиши, ижтимоий фанлар ва менежмент соҳаларида эса квоталарнинг камайишида намоён бўлмоқда, бу масалани ушбу тадқиқотнинг 1.1.2 бўлимида батафсил кўриб чиққан эдик.

Хотима

2023–2024 йилларда “Янги Ўзбекистон” университетига кириш жараёнининг қиёсий таҳлили самарадорлик, адолатлилик ва қабул қилинган талабаларнинг умумий сифатини ошириш бўйича бир қатор ўзгаришлар амалга оширилганини аниқлади. Шундай сезиларли ўзгаришлардан бири – **STEM билан боғлиқ соҳаларда, масалан, “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик”, “Киберхавфсизлик” ва “Сунъий интеллект ва робототехника” каби дастурларда қабул квоталарини тўғрилаш ишлари амалга оширилди.** Бу эса “Янги Ўзбекистон” университетининг стратегик йўналганини, инновация ва илмий тараққиётга юз бурган миллий мақсадларга мутаносиб равишда техниквий дастурларга кенг ўрин бераётганидан далолат бермоқда.

Шунингдек, университет имтиҳонлар жараёнларига ҳам амалий ўзгаришларни киритди. **Тест саволларининг** 2023 йилдаги 20 дан 2024 йилда 40 тага **кўпайтирилиши** ва шунга мувофиқ **имтиҳон вақтининг ошиши** шулар жумласидан бўлиб, абитуриентлар кўникма-малакаларини ҳамда билимини мажмуавий, кенг ўрганиб чиқишни назарда тутди. Бундан ташқари, 2024 йилда саволларни тузиш учун **Cambridge University Press & Assessment**нинг жалб қилиниши имтиҳонларни стандартлаштириш ва адолатлиликни оширишда сезиларли таъсир кўрсатди. **Имтиҳонлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бир вақтнинг ўзида ўтказилгани** тест синовларининг моддий-техник самарадорлиги ва ҳаққонийлигини янада ошириб, турли ҳудудлардан келган абитуриентлар учун тенг имкониятлар яратмоқда.

Халқаро сертификатларга келсак, университетнинг белгиланган баллардан фоизли ҳисобга ўтиши, шунингдек, **SAT ва IB** дан паст балл олганларнинг чиқариб ташланиши танловнинг янада қатъийлашишига олиб келди. Бу қўйилган қадам тизимни қатъийлаштирди, бунинг натижасида университетга яна ҳам иқтидорлироқ талабаларни танлаб қабул қилиш имконини берди. Гарчи бундай жиддий ёндашув пастроқ балл олган талабалар имкониятини чеклаган бўлса ҳам, қабул қилинган талабаларнинг умумий академик савиясининг ошишига ёрдам берди, бу эса муассасанинг такомиллашиш томонга қўйган яна бир қадами саналади.

2023–2024 йилларда “Янги Ўзбекистон” университетига қабул қилиш жараёнининг таҳлили, қабул қилинаётганларнинг тайёргарлик сифати, талаб қилинаётган йўналишлар борасида бир қатор муҳим хулосалар чиқаришга имкон берди.

Тадқиқот иши халқаро тестлар, жумладан, **SAT** тестларига қараб йўналиш, шунингдек, қабул қилинган талабалар орасида Президент мактаблари битирувчилари сонининг ошганини кўрсатмоқда. Бу, эҳтимол, абитуриентларнинг академик ютуқларига урғу бериш ва қабул жараёнининг мезонларини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқдир.

2024 йилда кириш синовлари бўйича қабул қилинган талабалар сонининг кескин камайиши, 100 дан 13 га тушиши кузатилди. Бу, балки, университетнинг юқорида қайд қилинган ўзгаришлари ҳамда киришнинг муқобил йўллари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

2024 йилда **халқаро тил сертификатларига эга бўлган талабаларнинг сони ошди**, бу эса абитуриентларнинг тил билиш даражаси юқорилиги ва билимни белгилашнинг халқаро стандартлари оммалашиб бораётганлигидан далолат беради. **IELTS**нинг ўртача баллари ҳам яхшиланди, бу кўрсаткич ўқишга кирган талабалар орасида инглиз тилини билиш даражасининг ошганини кўрсатмоқда.

Таълимда эълон қилинган чегирмалардан сўнг **“Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” ва “Механик муҳандислик” дастурлари қабул қилинган талабалар сонининг анчагина ўсганини** кўрсатмоқда, бу эса молиявий омилларнинг, шунингдек, ушбу соҳалардаги квоталар самарадорлигининг ошишини яна бир бор тасдиқламоқда, яъни университетдаги устуворлик йўналишининг ўзгарганидан дарак бермоқда.

Ахборот технологиялари, сунъий интеллект ва киберхавфсизлик билан боғлиқ соҳалар рўйхатга олинган талабалар сонининг барқарор ўсишини кўрсатмоқда, бу бозор эҳтиёжлари ва ушбу соҳалар мутахассисларига бўлган талабнинг ортиб бораётганини англатади. Гарчи қабул қилинган талабалар сони ўсган бўлса ҳам, **гендер тақсимоотида номутаносиблик** акс этади, чунки қабул қилинганлар орасида эркеклар сони кўпчилик-

ни ташкил қилади. Бу эса илмий ва техник йўналишларга яна ҳам кўпроқ аёлларни жалб қилиш кераклигини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар **давлат ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчи-лари** улушининг барқарор ўсишини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Президент мактаблари битирувчиларини юқори даражада қабул қилиш ҳам сақланиб қолмоқда.

2024 йилда **грант олувчилар сони ва хилмахиллиги бўйича умумий ўсиш** кузатилди, бунда Президент ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар талабаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса турли ижтимоий қатламлардан келаётган талабалар таълимини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

2024 йил учун олинган маълумотларга кўра, **вилоятлардан ўқишга қабул қилинган талабалар сони** ошган, бу “Янги Ўзбекистон” университетида квоталар кўпайгани ва ҳудудларда олий маълумот олиш имкониятининг яхшиланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан келган талабалар ҳали ҳам энг катта ҳиссага эга бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, 2024 йилда киритилган ўзгаришлар “Янги Ўзбекистон” университети минтақада етакчи таълим муассасасига айланиш мақсадида эканини янада кенгроқ акс эттиради. Академик салоҳиятни оширишга йўналиш, рақамли дастур платформаларини такомиллаштириш ва STEM соҳасига эътибор қаратган ҳолда қабул жараёнини модернизация қилиш университетни юқори малакали битирувчиларни тайёрлашга урғу бераётган илғор муассаса сифатида кўрсатмоқда. Ушбу ўзгаришлар университетнинг доимий равишда такомиллашишга ҳаракат қилаётганини, миллий таълим устуворлиги ва халқаро стандартларга жавоб беришга интилаётганини англатади.

Талаб ва таклифлар

1. Камчилик гуруҳларга етиб бориш ва қамраб олиш

Қабул жараёнида кузатилаётган гендер номутаносиблиги ва ҳудудий тафовутлар, камчилик гуруҳларни жалб қилиш бўйича фаол ҳаракатлар олиб бориш кераклигини кўрсатмоқда. STEM соҳасида абитуриент хотин-қизлар камчилик бўлгани, баъзи бир ҳудудлардан келувчи абитуриентлар сонининг пасайиб кетганлиги, мақсадли фаолият – жинси ва қайси ҳудуддан келишидан қатъи назар барча талабаларга тенг имкониятлар бўлишини таъминлашдан иборат бўлиши керак.

Муаммонинг ечими: STEAMда хотин-қизлар ва кам таъминланган ҳудудлардан келган талабалар учун махсус стипендия дастурларини ишга тушириш. Қамраб олиш учун ҳудудларда тадбирлар ўтказиш, маълумот ва ресурсларга етиб боришни яхшилаш учун маҳаллий муассасалар билан ҳамкорлик ва устоз-шогирд анъаналарини йўлга қўйиш. Онлайн-вебинарлар ва иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиб, муваффақият қозонган битирувчилар ҳамда STEM орқали яхши иш ўринларига эга бўлишни намойиш этиш орқали ҳам хотин-қиз абитуриентлар ва чекка ҳудудлардаги талабаларни қамраб олиш мумкин.

2. Рақамли платформалар имкониятларини кенгайтириш

Ҳужжатларни топшириш жараёнини рақамлаштириш самарадорликни оширди, бироқ фойдаланувчига янада қулайроқ бўлиши учун платформани такомиллаштириш керак. Ундан ташқари, рақамли имтиҳон имкониятларини кенгайтириш чет эллик ёки масофавий топшираётган абитуриентлар учун жараённи янада қулайлаштириши мумкин.

Муаммонинг ечими: платформани такомиллаштириб, интерфаол бошқарув, реал вақтда ишлаш режими, автоматик огоҳлантириш каби функцияларни платформага қўйиш лозим. Рақамли прокторингнинг хавфсиз тизимларидан фойдаланган ҳолда чет эллик ва масофадаги абитуриентлар учун онлайн-имтиҳон имкониятларини ишлаб чиқиш керак. Бу нарсa мамлакатимиздаги ва чет эллик талабаларга имтиҳонга келмасдан туриб қатнашиш имкониятини беради.

3. Кириш имтиҳонлари учун махсус тайёрлов дастурларини ишлаб чиқиш

2024 йилда кириш имтиҳонларининг қийинлашганини ҳисобга олсак, тайёрлов дастурлари талабаларга имтиҳонларни яхшироқ топшириш ва тест билан боғлиқ стрессни камайтиришга ёрдам беради. Ушбу дастурлар абитуриентларга имтиҳон таркиби, тест топшириш стратегияси ва улар дуч келиши мумкин бўлган саволлар билан танишишга имконият яратади.

Муаммонинг ечими: мантиқий фикрлаш, математика ва муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларига йўналтирилган онлайн ўқув курслари ва семинарларни бошлаш; талабаларга амалиёт ўташ имкониятини бериш учун университет веб-сайтида имтиҳон намуналари ва ўқув қўлланмаларига бепул киришни таъминлаш. Ихтисослаштирилган ўқув дастурларини таклиф қилиш учун бутун мамлакат бўйлаб таълим марказлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, барча ҳудудлардан келган талабаларнинг кириш имтиҳонларига яхши тайёрланишини таъминлаш лозим.

4. Кириш имтиҳонларини оптималлаштириш ва муқобил рўйхатга олиш усуллари

Имтиҳон натижалари бўйича қабул қилинган талабалар сонининг камайганлигини ҳисобга олиб, кириш тести мезонларини кўриб чиқиш ва ютуқлар портфолиоси, интервьюлар ва лойиҳа ишлари каби қўшимча кириш усуллари баҳолаш тавсия этилади. Бу нарсa анъанавий тест имтиҳони жараёнида кўринмайдиган турли кўникма ҳамда қобилиятларга эга талабаларни кўриш ва уларни жалб қилиш имконини беради.

Муаммонинг ечими: танловнинг муқобил усуллари, шу жумладан, портфолиолар, лойиҳалар ва қабул комиссияси аъзолари билан суҳбатларни баҳолаш учун махсус дастур яратиш. Обьективлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида муқобил усулларнинг ҳар бири учун баҳолаш мезонлари ҳам ишлаб чиқиши керак.

5. Етарли тил билиш даражасига эга бўлмаган абитуриентларни қўллаб-қувватлаш

Гарчи талабалар орасида инглиз тилини биладиганлар кўпайиб кетаётган бўлса ҳам, паст баллга эга бўлган абитуриентлар ҳам бор, уларга яхши ўқишлари учун қўшимча тил тайёргарлиги лозим.

Муаммонинг ечими: кириш имтиҳонларига қадар тайёрлов тил курслари ва он-лайн-интенсив курсларни очиш, шунингдек, тил ўрганишда ёрдам бўлиши учун “устоз” дастурларини яратиш. Яна университет муайян даражага етган, аммо тил кўникмаларини кучайтиришга муҳтож бўлган абитуриентлар учун арзон нархдаги ёзлик тайёрлов курсларини ҳам таклиф қилиши мумкин.

6. Чегирмалар ва молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш

Алоҳида йўналишлар учун чегирмалар тақдим этишнинг ижобий таъсири бундай чора-тадбирларнинг муҳимлигини кўрсатмоқда. Ҳужжат топширувчиларни кўпайтиришни талаб қиладиган дастурлар учун чегирмалар ва молиявий ёрдам имкониятларини кенгайтириш тавсия этилади.

Муаммонинг ечими: талаб қилинаётган йўналишлар учун чегирмалар ва қисман стипендиялар бериш таркибини қайта кўриш керак. Шунингдек, юқори академик салоҳиятни намоён қиладиган талабаларга махсус стипендиялар жорий қилувчи дастур яратиш ҳамда узоқ ҳудудлардаги мактаб битирувчилари учун имтиёзли таълим кредитлари таклиф қилиш мумкин.

7. Маркетинг ва ахборот компанияларини кучайтириш

Университетнинг халқаро таълим платформаси сифатида обрўсини мустаҳкамлаш, юқори малакали ўқитувчилар таркиби борлигини, халқаро дастурлар ва битирувчилар учун яхши иш ўринлари имконияти мавжудлигини таъкидлаш муҳимдир.

Муаммонинг ечими: ижтимоий тармоқларда талабалар ҳамда ота-оналар учун реклама компаниялари ва вебинарлар ташкил этиш. Шунингдек, университет халқаро ҳамкорлар билан бирга ахборот сессиялари, университет кампуси бўйлаб виртуал экскурсиялар ташкил этиши, ўқишда етакчи бўлган битирувчилардан амбассадорлар дастурини яратиб, университетнинг халқаро майдонда танилишига замин яратиши мумкин.

II БОБ. АБИТУРИЕНТЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ИЖТИМОЙ СЎРОВНОМА НАТИЖАСИ ТАҲЛИЛИ

Ушбу боб “Янги Ўзбекистон” университетига қабул тизимини ҳар томонлама таҳлил қилишнинг навбатдаги таркибий қисмидир. Биринчи бўлим 2023–2024 йилдаги қабул тартибидаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлилига бағишланди. Абитуриентларнинг фикрларини ўрганишга қаратилган ушбу бобда имтиҳонларда бевосита иштирок этган абитуриентлар тажрибасининг баҳоланишини ўз ичига олган таҳлил берилган.

Ушбу боб имтиҳонни ташкил этиш, абитуриентларнинг университет танлашига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг келажакдаги интилишлари ҳақидаги фикрларни социологик таҳлил қилиш орқали абитуриентларнинг тажрибалари чуқур тушунилишини таъминлайди. Йиғилган социологик маълумотлар ҳам кучли томонларни чуқур тасаввур қилиш, ҳам университетга кириш доирасида яхшиланиши керак бўлган соҳаларни ўрганиш имконини беради. Бу хулосаларни татбиқ қилиш орқали таҳлил чуқурлик ва аниқлик хусусиятларига эга бўлиб, бутун жараёни яна ҳам асослироқ баҳолашга ёрдам беради.


Шуни қайд этиш керакки, ушбу боб, бошқалари каби нафақат қабул жараёнини яхши тушунишга йўналган, балки тизимни янада такомиллаштириш бўйича қимматли таклифлар ҳам беради. Ҳаммаси биргаликда – ушбу бобдан олинган хулосалар ва 2023–2024 йилларда қабул тизимидаги ўзгаришлар таҳлили умумий манзарани яратиб, уни доимий равишда такомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича амалий ғоялар ҳам таклиф этади.

2.1. Умумий демографик параметрлар ва абитуриентлар салоҳиятини баҳолаш

Бу бўлимда сўровномада иштирок этган абитуриентларнинг умумий демографик параметрлари ва академик салоҳияти таҳлил қилинади. Кейинги параграфларда асосий тавсифлар, жумладан, гендер тақсимоти ва таълим йўналиши, ёш параметрлари, ҳудудий тақсимот ва мактаб турлари талқин қилинади. Бундан ташқари, таҳлил абитуриентларда халқаро тил сертификатлари ва SAT сертификати мавжудлигини ҳам ўрганиб чиқади, бу эса уларнинг олий таълимга қанчалик тайёр эканини тасаввур қилиш имконини беради.

2.1.1. Гендер нисбати ва таълим йўналиши

Ушбу социологик сўровномада Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидан 1600 та абитуриент иштирок этди¹³.




21-расм. Сўровномада иштирок этган абитуриентларнинг гендер тақсимоти

Сўровнома натижаси абитуриентлар орасида гендер тенгсизлиги мавжудлигини кўрсатди: 66,6 % респондентлар – эркаклар, 33,4 % – аёллар. Бундай номуносиблик сўровнома иштирокчилари орасида эркак жинсига мансуб абитуриентлар кўплигини кўрсатмоқда, яъни бу “Янги Ўзбекистон” университети томонидан таклиф қилинадиган таълим йўналишидаги умумий тамойилни акс эттиради, шу билан бирга, таълим йўналиши танловига таъсир кўрсатувчи бошқа ижтимоий сабаблар ҳам бўлиши мумкин.

Хотин-қизлар нисбатининг камлиги асосий сабабларни ўрганиш учун кейинги тадқиқотларга муҳтож. Бу маданий, ижтимоий ёки иқтисодий омилларга боғлиқ бўлиши мумкин ёки баъзи йўналиш ҳамда дастурлар айнан ўғил болаларга мос эканини кўрсатмоқда. Таълим йўналишлари бўйича батафсил тақсимот қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

¹³ Сараланиб, таҳлил қилиш учун маълумотлар базасига киритилган сўровномаларнинг умумий сони 1609 тани ташкил этди. Ўқув йилининг бошланиши пайтида респондентлар сони ортди, аммо умумий таҳлил учун танланганлар етарли бўлганлиги боис, тадқиқотнинг хомаки жараёни ва маълумотларни йиғиш ишлари 2024 йил 6 августда якунланди.



22-расм. Таълим йўналишлари бўйича абитуриентларнинг гендер тақсимоти

Юқорида кўрсатилган натижалардан танлаб олинган академик дастурларда гендер номуносивблик хусусида бир неча асосий тамойилларни белгилаш мумкин:

Ўғил болалар сони юқори бўлган дастурлар. “Механик муҳандислик” (89 %), “Киберхавфсизлик” (83,8 %), “Сунъий интеллект ва робототехника” (80,6 %) ва “Дастурлаш муҳандислиги” (79,8 % ўғил болалар) – бу йўналишларда ўғил болалар устунлик қилади. Бу натижалар анъанавий гендер номуносивблигини акс эттиради, чунки ўғил болалар кўпинча техника ва муҳандислик соҳаларида ишлашни хоҳлайдилар.

Ушбу тамойил ўғил болаларнинг технология ва муҳандислик билан боғлиқ STEM соҳаларида кўпроқ эканини кўрсатади, бу соҳаларга турли ижтимоий, маданий сабаблар туфайли аёллар ўртасида талабгорлар кўп эмас.

Аёллар сони кўп ёки ўғил болаларга тенг бўлган дастурлар: “Педагогика (STEMда)” – абитуриентлар контингентида аёллар сони кўп бўлган ягона дастур (90,6 %) ҳисобланади. Бундай манзара жаҳон тамойилларига ҳам мос келади, чунки жаҳонда ҳам таълим ва ўқитиш соҳасида аёллар етакчилик қиладилар.

Шуни қайд этиш керакки, “Амалий математика” гендер жиҳатдан тенг тақсимланишни кўрсатмоқда: 52,8 % хотин-қизлар ва 47,2 % ўғил болаларга бу соҳа ҳам бир хил қизиқарли эканини кўрсатади.


Мўътадил гендер тақсимоти мавжуд бўлган дастурлар:

“Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (55,2 % ўғил болалар, 44,8 % хотин-қизлар) ва “Иқтисодиёт ва маълумотлар таҳлили” (64,6 % ўғил болалар, 35,4 % хотин-қизлар) мўътадил гендер тақсимотини кўрсатмоқда, бу эса абитуриентлар орасида турли ёндашув борлигини, бироқ ўғил болалар сони биров кўпроқ эканини англатади.

Шу тариқа, гендер тақсимоти бўйича маълумотлар STEM билан боғлиқ соҳаларнинг кўпчилигида ўғил болалар сони устунлик қилишини, таълим ва ўқитиш соҳаси эса хотин-қизлар соҳаси бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда. “Амалий математика” ва “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” каби дастурлардаги нисбатан мўътадил гендер тақсимоти бошқа техник соҳаларда гендер номуносивбликни тузатишга умид борлигини билдиради. Гендер мутаносибликка эришиш учун “Механик муҳандислик” ва “Киберхавфсизлик” каби анъанавий эркаклар дастурларида аёлларни жалб қилиш учун ҳаракат қилиш керак.

2.1.2. Ёш хусусиятлари

Сўровномада иштирок этган абитуриентларнинг аксарияти ёшлар эканини, уларнинг диапазони 17–18 ёш ораси эканини кўриш мумкин.



23-расм. Сўровномада иштирок этган абитуриентларнинг ёш хусусиятлари

Етакчи ёш гуруҳлари. Ёш жиҳатидан 50,5 % ни ташкил этадиган энг катта гуруҳ – 18 ёшлилар. Бу университетга ҳужжат топширишга келган ўрта мактаб битирувчилари ёшига мос келади.

Катталиги бўйича иккинчи ўринда турувчи, 43,7 % ни банд этган гуруҳ – 17 ёшлилар, бу эса эҳтимол, улар илк абитуриентлар сирасига киради демакдир.


Бошқа ёш гуруҳлари. Унчалик катта бўлмаган фоиз – 3,2 % ни ташкил этади, яъни булар 19 ёшлилар бўлиб, эҳтимол, бир йил танаффус қилганлар, тайёрлов курсига борганлар ёхуд ўз тенгдошларидан бир йил кейин киришга қарор қилганлар бўлиши мумкин.

20 ва ундан катталар анча кам. Бу катта ёшдаги гуруҳ иштирокчилари (20 дан 30 ёшгача) қатнашувчиларнинг умумий сонидан 0,1 % дан 0,3 % гачасини ташкил этади.

Ёш тақсимооти шуни кўрсатадики, абитуриентларнинг асосий қисми анъанавий равишда, университетга кириш ёшида, деярли ҳамма қатнашувчилар 17 ва 19 ёш ораси. Бу эса университет ўрта мактаб битирувчиларидан иборат одатий демографик гуруҳни ўзига жалб қилмоқда, дейиш учун асос бўлади.

2.1.3. Муайян ҳудудга мансублик

Сўровномада иштирок этган абитуриентларнинг ҳудуд бўйлаб тақсимланиши жуғрофий жиҳатдан турли-туманликни намоён қилади. Умумий абитуриентлар сони бўйича бир нечта ҳудуд сезиларли даражада юқори кўрсаткичга эга.



24-расм. Сўровномада иштирок этган абитуриентларнинг ҳудудий тақсимоти

Энг кўп ҳисса олган ҳудудлар. Тошкент шаҳридан келадиган абитуриентлар кўпчиликти ташкил этиб, умумий сондан 21,9 % ни олган. Тошкент мамлакатимизнинг таълим маркази сифатида ҳам танилиб, кўп сонли мактаблари, таълим ресурслари ва университетга кириш учун тайёрлов имкониятлари кўплиги билан ҳам кўплаб абитуриентларни жалб қилмоқда.

Тошкент вилояти иккинчи ўринда бўлиб, 9,7 % ни ташкил этмоқда, бу эса университетлар учун асосий абитуриентлар манбаи – пойтахт эканини яна бир бор кўрсатмоқда.

Муайян ҳиссаси билан қўшилаётган бошқа ҳудудлар сирасига Наманган (8,5 %), Фарғона (8,1 %) ва Хоразм (7,2 %) вилоятлари киради.

Ўртача фоизга эга бўлган ҳудудлар. Андижон вилояти (6,8 %) ва Самарқанд вилоятлари (6,5 %) ўртача фоизга эга бўлиб, кучли таълим инфратузилмасига эгалигини ёхуд ушбу ҳудудларда университет ресурсларига етишиш имконияти кенглигини кўрсатади.


Жиззах (6,0 %) ва Навоий (5,2 %) вилоятлари ҳам мўътадил абитуриентлар сонини таклиф қилмоқда, бу эса абитуриентлар умумий сонига мустаҳкам ҳисса қўшаётганларидан далолат бермоқда.

Паст фоизга эга бўлган ҳудудлар. Сурхондарё (4,5 %), Қашқадарё (4,7 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (4,0 %) абитуриентлар базасида кичик ҳиссага эга. Чунки бу жойларнинг таълим марказларидан жуғрофий жиҳатдан узоқлиги ёки университетга тайёрланиш учун имкониятлар озлигидандир.

Сирдарё вилояти (2,8 %) энг кам ҳиссага эга. Чунки ушбу ҳудуддан келадиган абитуриентлар сони кам ёхуд олий таълим ҳамда тайёрлов дастурлари ресурсларига етишиш йўлида тўсиқлар мавжуд.

Сўровнома натижаларидан Тошкент шаҳри ва унга яқин жойларда абитуриентларнинг аниқ тўпланганини билиш мумкин, бу эса асосий таълим маркази сифатида пойтахтнинг ролини кўрсатади. Бироқ аҳолиси зич жойлашган Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларидан келганларнинг сезиларли ҳиссада экани, бошқа асосий ҳудудлардан университетга киришга қизиқиш уйғотиб, яна ҳам кенгроқ миллий жиҳатдан қамраб олиш кераклигини кўрсатмоқда.

2.1.4. Мактаб турлари



25-расм. Сўровномада иштирок этган абитуриентлар ўқиган мактаб турлари

Юқоридаги натижалардан кўринадикки, сўровномада иштирок этганларнинг катта қисми – 53,4 %и гуруҳлашган таълим муассасалари турларига мансуб. Ушбу тур етакчилигини қўлга киритиб, абитуриентларнинг кўпгина қисми анъанавий, академик таълимга йўналтирилган ўқув муассасаларини битирганликларини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, университетга тайёрланиш жараёни анъанавий ўқув муассасасига муҳтож эканини кўрсатади. Шу билан бирга, абитуриентларнинг асосий қисми (34,1 %) ижод мактабларини битирганлиги маълум бўлмоқда.


Шунингдек, 11,0 % абитуриентлар Президент мактаблари битирувчилари ҳисобланиб, бундай турдаги мактабларнинг оз бўлса ҳам салмоқли ҳиссаси борлиги кўринмоқда. Шуниси қизиқки, “Янги Ўзбекистон” университетида ҳужжат топширувчи ўқув муассасалари орасида Президент мактаблари доимий ўринга эга бўлса ҳам, анъанавий ёки ижод мактабларидан кўра камроқ ҳиссага эга.

Фақатгина 1,5 % абитуриентлар ихтисослашган мактаблар битирувчилари саналади. Бу эса абитуриентлар тўпламида муассасалар энг кам ҳисса қўшаётганини англатади. Бундай муассаса битирувчилари бошқа таълим турларини маъқул кўрмоқдалар ёхуд университет дастурлари ихтисослашган мактаблар дастурига мос келмайди.

Натижалар шуни кўрсатадики, анъанавий ўқув муассасалари абитуриентларни университетга тайёрлайдиган асосий турдаги мактаб бўлиб қолмоқда, шу билан бирга, Ижод мактаблари ҳам абитуриентлар тўпламининг ҳосил бўлиши учун аҳамиятли ва ўсувчи ўринга эга. Президент мактабларининг мўътадил қисми эса барқарор, бироқ кам ҳиссаси борлигини кўрсатмоқда. Яна ихтисослашган мактабларнинг жуда кичик ҳиссаси университетга кириш учун чегараланган таъсири борлигини англатади.


2.1.5. Халқаро тил сертификатлари

Чет тилини билиш даражаси, халқаро сертификатнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги батафсил маълумот ушбу тадқиқотнинг биринчи бўлимида тасвирлаб ўтилган. Шу билан бирга, етакчи ҳисса – 85,5 % абитуриентлар кириш имтиҳонларига қайд этиш вақтида рақамли платформага халқаро IELTS сертификатига эга эканликларини ёзганлар.



26-расм. IELTS халқаро тил сертификатининг мавжудлиги

Шуни қайд этиш керакки, сўровномада иштирок этган абитуриентлар топшираётган IELTS тести бошқа тестлар билан таққослаганда, энг кенг тарқалган тест тури бўлиб қолмоқда.



27-расм. Бошқа халқаро сертификатлар

2.1.6. SAT (Scholastic Assessment Test)


SAT натижаларининг статистик таҳлилига кўра, абитуриентларда SAT баллари 500 дан 800 диапазонгача, ўртача 692,91 ва 710 медиана билан абитуриентларнинг ярмидан кўпи 710 баллдан юқори. Энг кўп учрайдиган балл 730 бўлиб, балларнинг энг юқоридаги тақсимотида кластерлаш борлигини кўрсатяпти. Стандарт оғиш 67,471 эса ўрта қиймат атрофида мўътадил сочилганини англатади, бу эса абитуриентлар натижаларининг бироз ўзгарувчанлигини намоён этади.

Энг кичик балл 500 – қўлга киритилган энг кам балл бўлиб, максимал балл – 800 эса мукаммал натижани қайд этиб, абитуриентлар имконияти жуда кенг эканини англатади. Абитуриентларнинг анчагина қисми ўзларидаги SAT натижасини намоёйиш қилмаган ёки бундай сертификатга эга эмас. Гарчи кўпгина абитуриентлар рақобатбардош балл (**28,7 %**)ни намоёйиш этса-да, уларнинг аҳамиятли қисми SAT сертификатига ишонч билдиришмаяпти.

2.1.7. Ижтимоий мавқе

Умумий сондан 8,4 % (135 респондент) абитуриентлар “Ягона ижтимоий ҳимоя дафтари”га¹⁴ киришларини кўрсатиб ўтганлар, яъни улар Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2022 йилдаги №300-сонли “Янги Ўзбекистон” университетининг иқтидорли талабаларига давлат грантини бериш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битирувчиларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорига биноан университетга киришда керакли имтиёзларни олишади.

Ушбу тоифадаги абитуриентларнинг ҳудудий тақсимои қуйидагича:



28-расм. “Темир дафтар”га кирган абитуриентларнинг ҳудудий тақсимои

Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестрига киритилган абитуриентларнинг ҳудудий тақсимои сезиларли даражада ўзгариб турибди.

Жиззах вилояти энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 21,6 % (21 нафар абитуриент) ушбу соҳада ижтимоий ҳимояга эҳтиёж катталигини ёхуд бу вилоятда ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи кучли эканини кўрсатмоқда.

Ундан кейин Сурхондарё вилояти 18,1 % (13), Қашқадарё вилояти эса 12,0 % (9) ни кўрсатмоқда.


Бошқа вилоятлар, масалан, Андижон (10,2 % – 11), Наманган (10,3 % – 14) ва Самарқанд вилоятлари (10,6 % – 11) турғун барқарорликни намойиш қилмоқда. Тошкент шаҳри (2,8 % – 10) ва Навоий вилояти (2,4 % – 2) энг кам ҳиссага эга.

¹⁴ Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.06.2001 йилдаги № ПФ-5158 “Янги Ўзбекистон” университетини ташкил этиш хусусида”ги Фармонида ҳам ўз аксини топган.

2.1.8. Маълумот олиш каналлари

Абитуриентлар университет ҳақида маълумот оладиган ахборот каналларини ўрганиш турли манбаларнинг самарадорлиги ва уларнинг талабалар қарорларига таъсири ҳақида қимматли маълумотларни беради. 2023 йилда ишлатилган манбаларни батафсил таҳлил қилгандан сўнг, 2024 йилда бир нечта янги каналлар (манбалар) киритилди, илгари ишлатилган баъзи манбалар олиб ташланди ёки аҳамиятсиз бўлиб қолди.

Қуйида 2023 йилдан 2024 йилгача бўлган ахборот каналларидаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили келтирилган. Бундай таҳлил абитуриентларнинг қарор қабул қилиш жараёнида университет ҳақидаги маълумотларни қандай олишлари ва улар билан ўзаро алоқаларини чуқурроқ тушуниш имконини беради.



29-расм. Университет ҳақида маълумот берувчи каналларнинг қиёсий таҳлили (2023–2024 йиллар)

Натижалар таҳлилидан кўриниб турибдики, энг сезиларли ўзгаришлардан бири – Telegram мессенжеридан фойдаланишнинг 33,4 % (2023 йилда)дан 20,8 % (2024 йилда)гача сезиларли пасайишидир. Худди шундай, Instagram ижтимоий тармоғидан фойдаланиш ҳам 7,6 % дан 4,0 % гача камайган. Бу шуни кўрсатадики, платформалар 2023 йилдаёқ ишлатишга, қўлланишга тайёр бўлган бўлса-да, уларнинг ёшлар орасидаги таъсири 2024 йилда камайганга ўхшайди. Facebook бутунлай ғойиб бўлди, чунки 2023 йилда абитуриентларнинг атиги 0,6 %и уни “Янги Ўзбекистон” университети ҳақидаги асосий маълумот манбаи сифатида кўрсатган.

Шу билан бирга, шахсий алоқаларга боғлиқлик сезиларли даражада ошди, шунинг учун 2024 йилда дўстлар ёки қариндошлар асосий маълумот берувчилар бўлиб қолишган. 2023 йилда абитуриентларнинг 33,8 % ушбу канални асосий манба сифатида қайд этишган, аммо 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 44,5 % гача ўсган. Бу абитуриентларнинг

қарорларига таъсир қилишда оғзаки тавсиялар ва шахсий алоқаларнинг аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, 2023 йилда мавжуд бўлмаган мактаб ўқитувчилари 2024 йилда муҳим манбага айланиб, жавобларнинг 9,3 % ини ташкил этди, бу эса ариза бериш жараёнида таълим ходимларининг роли ортиб бораётганидан далолат беради.


2023 йилда мавжуд бўлмаган ёки аҳамиятсиз ҳисобланган манбалар 2024 йилда муҳим аҳамият касб эта бошлади, булар сирасига “Янги Ўзбекистон” университетида ташкил этилган очик эшиклар куни (1,9 %), ҳудудларга ахборот ташрифлари (9,3 %) ва SAT имтиҳон сессиялари (1,4 %) киради. Таълим ярмаркалари, фаол талабалар ва YouTube видеоплатформаси улардан фойдаланишда озгина ўзгаришлар билан нисбатан барқарор бўлиб қолди. 2023 йилда сўровномадаги “бошқа манбалар” деган жойга 8,2 % абитуриент қайд этган, 2024 йилда эса сўровномада бундай саволнинг ўзи бўлмаган, бу эса 2024 йилда абитуриентлар аниқ манбаларни белгилай олишган ёки янги манбалар уларнинг университет билан танишиш жараёнини яхшироқ акс эттирганлигини кўрсатади.

2.2. Имтиҳон жараёни ва имтиҳон комиссияси фаолиятини умумий баҳолаш

Ушбу бўлимда социологик сўровнома асосида қабул комиссияси ва имтиҳон жараёни баҳосига асосий эътибор қаратилади. Сўровнома жараёнида имтиҳоннинг турли жиҳатлари, хусусан, тарқатма материаллар сифати, ходимлар касбий малакаси (тиббий ходимлар, кузатувчилар, қўриқчилар ва ҳ.к.), шунингдек, имтиҳон ўтказилаётган жой шарт-шароити, жумладан, совиткичлар иши, умумий ҳожатхоналар ва дастлабки тиббий ёрдам хоналарининг бор-йўқлиги, ичимлик сув мавжудлиги каби масалалар хусусида ҳар томонлама фикрлар тўпланди. Барча абитуриентлар учун самарали ва қулай имтиҳон топширишда бу омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, бўлимда абитуриентларнинг имтиҳон саволлари мураккаблиги ва сифати хусусидаги фикрлари ҳам ўрганиб чиқилади. Бу ерда саволлар мураккаблигига баҳо бериш, абитуриентларнинг тайёргарлиги ва улар кутган ҳолатга нечоғлик мос келиши таҳлил қилинади. Булар ҳаммаси биргаликда абитуриентларнинг имтиҳон вақтидаги тажрибасини ҳар томонлама тушуниш имконини бериб, университетдаги имтиҳон жараёни ва қўллаш хизматини яхшилаш бўйича асосли шарҳларни таклиф қилади.


2.2.1. Тарқатма материаллар (имтиҳон тўплами)



30-расм. Абитуриентлар томонидан тарқатма материаллар сифатини баҳолаш

Тарқатма материаллар сифати хусусидаги сўровнома натижаси кўпгина абитуриентларнинг ижобий баҳолаганини кўрсатмоқда. Кўпчилик қисм, 77,0 % тарқатма материалларга “Жуда яхши” деган баҳони, 14,4 % қисм эса “Яхши” деган баҳони беришди. Бу эса 91 % респондентларнинг тарқатма материаллар сифатини жуда юқори баҳолашганини англатади.

Фақатгина кичик қисм – 3,0 % қониқмаганини билдирган. 3,0 % респондент тарқатма материалларни “Жуда ёмон”, 1,2 % эса “Ёмон” деб баҳолаган. Умуман олганда, бу натижалар абитуриентлар кутганига яраша, имтиҳон жараёнига ижобий таъсир кўрсатадиган даражада материаллар тарқатилишининг яхши ташкил этилганини англатади.




31-расм. Тарқатма материаллар сифатини баҳолашнинг ҳудудий тақсимоти

Тарқатма материаллар (сув, қалам ва ўчирғичлар) сифатини баҳолашнинг ҳудудий тақсимоотида барча жойларда умумий қониқиш ва ижобийликнинг юқори даражасини кўриш мумкин. “Жуда яхши” баҳоси кўпчиликни ташкил қилади, хусусан, Қашқадарё (90,7 %), Сирдарё (84,4 %) ва Навоий вилоятлари (83,3 %) юқори даражада қониққанларини билдириб ўтишган. Ҳатто нисбатан паст қониқишни белгилаган Самарқанд (69,2 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (71,9 %) ҳам тарқатма материалларга ижобий баҳо берилган.

Фақатгина кичик фоизни ташкил этувчи респондентлар тарқатма материалларни салбий баҳолашди, бунда Жиззах вилояти (9,3 %), Сурхондарё вилояти (6,9 %) ва Наманган вилоятлари (5,9 %), гарчи кичик фоизда бўлса ҳам “Жуда ёмон” баҳосини беришган. Умуман олганда, барча ҳудудлардаги 92 % респондентлар тарқатма материалларга “Яхши” ёхуд “Жуда яхши” деб баҳо қўйишган, бу эса имтиҳон пайтида тақдим этилган тарқатма материалларнинг юқори баҳосини яна бир бор тасдиқлайди.

2.2.2. Ходимлар фаолияти




32-расм. Имтиҳон жараёнида ходимлар ишини баҳолаш

Имтиҳон жараёнида ходимлар фаолияти, асосан, ижобий баҳоланган. Кўпгина респондентлар (67,6 %) ходимлар ишини “Жуда яхши” деб баҳолашди, шунингдек, 20,8 % “Яхши” баҳосини қўйишди, бу эса ариза топширувчиларнинг деярли 90 % ходимлар ишидан қониққанини англатади. Кузатувчилар, тиббий ходимлар, қўриқчилар ва бошқа ёрдамчи ходимлар иши малакали ва самарали деб баҳоланган.


Респондентларнинг кичикроқ қисми унчалик қониқмаган: 6,2 % қатнашувчи ходимлар фаолиятини “Қониқарли” деб баҳолаган, 2,5 % ва 3,0 % эса ходимлар ишини “Ёмон” ва “Жуда ёмон” деб баҳолашган. Бироқ салбий баҳолар ижобий баҳога нисбатан камчилик фоизни ташкил этади, бу эса кўпчилик абитуриентлар томонидан ходимлар фаолияти яхши қабул қилинганини билдиради. Қониқишнинг бундай юқори даражаси имтиҳон даврида ходимлар ишини ташкил этиш ва уларнинг малакасига ижобий таъсирини кўрсатади.

Ходимлар ишига нисбатан жавобларнинг ҳудудий тақсимланиши (33-расм) ҳам умумий ижобий қайта алоқани кўрсатади, бунда Сирдарёдан 80 % респондентлар ходимларни “Жуда яхши” деб баҳолашган, ундан кейин Андижон (74,3 %) ва Навоий вилоятлари (73,8 %) ҳам юқори даражада қониққанларини билдиришган. Бироқ Жиззах вилояти (55,7 %), Тошкент ва Самарқанд вилояти (61,5 %) қониқишнинг энг паст даражасини кўрсатмоқда, бунда бир қисм респондентлар ходимлар ишини “Ёмон” ва “Жуда ёмон” деб баҳолаган. Бу натижалар шуни кўрсатадики, кўпгина ҳудудлар ходимлар ишини ижобий баҳоламоқда, баъзи ҳудудлар, хусусан, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ходимлар ишининг яхшилаш имконияти борлигини кўрсатишмоқда, чунки қониқмаслик даражаси бошқа вилоятларникидан кўра кўпроқ.



33-расм. Ходимлар фаолиятини баҳолашнинг ҳудудий тақсимооти


2.2.3. Имтиҳон жойи



34-расм. Имтиҳон ўтказиладиган жойни баҳолаш


Имтиҳон ўтказиладиган жой бўйича сўров натижалари жуда ижобий: респондентларнинг 63,9 %и уни “Жуда яхши”, 23,6 %и “Яхши” деб баҳолаган, бу шуни кўрсатадики, абитуриентларнинг деярли 90 %и бу жойдан, шунингдек, у ерда яратилган шароитлардан мамнун бўлган. Фақат 7,4 %и жойни “Қониқарли” деб ҳисоблаган, респондентларнинг минимал қисми эса уни салбий баҳолаган: 3,1 %и уни “Жуда ёмон”, 2,1 %и “Ёмон” деб белгиллаган. Бу натижалар имтиҳон ўтказилган жой кўпгина қатнашувчилар кутганидек бўлганини, фақатгина кичик бир қисм жойдан норози бўлиб қолганини кўрсатади.

Имтиҳон ўтказилган жойни баҳолашнинг ҳудудий тақсимои (35-расм) кўпгина ҳудудларда барқарор қониқиш даражаси мавжудлигини кўрсатади. Жиззах вилояти (57,7 %), Тошкент вилояти (57,7 %) ва Тошкент шаҳри (57,1 %) бошқа ҳудудларга нисбатан паст қониқиш даражасини кўрсатишган. Бошқа томондан, Навоий (73,8 %), Сурхондарё (77,8 %) ва Хоразм (74,1 %) вилоятлари юқори қониқиш даражасини кўрсатиб, имтиҳон ўтказилган жойни “Жуда яхши” деб баҳолашган. Умуман олганда, бутун ҳудудларни қамраб оладиган бўлсак, 63,9 % имтиҳон жойини “Жуда яхши” сифатида баҳолаб, асосан ижобий ёндашувда бўлишган, бироқ баъзи ҳудудий чекловлар мавжуд бўлиб, жойни ёритиш ёки имтиҳон ўтказиладиган жойни ташкил этишда тафовутлар борлигини кўрсатади.




35-расм. Имтиҳон бўладиган жой шарт-шароитларига баҳо бериш борасида ҳудудий тақсими

2.2.4. Имтиҳон саволлари сифати ва мураккаблик даражаси



36-расм. Имтиҳон саволлари мураккаблиги даражасини баҳолаш тақсимоли

Имтиҳон саволларининг қийинлик даражаси бўйича сўров натижалари шуни кўрсатадики, респондентларнинг аксарияти саволларни нисбатан осон деб топган. 40,8 % саволларни “Жуда осон”, 33,1 % ини “Осон” деб ҳисоблаган. Бу шуни англатадики, респондентларнинг деярли тўртдан уч қисми имтиҳонни мураккаблигини айтган. Шу билан бирга, 17,7 % савол мураккаблигини “Ўртача” деб баҳолаган, бу эса нейтрал ёндашувни англатади. Респондентларнинг фақат кичик бир қисми имтиҳонни қийинлигини, 4,6 % саволларни “Жуда қийин”, 3,9 % эса “Қийин” деб таърифлашган. Умуман олганда, маълумотлар шуни кўрсатадики, имтиҳон саволлари одатда абитуриентларнинг аксарияти томонидан тушунарли ва содда, деб қабул қилинган.




37-расм. Имтиҳон саволлари мураккаблиги даражасини баҳолашда жинслар ҳиссаси

Имтиҳон саволлари мураккаблик даражаси бўйича таҳлил қилинганида ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам имтиҳон саволларини тушунарли деб билишган. Ўғил болалар орасида 42,5 % имтиҳонни “Жуда осон” ва 31,8 % “Осон” деб баҳоладилар, бу ҳисса жавобларнинг деярли тўртдан уч қисmini ташкил этди. Хотин-қизлар орасида 37,4 % имтиҳон “Жуда осон” ва 35,5 % “Осон” деб баҳоланган.

Қизиғи шундаки, имтиҳон саволлари мураккаблигини “ўртача” деб баҳолаган хотин-қизлар улуши (19,1 %) ўғил болаларникига қараганда бироз юқори (16,9 %). Бундан ташқари, ўғил болалар ва қизлар орасида имтиҳонни “Жуда қийин” (ўғил болалар 4,9 % ва хотин-қизлар 3,9 %) ёки “Қийин” (ўғил болалар 3,8 % ва хотин-қизлар 4,1 %) деб ҳисоблашган.

Шундай қилиб, иккала жинс вакиллари ҳам имтиҳонни одатда осон деб ҳисобладилар. Хотин-қизлар кўпинча имтиҳонни “Ўртача” ёки “Осон” деб билган бўлсалар, ўғил болалар кўпинча “Жуда осон” деб жавоб берганлар. Иккала жинс орасида ҳам умумий таассурот ижобий бўлиб, фақатгина кам қисми қатнашувчилар имтиҳонни жуда мураккаб, деб айтишган.




38-расм. Имтиҳон саволлари сифатини баҳолаш тақсимоти

Имтиҳон саволларининг сифати бўйича сўров натижалари респондентларнинг асосан ижобий баҳосини кўрсатади. 61,7 % қатнашувчи саволларни “Жуда яхши” ва 26,2 % “Яхши” деб баҳолаган, бу эса абитуриентларнинг деярли 88 % имтиҳон саволлари мазмуни сифатидан мамнун эканлигини кўрсатмоқда. Фақат 7,5 % имтиҳон саволлари сифатини “Қониқарли” деб ҳисоблаган, респондентларнинг озчилик қисми эса саволларни салбий баҳолаган: 2,8 % уларни “Жуда ёмон” ва 1,9 % “Ёмон” деб баҳолаган. Натижалар шуни кўрсатадики, абитуриентларнинг аксарияти имтиҳон саволларини юқори сифатли, энг юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, деб айтишган.

Имтиҳон саволларининг сифати бўйича қатнашувчиларнинг жинси таҳлил қилинганда, ўғил болалар ва хотин-қизлар, одатда, саволларнинг сифати ҳақида ижобий фикр билдиришган. Ўғил болалар орасида 62,2 % имтиҳон саволларининг сифатини “Жуда яхши” ва 26,0 % “Яхши” деб баҳолаган, яъни ўғил болаларнинг деярли 88 %и сифатдан мамнун бўлган. Худди шундай, хотин-қизларнинг 60,8 %и саволларни “Жуда яхши” ва 26,6 %и “Яхши” деб баҳолаган, бу хотин-қизларнинг 87 %и қониқиш ҳосил қилганини кўрсатмоқда.


Иккала жинсдан ҳам бироз қисм саволлар сифатини қониқарсиз, деб баҳолаган: ўғил болалардан 2,3 % ва хотин-қизларда 3,7 % саволларни “Жуда ёмон”, ўғил болаларнинг

2,0 %и ва хотин-қизларнинг 1,7 %и “Ёмон” деб баҳолаганлар. Жавоблар шуни кўрсатадики, имтиҳон саволларининг сифатини умумий идрок этиш ўғил болалар ва қизларда деярли бир хил, фақат норозилар орасида озроқ тафовутлар мавжуд.



39-расм. Имтиҳон саволларини баҳолашда жинсларнинг ҳиссаси

2.2.5. Шахсий кабинет




40-расм. Абитуриентлар шахсий кабинети сифатини баҳолаш бўйича тақсимот

Абитуриентларнинг ўз шахсий кабинетларидан қониқиш ёки қониқмаслиги хусусидаги сўровнома натижаси ижобий баҳони бермоқда. 47,0 % респондентлар “Тўла қониқаётганлари”ни, яна 34,8 % “Ўртача қониқаётганлари”ни кўрсатганлар, бу эса 80 % дан ортиқ ҳужжат топширувчилар шахсий кабинетни қониқарли деб ҳисоблашини кўрсатмоқда. 13,1 % респондентлар “Қисман қониқишлари”ни эътироф этганлар, бу эса нейтрал нуқтаи назарда эканини англатади, шу билан бирга бир қисм норозилик ҳам билдирган. Масалан, 3,1 % “Қониқмаганлари”ни, 2,0 % эса “Умуман қониқмаганини” билдиришган. Умуман, маълумотлар абитуриентларнинг кўпгина қисми электрон шахсий кабинет ишининг самарали эканини билдирган.


Шахсий кабинетдан қониқиш бўйича ҳудудий тақсимот кўпгина вилоятларда ижобий фикрнинг мавжудлигини кўрсатмоқда. Андижон (56,0 %), Навоий (58,3 %) ва Сурхондарё (62,5 %) вилоятлари “Тўла қониққан” респондентлар кўплиги билан ажралиб турибди. Шу билан бирга, Жиззах (55,7 %) ва Сирдарё (53,3 %) вилоятлари ҳам етарлича қониққанлик ифодасини беришган, бироқ тақсимоида қисман қониқиш ҳам мавжуд.

Тошкент шаҳри (40,1 %) ва Самарқанд вилояти (42,3 %) тўла қониқиш фикрининг паст кўрсаткичига эга, гарчи кўпчилик қисми тўла қониқиш ҳосил қилган бўлса ҳам, салмоқли ҳиссада “Деярли қониққани”ни маълум қилмоқда. Жуда оз сонли респондентлар тўғридан-тўғри норозилик билдиришган. Бу ўринда, “Умуман қониқмадим” жавобининг кўп қисми Қорақалпоғистон Республикаси (4,7 %) ва Қашқадарё вилоятларига (4,0 %) тўғри келмоқда.



41-расм. Абитуриентлар Шахсий кабинетидан қониқиши бўйича ҳудудий тақсимот

2.2.6. Қабул жараёнида маълумот бериш



42-расм. Қабул жараёнида маълумот бериш баҳосининг тақсимои


Респондентлар имтиҳонлар ва қабул комиссияси ҳақида “Янги Ўзбекистон” университети расмий платформаси, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқларда ахборот беришнинг аниқлиги ва равшанлигидан умумий равишда қониқишгани билдирилган. 44,7 % и берилган ахборотдан “Тўла қониққанларини”, 37,0 % эса “Деярли қониққанларини” айтишган. Шундай қилиб 80 % абитуриентлар ахборотни очиқ ва тушунарли, деб қабул қилишган.

Бир қисм – 13,0 %, “Қисман қониққанларини” билдиришган, бу эса ҳолатни ўзгартириш лозимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, 3,0 % ва 2,2 % респондентлар “Деярли қониқмаганларини” ёки “Умуман қониқмаганларини” маълум қилишган. Гарчи абитуриентларнинг кўпгина қисми ижобий тажриба ҳосил қилган бўлсалар ҳам, бироқ қисми ахборотнинг очиқлиги ва аниқлиги борасидаги вазиятни яна ҳам яхшилаш мумкинлиги ҳақида фикр билдиришган. Шунга қарамай, кўпчилик абитуриентларга керакли ахборотни етказишда университет платформалари самарали бўлганини маълумотлар хабар бермоқда.

“Янги Ўзбекистон” университети расмий платформасидаги ахборотнинг аниқлиги ва очиқлиги борасидаги гендер тақсимои ўғил болалар ва қизлар ўртасида деярли ўхшаш фикрлар борлигини кўрсатади. 47,0 % қизлар ва 43,6 % ўғил болалар “Тўла қониққанларини” билдиришган. Ундан ташқари, 37,0 % ўғил болалар ва қизлар “Деярли қониққанларини” айтишган, бу эса жинслар орасида қониқиш фикрида бўлганларнинг даражаси юқори эканини кўрсатмоқда.

Бироқ ўғил болаларнинг бир қисми (13,8 %) қизлар (11,3 %)га нисбатан кўпроқ, “Қисман қониққанини” билдирган. Қониқмаслик нуқтаи назаридан натижалар деярли бир хил: 2,9 % ўғил болалар ва 3,2 % қизлар “Асосан қониқмаганларини” билдирганлар ва кам сонли респондентлар (2,6 % ўғил болалар ва 1,5 % қизлар) “Умуман қониқмаганларини” эътироф этганлар.

Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, эркак ва аёл жинсига мансуб абитуриентларнинг барчаси умумий ҳолатда университетнинг ахборот платформаси ҳақида ижобий фикрдалар, гарчи ўғил болалар орасида қисман қониқмаганлик хусусида фикрлар сони кўпроқ.




43-расм. Қабул жараёни ҳақида ахборот беришни баҳолашда гендер тақсимоти

2.3. Университетда ўқиш билан боғлиқ саволлар

Бу бўлимда абитуриентларнинг имтиҳонларга тайёрланиш усуллари, университетни танлаш сабаблари ва бу қарорга келиш омиллари таҳлил қилинади. Шунингдек, абитуриентларнинг орзу-умидлари ва “Янги Ўзбекистон” университетидаги таълим сифатини қандай қабул қилишлари ҳақида маълумотлар берилади.

2.3.1. Имтиҳонларга тайёргарлик усуллари



44-расм. Абитуриентларнинг имтиҳонларга тайёрланиш усуллари тақсимоти


Юқорида берилган диаграммдан кўринадики, кўпчилик абитуриентлар, яъни 50,6 %, имтиҳонга мустақил ўзлари ўқиб тайёрланганлар, бу эса эркин тарзда ўқиш ис-тагининг кучли эканидан далолат беради. Абитуриентларнинг бешдан бир қисми ре-петиторларга боришни маъқул кўришган. Бундан 19,6 % респондентлар фойдаланган. 12,8 % абитуриентлар эса университет ёки мактаблардаги тайёрлов курсларига бориш-ган, шу билан бирга, 10,2 % абитуриентлар ҳеч қанақа қўшимча тайёргарлик кўришма-ган.

Абитуриентларнинг фақат кичик бир қисми онлайн курслардан (3,5 %) ёки “Янги Ўз-бекистон” университетидаги тайёрлов курсларидан (3,3 %) фойдаланишган, бу улар-нинг оммалашмагани ёки улашиш қийинлигидан далолат беради. Умуман олганда, олинган натижалар имтиҳонга мустақил тайёрланиш тамойили кучли эканини, баъзила-ри эса ташқаридан ёрдам олишни, масалан, репетиторлик ёки расмий курсларни маъ-қул кўришлари ҳам аён бўлмоқда.

Тайёрланиш жараёни усуллари бўйича гендер тақсимот эркаклар ва аёллар ўртаси-да ўхшаш қонунийлик борлигини кўрсатмоқда. Иккала жинс вакиллари учун ҳам мус-тақил ўқиш – кенг тарқалган усул бўлиб, бунда 51,1 % ўғил болалар ва 49,6 % қизлар бу усулдан фойдаланишган. Хусусий репетиторларга бориш ҳам оммалашган, бунда ҳам жинслар ҳиссаси деярли бир хил: 19,4 % ўғил болалар ва 19,9 % қизлар.

Бироқ мактаб ва университетларнинг тайёрлов курсларидан фойдаланишда муайян тафовутлар мавжуд, бу усулни эркаклардан (12,0 %) кўра аёллар (14,5 %) кўпроқ тан-лаганлари маълум бўлмоқда. Худди шундай, эркаклардан (3,1 %) кўра, кўпроқ аёллар (4,5 %) онлайн курслардан фойдаланишган. Абитуриентлар орасида камчилик қисм ҳеч қандай қўшимча ёрдамсиз келишган, бунда 10,6 % ўғил болалар ва 9,3 % қизлар бу тои-фага мансублиги кўринмоқда.

Умуман олганда, натижалар шуни кўрсатадики, ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам асосан мустақил таълим олишга ва хусусий репетиторларга кўпроқ таянишган, булар орасида кам-чилик қисмигина расмий курслар ҳамда онлайн-тайёрлов курсларидан фойдаланишган.



45-расм. Имтиҳонларга тайёрланиш усуллари бўйича гендер тақсимооти

Ўқув дастурлари кесимида тайёргарлик усуллари таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, **мустақил равишда тайёрланиш** барча соҳаларда энг кенг тарқалган усул бўлиб, айниқса, “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (58,2 %) ва “Сунъий интеллект ва робототехника” (54,8 %) бўйича юқори фоизларга эга, бу эса ушбу фанлар бўйича мустақил тайёргарлик кўриш иштиёқи кучли эканини англатади. Аксинча, “Педагогика (STEMда)” (36,5 %) мустақил ўқишга таянадиган абитуриентларнинг энг паст фоизига эга бўлиб, бу соҳада кўпроқ репетиторга қатнаш ёки бировнинг ўқитишига эҳтиёж борлиги кўринмоқда.

Онлайн курслардан фойдаланиш ҳамма соҳаларда паст даражада турибди, “Саоат менежменти” (6,7 %) ва “Иқтисодиёт ва маълумотлар таҳлили” (4,5 %) каби дастурларда онлайн тайёргарлик кўриш улуши нисбатан баланд. Бу нарсга гарчи онлайн ресурсларга етишиш осон бўлса ҳам, абитуриентлар учун бу усул асосий манба бўлмапти. Шуниси қизиқки, механик муҳандислик соҳасида битта ҳам абитуриент онлайн курсларни белгиламаган.

“Киберхавфсизлик” (15,0 %) ва “Педагогика (STEMда)” (17,6 %) йўналишларидаги абитуриентлар **университетлар томонидан таклиф қилинадиган тайёрлов курсларига** таянишлари маълум бўлмоқда. Бу ҳолат ушбу йўналишларга талабгорлар тайёрлов жараёнида университет томонидан кўрсатилган ёрдамни маъқул кўришларини англатмоқда.

Репетиторга бориш ҳам оммавий усул бўлиб, “Педагогика (STEMда)” (29,4%) ва “Амалий математика” (22,5%) йўналишларида ушбу усулдан кенг фойдаланишмоқда. Бу ҳолат айнан шу фанларда абитуриентлар учун яқка тайёрланиш жуда муҳим эканини кўрсатмоқда.

“Янги Ўзбекистон” университети қошидаги тайёрлов курсларидан кўпинча “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (6,0 %) фанига тайёрланаётган абитуриентлар фойдаланишмоқда, умуман эса барча соҳаларда паст фоиз олган усул бўлпти, баъзи соҳалар, масалан, “Педагогика (STEMда)” (0,0 %) бу курслардан умуман фойдаланмаган. Бу ҳолат ё университет курсларига етишиш қийинлигини ёхуд абитуриентлар бошқа йўллар билан тайёргарлик кўришни афзал кўришларини англатади.


Абитуриентларнинг кўпгина қисми барча соҳаларда **ҳеч қанақа қўшимча тайёргарлик кўришмаган**. Бу борада энг баланд фоизлар “Педагогика (STEMда)” (11,8 %) ва “Механика муҳандислиги” (12,2 %) соҳаларига мансуб бўлиб, бу абитуриентларнинг ўзидаги бор билимга ишониши ёхуд тайёрлов ресурсларларига етишиш мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, маълумотлар фанларга тайёрланиш бўйича турли стратегиялар мавжудлигини, яна яқка тайёрланиш етакчи усул бўлиб қолаётганидан далолат беради. “Педагогика (STEMда)” ва “Киберхавфсизлик” каби соҳалар таркибий тайёрланишга (репетитор ва курсларга бориш) кўпроқ боғлиқ экани, техник соҳалар, масалан, “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” ва “Амалий математика” кабилар яқка тартибда тайёргарлик кўришни маъқул билишлари намоён бўлмоқда.



46-расм. Ўқув дастурлари кесимида имтиҳонларга тайёрланиш

2.3.2. Университет танлови сабаблари




47-расм. Абитуриентларнинг “Янги Ўзбекистон” университетини танлашида умумлаштирилган омиллар¹⁵

Натижалар шуни кўрсатадики, бу университетни танлаган абитуриентларнинг асосий омили, университетнинг академик обрўси ва тадқиқот қилиш имконияти бўлиб, буни 26,6 % респондентлар кўрсатиб ўтганлар. Бу нарсa “Янги Ўзбекистон” университетининг академик ва янги тадқиқот дастурлари жиҳатдан устунлиги абитуриентлар учун аҳамиятли омил эканини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 14,0 % абитуриентлар университет томонидан бериладиган имтиёзларни, масалан, битиргандан кейин обрўли жойга ишга жойлашиш ва дарсдан ташқари бўлган дастурларини сабаб қилиб кўрсатишган.

Университетни танлашда омил бўлиб хизмат қилган бошқа сабаблар бировларнинг ва баъзи бир гуруҳларнинг (12,9 %) маслаҳат бергани ҳамда университетнинг таълим дастурларини (9,7 %) ҳам ўз ичига олади, бу эса шахсий алоқалар ҳамда университетнинг сифатли академик таълимни таклиф қилиши жуда муҳим эканини англатади. Шуни қайд қилиш керакки, 8,3 % респондентлар уларга ҳеч нарсa омил бўлмаганини кўрсатишган, бу эса абитуриентларнинг камчилиги ташқи омиллар ёки “захира вариант” сифатида ариза топширганини кўрсатади.

Абитуриентларнинг оз қисмига университетда ташкил этилган шарт-шароитлар (8,2 %), олий таълим тизимида университетнинг ўрни (7,1 %) ва уларнинг шахсий мақсадлари (9,6 %) омил бўлиб хизмат қилган. Университет алоқалари ва ҳамкорлик (2,4 %), Ўзбекистон Республикаси Президентининг таъсири (0,8 %) ҳам кам эсланган омиллар орасида мавжуд эди, реклама фаолияти эса деярли таъсир кўрсатмаган – 0,3 %. Умуман олганда, академик обрў ва имкониятлар, кўринишидан, абитуриентларнинг қарорига кўпроқ таъсир қилганга ўхшайди.

¹⁵ “Янги Ўзбекистон” университетини танлашда асосий омилларнинг тўла ва изчил рўйхати №3 иловада келтириб ўтилган.



48-расм. Университетни танлаш омиллари бўйича гендер тақсими

“Янги Ўзбекистон” университетига ҳужжат топшириш омилларининг гендер тақсими ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги қизиқарли фарқларни кўрсатади:

Университетдаги шарт-шароитлар ўғил болалардан кўра (11,2 %) қизларни (14,6 %) кўпроқ қизиқтирган. Бу эса ўқув муассасасини танлашда ўғил болалардан кўра қизларни университетда яратилган шарт-шароитлар кўпроқ қизиқтиришини кўрсатмоқда. **Мамлакатдаги олий таълим тизимида университетнинг ўрни** ҳам ўғил болалардан (10,3 %) кўра қизларга (11,7 %) аҳамиятлироқ бўлган. Бу эса миллий даражада университетнинг ўрни ва таъсири аёлларга кўпроқ аҳамиятли эканини кўрсатмоқда.

Университет томонидан тақдим этилган имкониятлар иккала гуруҳ учун ҳам муҳим омил бўлиб чиқди, аммо аёллар (24,2 %) уларни ўғил болалардан кўра (19,4 %) юқори баҳоладилар, бу эса мавжуд ресурслар ва қўллаб-қувватлаш дастурлари аёллар учун асосий роль ўйнашини таъкидлайди. **Университетнинг академик мавқеи ва илмий фаолияти**, шунингдек, аёллар учун (43,5 %) ўғил болаларга нисбатан (38,3 %) кўпроқ аҳамиятли бўлди, бу эса қизлар учун академик савиянинг муҳимлигини тасдиқлайди.

Ўқув дастурлари тизимида омилларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, академик мавқе ва тадқиқот имкониятлари аксарият дастурларга ариза топширганлар учун асосий рағбатлантирувчи омил бўлган. Бу, айниқса, “Дастурлаш муҳандислиги” (42,3 %), “Иқтисодиёт ва маълумотларни таҳлил қилиш” (38,4 %) ва “Механик муҳандислик” (35,4 %) йўналишларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун жуда муҳим бўлган.


Университет томонидан тақдим этилган имкониятлар “Иқтисодиёт ва маълумотларни таҳлил қилиш” (20,6 %), “Амалий математика” (20,2 %) ва “Педагогика (STEMда)” (18,8 %) йўналишларини танлаган абитуриентлар учун ҳам муҳим бўлган. Бу шуни кўрсатдики, ушбу йўналишларга ҳужжат топширган абитуриентлар келажақда яхши иш ўринларига эга бўлиш ва чет элда амалиёт ўташ каби университет томонидан бериладиган афзалликларга қизиқишган. **Университет томонидан тақдим этилган инфраструктура ва шарт-шароитлар** барча йўналиш талабгорлари томонидан қайд этилган, лекин “Сунъий интеллект ва робототехника” (14,5 %) ва “Педагогика (STEMда)” (11,5 %) йўналишларига ҳужжат топширганлар бунга кўпроқ қизиқиш билдиришган.

Шахсий тавсиялар, мураббийлар ёки оила аъзоларининг маслаҳати “Амалий математика” (25,8 %) ва “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (19,4 %) абитуриентлари учун, айниқса, муҳим бўлган.

Таъкидлаш жоизки, баъзи абитуриентлар, айниқса, “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (16,4 %) ва “Педагогика (STEMда)” (18,8 %) йўналишларига ҳужжат топширганлар **ҳеч қандай сабаб мавжуд эмаслигини** кўрсатиб ўтишган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг роли ёки университетнинг **реклама фаолияти** каби омиллар умуман кам кўрсатиб ўтилган, бу эса сиёсий жараён ёки реклама омиллари ушбу йўналишларда абитуриентларнинг қарор қабул қилиш жараёнига минимал таъсир кўрсатганини намоён қилмоқда.

Маълумотлар шунини кўрсатадики, академик мавқе ва илмий тадқиқот ҳамда яхши иш ўрнига эга бўлиш каби имкониятлар барча йўналишларда абитуриентлар учун энг таъсирли омил ҳисобланган. Бироқ йўналишлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд: баъзилари университет шароитлари, йўналишлари ва шахсий маслаҳатларга катта аҳамият беришган.



49-расм. Университетни танлашда ўқув дастурларининг таъсири ва омиллар бўйича тақсимот

2.3.3. Университетни танлашга таъсир кўрсатувчи омиллар



50-расм. Университетни танлашда абитуриентларга таъсир қилган асосий омиллар

Юқоридаги диаграммада абитуриентларнинг “Янги Ўзбекистон” университетини танлаш бўйича қарорларига таъсир кўрсатган омиллар кўрсатилган бўлиб, уларни аҳамиятли деб топган респондентлар фоизи бўйича тартибланган.


“Таълим бериш ва касб тайёргарлигининг юқори сифати” (16,3 %) ва **“Юқори малакали ўқитувчилар таркиби”** (8,2 %) абитуриентлар учун энг муҳим икки омил бўлган, бу эса университетнинг академик мавқеи ҳал қилувчи таъсирга эга эканлигини кўрсатмоқда.

“Ёрқин талабалик даври учун яхши шарт-шароит” (6,1 %), **“Университетнинг миллий ва халқаро рейтинги”** (6,1 %) ҳам аҳамиятли бўлиб, бу абитуриентлар учун университетдаги ижтимоий муҳит ҳамда халқаро даража нечоғли муҳим эканини кўрсатмоқда.

“Битирувчиларнинг яхши иш ўрнига эга бўлиши” (5,4 %), “Илмий тадқиқотларда иштирок этиш” (5,2 %) ва “Стипендиянинг мавжудлиги” (6,7 %), абитуриентларнинг камроқ, бироқ аҳамиятли қисмига таъсир кўрсатган, бу эса амалий натижалар ва молиявий дастакнинг нечоғлик муҳим эканини кўрсатмоқда.

Шуниси қизиқки, шахсий ва ҳудудга яқинлик каби омиллар, масалан, “Университетнинг уйга яқин экани” (1,7 %) ва “Таълимга кетадиган маблағ” (2,8 %), минимал таъсирга эга бўлган, бу эса академик сифат ва келажақда истиқболга эришиш абитуриентлар учун қулайлик ва яқинликдан кўра муҳимроқ эканини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, университетдаги академик мавқе ва истиқбол, яъни келажақда яхши иш ўрнига эга бўлиш имконияти, абитуриентларнинг “Янги Ўзбекистон” университетини танлашларининг асосий омили бўлиб хизмат қилган.



51-расм. Университет танловидаги омилларнинг гендер тақсимоти


51-расмда абитуриентларнинг “Янги Ўзбекистон” университетини танлашларида таъсир кўрсатган омиллар бўйича гендер тақсимоти кўрсатиб ўтилган. Ундаги энг асосий хулосалар қуйидагича:

1. **Таълим ва касбга тайёрлов сифати:** ўғил болалар ҳам (81,6 %), аёллар ҳам (83,8 %) таълим ва касбга тайёрловнинг юқори сифатини асосий омил деб ҳисобламоқда, бу эса иккала жинс вакиллари, айниқса, аёллар учун академик мавқе бош омил бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда.

2. **Кампуснинг ташқи кўриниши:** кампуснинг эстетик кўриниши, ўғил болалар учун (29,6 %) ҳам, қизлар (28,8 %) учун ҳам деярли бир хил завқ бермоқда, бу эса абитуриентларнинг қарор қабул қилишида атроф-муҳитнинг сезиларли, бироқ иккинчи даражали ўринга эга эканини кўрсатмоқда.
3. **Ижтимоий таъсир:** ўғил болаларнинг қарор қабул қилши кўпроқ дўстлари (23,1 %) ва ота-оналарининг (22,3 %) фикрига боғлиқ бўляпти. Хотин-қизларга эса бу манбалар камроқ таъсир кўрсатган (19,1 % дўстлари ва 15,6 % ота-оналари). Бу эса эркак респондентларнинг университетни танлаётганида ижтимоий ва оилавий тармоқларга кўпроқ таянишини кўрсатмоқда.
4. **Уйга яқинлиги:** университетнинг уйга яқинлиги ўғил болалар учун ҳам (9,5 %), хотин-қизлар (6,5 %) учун ҳам унчалик аҳамиятли эмас.
5. **Таълимга кетадиган маблағ:** ўғил болалар (14,8 %) ва хотин-қизлар (13,0 %) таълимга кетадиган маблағ борасида ўртача ташвишланмоқдалар, гарчи бу ҳеч қайси гуруҳ учун етакчи омил ҳисобланмайди.
6. **Дарсдан ташқари тадбирлар:** хотин-қизлар (30,1 %) ўғил болаларга (26,3 %) қараганда дарсдан ташқари тадбирларга кўпроқ аҳамият беришган, бу эса академик машғулотлардан ташқари талабалик даврига юқори қизиқиш борлигини ўзида акс эттирмоқда.
7. **Илмий тадқиқот имкониятлари:** деярли бир хил сондаги ўғил болалар (25,8 %) ва хотин-қизлар (27,0 %) илмий тадқиқот ишларини жуда муҳим деб ҳисоблашмоқда, бу эса иккала жинс вакиллари орасида академик фанларга қизиқиш юқори эканини кўрсатмоқда.
8. **Мавқе ва рейтинг:** миллий ва халқаро рейтинглар ўғил болалар (30,7 %) ва хотин-қизлар (30,1 %) учун бир хил аҳамиятга эга, бу эса университет мавқеи муҳим ўринда эканини кўрсатади.
9. **Стипендия ва молиявий кўмак:** стипендиянинг мавжудлиги ўғил болалар (34,1 %) учун ҳам, хотин-қизлар (32,5 %) учун ҳам ҳал қилувчи омил бўлмоқда, гарчи ўғил болалар бунга яна ҳам кўпроқ аҳамият бермоқдалар.
10. **Яхши ишда ишлаш истиқболи:** ўғил болалар (28,5 %) ўқиш тугагандан кейин яхши иш ўрнига эга бўлиш истиқболига хотин-қизлардан (24,2 %) кўра кўпроқ аҳамият бермоқдалар, бу эса эркакларнинг ижтимоий мавқега кўпроқ диққат қаратишини кўрсатмоқда.
11. **Ўқитувчилар экспертизаси:** юқори малакали ўқитувчилар хотин-қизларга (38,5 %) қараганда ўғил болаларга (42,6 %) жуда муҳим эканини, бу эса ўқитувчиларнинг академик вазифалари эркаклар учун аҳамиятли эканини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, ўғил болалар ҳам, хотин-қизлар ҳам бошқа омилларга қараганда таълим ва касбга тайёрлов сифатига кўпроқ аҳамият беришяпти. Ўғил болалар ижтимоий алоқалар, ўқиш жойининг уйга яқинлиги, келажакдаги истиқболига кўпроқ аҳамият берсалар, аёллар дарсдан ташқари тадбирлар ва мўътадил талабалик ҳаётига кўпроқ қизиқиш билдирганлар. Иккала жинс вакиллари ҳам тадқиқотларда иштирок этиш, университет мавқеи ва стипендиянинг мавжудлигига бир хил аҳамият беришган.

2.3.4. Ўз имкониятларини баҳолаш



52-расм. Университетга кириш бўйича абитуриентлар кутган натижанинг баҳоланиши

52-расмда абитуриентларнинг кириш имтиҳонларини топшириш ва университетга муваффақиятли кириш борасидаги ўз қобилиятлари ҳамда ишончларини ўзлари томонидан баҳолашлари кўрсатилган.


Абитуриентларнинг аксарияти ўзларига бўлган ишончни юқори ёки жуда юқори деб баҳоладилар, яъни 61,5 %и университетга кириш эҳтимоли юқори эканлигини таъкидлади. 34,3 % абитуриент ўз қобилиятини жуда юқори деб баҳолади, бу эса гуруҳ ичида ўзига бўлган ишонч кучли эканини кўрсатмоқда.

Фақатгина бир қисм абитуриентлар (2,6 %) ўз имкониятларини “Паст” деб, ундан ҳам кичикроқ гуруҳ эса (1,6 %) ўз имкониятларини “Жуда паст” деб кўрсатган.

Бу натижалар абитуриентларнинг кўпгина қисми ўзини яхши тайёрланган деб ҳисоблаб, имтиҳонни яхши топшириши ва университетга кира олишига ишонади. Фақатгина кичик фоиздаги абитуриентлар ўз муваффақиятига ишончсизлик билан қараган. Бу умумий ишонч, эҳтимол, ўзларидаги академик қобилиятларга бўлган ишонч ва тайёргарликни акс эттиради.

Абитуриентлар орасида имтиҳон жараёнини баҳолаш бўйича ўғил болалар ва қизларда фикрий тафовут борлиги аниқланди. Ўғил болалар ўртасида 36,1 % ўз имкониятларини “Жуда юқори” деб баҳолаб, ўзларига нисбатан юқори ишонч кўрсатдилар, яна кўпгина қисми (59,4%) ўз имкониятини “Юқори” дея баҳолаган. Фақат ўз имкониятларини кичик қисм ўғил болалар (2,5 %) “Паст”, ундан ҳам кичик гуруҳ (2,0 %) “Жуда паст” баҳолаганлар. Бу натижалар ўғил бола абитуриентлар яхши тайёрланганлигини ва ўз истиқболларига ишонч билдирганликларини кўрсатади.

Қиз абитуриентлар ҳам ўзларига ишонсалар-да, биров бошқача тақсимланганлар. Ўз имкониятларини “Жуда юқори” дея баҳолаган қизларнинг фоизи (30,7 %) ўғил болаларникидан камроқ. Ўз имкониятини “Юқори” баҳолаган қизлар улуши (65,6 %) эса ўғил болаларникидан кўпроқ. Камроқ фоиз қизлар (2,8 %) ўз имкониятларини “Паст” ёки “Жуда паст” (0,9 %) деб ҳисоблаганлар, иккала жинс вакиллари ҳам, асосан, имтиҳон топширишда ўз имкониятларини ижобий деб билганлар, бунда қизларнинг ишончлари ўртача, ўғил болалар эса ўзлари ҳақида юқори фикрдалар.



53-расм. Университетга кириш бўйича абитуриентлар кутган натижанинг гендер тақсимооти

54-расмда абитуриентларнинг университетга киришда ўзларига бўлган ишончлари имтиҳонларга тайёрланиш усуллари бўйича гуруҳлаштирилган тарзда тасвирланган.


Мустақил тайёрланиш: абитуриентларнинг энг катта гуруҳи (814) мустақил тайёрланишган. Улардан 34,8 % ўз имкониятларини жуда юқори, 61,9 % – юқори деб баҳолашган, бу ҳам мустақил ўқишга бўлган кучли ишончни кўрсатмоқда. Фақатгина 3,3 % ўз имкониятларини паст ёхуд жуда паст деб баҳолашган.

Репетиторга бориш: репетиторга борган 315 абитуриентлар орасида 35,9 % ўз имкониятини жуда юқори, 62,5 % – юқори деб ҳисоблаган, бу эса яқка тартибда репетиторга бориш самарали эканига бўлган ишончни кўрсатмоқда.

Онлайн курслар ва тайёрлов курслари ишонч даражасининг пасайганини кўрсатмоқда: онлайн курслардан фойдаланганларнинг 33,3 %и ўз имкониятларини жуда юқори, 57,9 % – юқори деб билишган. Тайёрлов курсларига борган абитуриентларнинг 41,5 %и ўз имкониятларини жуда юқори, 50,9 % эса юқори, деб билган.


Қўшимча тайёргарлик кўрмаган абитуриентлар: шуни қайд этиш керакки, бу гуруҳнинг 31,7 %и барибир ўз имкониятларини жуда юқори, 57,9 %и эса юқори, деб билган. Бироқ бу гуруҳда ўз имкониятларини жуда паст (6,7 %) деб ҳисоблаган респондентлар ҳам мавжуд бўлиб, бу эса репетиторларга бермаганлиги учун абитуриентлар ўз кучига ишонмаётганлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, репетиторга борган ёки ўзи мустақил тайёрланган абитуриентлар ўз иқтидорларига юқори даражада ишонч билдирган бўлсалар, университет курсларига борганлар, институционал қўллаб-қувватлашга қарамасдан, ўзларига нисбатан паст ишончни намоён қилганлар.



54-расм. Имтиҳонга тайёрланиш усуллари кесимида абитуриентлар кутган натижанинг баҳоланиши

2.3.5. “Янги Ўзбекистон” университетидаги таълим сифатининг дастлабки баҳоси



55-расм. Таълим сифатининг баҳоланиши

Ушбу диаграмма респондентларнинг “Янги Ўзбекистон” университетидаги таълим сифатини қандай баҳолаганларини кўрсатмоқда. Кўпчилик (51,8 %) сифатни “Жуда юқори” деб баҳолаган, бу эса таълим стандартларидан юқори даражада қониқишни кўрсатмоқда. Яна 42,2 %и уни “Юқори” деб баҳолаган, бу эса кўпчилик респондентларнинг университетни ижобий тарзда қабул қилишини кўрсатмоқда.


Шуниси қизиқки, респондентларнинг ҳеч қайсиси “Ўрта” деган баҳони қўймаган. Бу эса респондентларнинг университетга ё ижобий ёки ноаниқ баҳо қўйганларини англатмоқда. Бундан ташқари, 6,0 % “Жавоб беришга қийналаман” дейишган. Бундай умумий тақсимот университетдаги таълим сифатига жуда ижобий баҳо берганини кўрсатади, яна бир кичик гуруҳ эса қониқмаслик эмас, балки ноаниқликни ифодалаган.

2.4. Келажак режаси ва муқобил йўллар танлови

Тадқиқотнинг ушбу бўлимида абитуриентларнинг муқобил университетларни кўриб чиққанлари, уларнинг бу борадаги нуқтаи назарлари, ўқишни битиргандан сўнг яхши иш эгаси бўлиш истиқболи ҳамда университетнинг келажакдаги ташаббусига доир таклифлари кўриб чиқилади. Мана шу асосий нуқталарни ўрганган ҳолда, таҳлил абитуриентлар томонидан қабул қилинадиган қарор ва узоқ мақсадлар жараёнини ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, “Янги Ўзбекистон” университетини стратегик жиҳатдан яхшилашда фойдаланиш мумкин бўлган ўзаро мулоқотни қўлга киритишга ёрдам беради. Бу ғоялар бўлажак талабаларнинг орзу-умидига мос келувчи сиёсатни йўлга қўйиш ва университетни рақобатбардош муассаса сифатида ривожланишига хизмат қилади.

2.4.1. Муқобил ўқув муассасалари

Муқобил университетни танлаш хусусидаги саволга респондентлар томонидан берилган ТОП-15 жавоблар қуйидагича¹⁶:



56-расм. Муқобил университет танлашдаги ТОП-15 жавоб

¹⁶ Муқобил университетларнинг тўлиқ рўйхати 4-иловада келтирилган.

56-расмда абитуриентларнинг “Янги Ўзбекистон” университети билан биргаликда кўриб чиққан энг яхши 15 та муқобил университет кўрсатилган. Энг оммабоп таълим муассасаси Тошкент шаҳридаги **Вестминстер халқаро университети (WUIT)** бўлиб, уни респондентларнинг 9,9 %и кўрсатиб ўтган, Тошкент давлат иқтисодий университети эса 8,6 % респондент қайд этган. Респондентларнинг деярли 6 %и бу саволга жавоб беришга қийналган, 5,5 % эса бошқа давлат университетларини танлаган.

Эътиборлиси шундаки, респондентларнинг 5,2 %и Тошкентдаги **Вебстер университети**ни тилга олган ва халқаро таълим муассасаларининг жозибадорлигини таъкидлаган. Бундан ташқари, 4,3 % абитуриент бошқа университетга ҳужжат топширмаган, бу эса абитуриентларнинг “Янги Ўзбекистон” университетига содиқлигидан далолат беради.

Қуйидаги жадвалда абитуриентлар томонидан танланган дастурлар бўйича энг яхши 15 та муқобил университетнинг тақсимланиши кўрсатилган. “Иқтисодий ва маълумотларни таҳлил қилиш” (17,8 %), “Амалий математика” (17,6 %) ва “Сунъий интеллект ва робототехника” (16,8 %) йўналишларига ҳужжат топширган абитуриентларнинг кўпчилиги **WUIT**ни муқобил вариант сифатида кўрсатган. Бу нарсга ушбу соҳадаги абитуриентлар учун **WUIT**нинг мавқеи баландлигини ҳамда таклифлари жозибадор эканини кўрсатади. Ҳатто “Механика муҳандислиги” (9,0 %) ва “Дастурлаш муҳандислиги” (13,3 %) каби анъанавий техник дастурларда ҳам абитуриентларнинг катта қисми **WUIT**ни муқобил вариант, деб билишган.

“Амалий математика” (19,6 %) ва “Иқтисодий ва маълумотлар таҳлили” (16,8 %) йўналишларига топширган абитуриентлар **Тошкент давлат иқтисодий университети**га катта устунлик беришди, бу университетнинг бизнес ва иқтисод фанларига бўлган йўналишига мос келади. “СИ ва робототехника” (12,3 %) ва “Киберхавфсизлик” (11,7 %) каби техник йўналишларнинг респондентлари, гарчи оз сонли бўлса ҳам, ушбу университетни кўрсатиб ўтганлар.

Респондентларнинг анчагина қисми, айниқса, “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (20,7 %) ва “Педагогика (STEMда)” (25,3 %) **муқобил университетни танлашда қийналаётганларини** билдиришган. Бу шуни кўрсатадики, ушбу соҳалардаги абитуриентлар муқобил таълим йўллари аниқлашда ҳақиқатан ҳам, қийналяптилар ёки улар ҳақида етарлича маълумот олмаганлар.

“Педагогика (STEMда)” (12,7 %), “Амалий математика” (7,8 %) ва “Механик муҳандислик” (9,0 %) респондентлари **бошқа давлат университетларига** доимий қизиқиш билдирганлар. Бу уларнинг ушбу соҳа бўйича етарлича таълим берадиган ёки кўпроқ ихтисослашган дастурларни тақдим этадиган давлат муассасаларини афзал кўраётганларини кўрсатмоқда.

“СИ ва робототехника” (9,7 %), “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (8,6 %) ҳамда “Педагогика (STEMда)” (11,4 %) соҳаларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун Тошкентдаги **Вебстер университети** оммабоп муқобил вариант бўлди. Бу шуни кўрсатадики, Вебстернинг халқаро муҳити ва академик дастурлари ҳам техник, ҳам педагогик маълумотга эга бўлган абитуриентлар учун бир хил жозибадор бўлмоқда.

“Амалий математика” (10,8 %), “Иқтисодий ва маълумотларни таҳлил қилиш” (8,9 %) йўналишларидаги абитуриентлар, асосан, **Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети**ни белгилашган. Бу университетнинг ихтисослашувига мос келадиган глобал иқтисодий ва халқаро муносабатларга қизиққан абитуриентлар борлигини кўрсатмоқда.

Тошкент шаҳридаги **Инҳа университети**ни “Дастурлаш муҳандислиги” (13,7 %), “Киберхавфсизлик” (9,0 %) ва “Механик муҳандислик” (10,1 %) йўналишларига қизиққан абитуриентлар белгилашган. Инҳанинг ИТ ва муҳандисликка бўлган эътибори ушбу техник дастурлар талабгорларининг истагига мос келади.

Турин политехника университети, айниқса, муҳандислик фанлари бўйича ихтисослашувини акс эттирувчи “Механика муҳандислиги” (21,3 %) йўналишига ҳужжат топширган респондентлар орасида оммалашган. Шунингдек, у “Сунъий интеллект ва ро-


бототехника” (4,5 %), “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (6,9 %) йўналишига қизиқувчи абитуриентлар томонидан ҳам белгиланган.

Шундай қилиб, маълумотлар шуни кўрсатадики, аксарият йўналишлардаги абитуриентлар STEM соҳасидаги WIUT ва Webster каби халқаро ривожланишга йўналтирилган университетларга, шунингдек, Inha ва Turin Polytechnic каби техник университетларга мойил бўлганлар. Иқтисодиёт ва бизнесни ўрганаётган респондентлар WIUT ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетини афзал кўришган, педагогика фанларини ўрганаётган респондентларда бироз ноаниқлик кузатилган, улардан баъзилари эса Webster ва давлат университетларини танлаганлар.

Таълим дастурлари бўйича муқобил ўқув муассасаларининг ТОП-15 талиги

Университетлар \ Йўналишлар	Амалий математика			Сунъий интеллект ва робототехника			Кимё муҳандислиги ва материалшunoslik			Киберхавфсизлик			Иқтисодиёт ва маълумотлар таҳлили			Саноат менежменти			Машинасозлик			Педагогика (STEM)			Дастурий таъминот муҳандислиги									
	17.6%	16.8%	10.3%	14.4%	17.8%	14.9%	9.0%	12.7%	13.3%	10.3%	11.7%	9.6%	8.3%	10.7%	7.7%	6.7%	25.3%	6.0%	10.1%	9.7%	6.9%	2.8%	13.7%	4.0%		5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	2.8%			
	19.6%	12.3%	10.3%	11.7%	16.8%	14.3%	6.7%	6.3%	8.5%	10.3%	11.7%	9.6%	8.3%	10.7%	7.7%	6.7%	25.3%	6.0%	10.1%	9.7%	6.9%	2.8%	13.7%	4.0%		5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	2.8%			
	10.8%	5.8%	20.7%	9.6%	8.3%	10.7%	6.7%	25.3%	6.0%	10.1%	9.7%	6.9%	2.8%	13.7%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	2.8%	13.7%	4.0%	5.2%		4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	2.8%				
	7.8%	5.8%	3.4%	11.2%	8.6%	7.7%	9.0%	12.7%	10.1%	9.7%	6.9%	2.8%	13.7%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	2.8%	13.7%	4.0%	5.2%	4.0%		6.9%	2.0%	4.0%	2.8%					
	3.9%	9.7%	8.6%	6.4%	8.6%	7.7%	6.7%	11.4%	9.7%	6.9%	2.8%	13.7%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	2.8%	13.7%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%		2.0%	4.0%	2.8%						
	4.9%	9.0%	12.1%	5.3%	7.1%	4.2%	12.4%	1.3%	6.9%	2.0%	5.9%	8.9%	2.6%	2.4%	7.7%	2.2%	0.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	5.2%	4.0%		6.9%	2.0%	4.0%	2.8%					
	10.8%	3.9%	0.0%	5.9%	8.9%	6.5%	1.1%	1.3%	2.8%	0.0%	9.0%	2.6%	6.3%	7.7%	2.2%	0.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%		2.0%	4.0%	2.8%						
	2.9%	9.7%	0.0%	9.0%	2.6%	2.4%	10.1%	1.3%	13.7%	0.0%	9.0%	2.6%	6.3%	7.7%	2.2%	0.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%		2.0%	4.0%	2.8%						
	3.9%	4.5%	8.6%	2.7%	6.3%	7.7%	2.2%	8.9%	4.0%	8.6%	2.7%	6.4%	1.9%	5.4%	21.3%	0.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%		2.0%	4.0%	2.8%						
2.0%	4.5%	6.9%	6.4%	1.9%	5.4%	21.3%	0.0%	5.2%	4.0%	6.9%	6.4%	1.9%	5.4%	21.3%	0.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	2.8%								
9.8%	2.6%	6.9%	2.7%	3.5%	5.4%	3.4%	5.1%	4.0%	6.9%	2.7%	3.5%	3.5%	5.4%	3.4%	5.1%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	2.8%									
0.0%	6.5%	1.7%	8.0%	1.8%	2.4%	2.2%	0.0%	6.9%	1.7%	8.0%	1.8%	2.4%	2.2%	0.0%	6.9%	2.0%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	5.2%	4.0%	6.9%	2.0%	4.0%	2.8%						
Management Development Institute of Singapore in Tashkent	2.9%	1.3%	3.4%	2.7%	4.2%	3.6%	1.1%	2.5%	2.0%	3.4%	2.7%	4.2%	4.2%	3.6%	1.1%	2.5%	2.0%	3.4%	2.7%	4.2%	3.6%	3.6%	1.1%	2.5%	2.0%	3.4%	2.7%	4.2%	3.6%	3.6%	1.1%	2.5%	2.0%	3.4%
Millat Umidi University	1.0%	1.9%	0.0%	2.1%	2.1%	4.8%	5.6%	8.9%	4.0%	0.0%	2.1%	2.1%	2.1%	4.8%	5.6%	8.9%	4.0%	0.0%	2.1%	2.1%	4.8%	4.8%	5.6%	8.9%	4.0%	0.0%	2.1%	2.1%	4.8%	4.8%	5.6%	8.9%	4.0%	0.0%
Central Asian University	2.0%	5.8%	6.9%	2.1%	1.6%	2.4%	2.2%	2.5%	2.8%	6.9%	2.1%	1.6%	1.6%	2.4%	2.2%	2.5%	2.8%	6.9%	2.1%	1.6%	2.4%	2.4%	2.2%	2.5%	2.8%	6.9%	2.1%	1.6%	2.4%	2.4%	2.2%	2.5%	2.8%	6.9%

2.4.2. Ишга жойлашиш бўйича режалар




57-расм. Ўқиш даврида ишга жойлашишни кўзда тутяпсизми?

Сўровнома натижалари абитуриентлар орасида ўқиш даврида ишга жойлашиш хусусида турли нуқтаи назарлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Каттагина қисм, 53,0 %, ўқиш даврида ишлашни ихтиёр қилган, бу эса ҳам моддий эҳтиёжни, ҳам академик билим олиш билан бирга амалий тажриба ўташ истагида бўлган талабаларнинг фикрларини билдириши мумкин. Бу гуруҳ, эҳтимол, иш ва ўқиш ўртасидаги мувозанатни битиргандан кейин яхши иш ўрнига эга бўлишда муҳим қадам деб ҳисобласа керак.

Бошқа томондан, 9,9 % респондентлар ўқиш даврида ишлашни режалаштирмаганини маълум қилди, балки академик муваффақиятга аҳамият бергани учун ёки бошқа манбалардан молиявий дастакка умид қилган бўлиши мумкин.

Бироқ 37,0 % абитуриент бу масалани ўйлаб кўрмагани муайян даражада қарорсизликни ҳамда академик ва касб вазифалари ўртасидаги мувозанат талабларига тайёр эмасликларини кўрсатмоқда. Бу ҳолат университетлар томонидан талабаларга иш ва ўқиш ўртасида мувозанатни бошқариш, ишга жойлашиш имкониятлари ёки чет элга стажировкага бориш кабилар ҳақида кўпроқ маълумот бериш лозимлигини кўрсатяпти.




58-расм. Ўқиш даврида ишга жойлашишни кўзда тутяпсизми? (Гендер тақсимоти)

Абитуриентларнинг ўқиш даврида ишлаш режаси хусусидаги маълумотлар ўғил болалар ва қизлар ўртасида мувозанат борлигини кўрсатмоқда. Респондентлар орасида 52,8 % ўғил болалар ва 53,3 % қизлар университетдаги ўқиш давомида ишлаш режаси

борлигини айтган. Бу эса аёл ва эркак жинсига мансуб кўплаб абитуриентлар академик вазифалар билан иш фаолиятини ҳам биргаликда олиб бориш ниятига эга эканини кўрсатмоқда. Бу балки юқорида айтилгани каби молиявий эҳтиёж ёки касбий тажрибани қўлга киритиш эҳтимолидандир.


Бошқа томондан, 10,7 % ўғил болалар ва 8,4 % қизлар ўқиш даврида ишлаш режаси йўқлигини маълум қилган. Бу кичик гуруҳ, эҳтимол, фақат академик ҳаётга диққат қаратишни хоҳлар ёки ишлашга эҳтиёжи бўлмаслиги мумкин. Шунини қайд этиш керакки, респондентларнинг аҳамиятли қисми, 36,4 % ўғил болалар ва 38,3 % қизлар ўқиш даврида ишлаш ҳақида ўйлаб кўрмаганини айтган, бу эса абитуриентлар академик билим олиш ва ишлаш ўртасида мувозанат сақлаш мумкинлигига ишонишмайди ёки ижтимоий агентлар томонидан бу борада кейинги кўрсатмаларни кутишаётганини кўрсатмоқда.



59-расм. Ўқиш даврида ишга жойлашишни кўзда тутяпсизми?
(Дастурлар бўйича тақсимот)

Маълумотлар турли академик дастурлар доирасида ўқиш даврида ишлаш режаси бўйича турлича нуқтаи назар борлигини кўрсатмоқда. “Киберхавфсизлик” (61,3 %), “Дастурлаш муҳандислиги” (57,2 %), “Педагогика (STEMда)” (55,3 %) йўналишидаги кўпгина абитуриентлар ўқиш даврида ишлашга мойил, балки бу амалий тажрибага бўлган юқори талаб ёхуд бу соҳадаги молиявий дастакка муҳтожлиги туфайли бўлиши

мумкин. Аксинча, “Механика муҳандислиги” (46,3%) ва “Саноат менежменти” (49,6 %) йўналишидаги абитуриентлар ўқиш даврида ишлаш режасини камроқ кўрсатдилар, бу эса ушбу дастурларнинг мураккаблиги ёки бу соҳаларда ярим бандликнинг имконсиз эканини ўзида акс эттирмоқда. Бир қанча йўналишлардаги кўпгина абитуриентлар, айниқса, “Амалий математика” (40,4 %) ва “Сунъий интеллект ва робототехника” (40,3 %) йўналишдагилар ўқиш даврида ишлаш ҳақида ўйлаб кўрмаганларини маълум қилганлар, бу эса режаларидаги ноаниқлик ёхуд ишга жойлашиш олдидан академик тайёргарлик кераклигидан далолат бериши мумкин. Маълумотлар шуни кўрсатмоқда: барча йўналишлар бўйича бир қисм абитуриентлар ишлашни хоҳламаяптилар, рақамлар “Механика муҳандислиги”да 4,9 % дан “Киберхавфсизлик”даги 11,6 % гача бормоқда, бу эса кўпгина абитуриентларнинг ишлашни режалаштирмаганини ёхуд ҳали аниқ бир қарорга келмаганликларидан дарак беради.




60-расм. Ўқиш даврида ишга жойлашишни кўзда тутяпсизми? Худудий тақсимот

Ушбу жадвал абитуриентларнинг ўқиш давомида ишлаш режалари бўйича ҳудудий тақсимланиш асосида тузилган. Натижалар ҳудудлар орасида сезиларли фарқ борлигини кўрсатмоқда. Масалан, Андижон вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган абитуриентларнинг 63,3 % ва 62,5 %и ўқиш давомида ишлаш нияти бор эканини кўрсатмоқда. Шунингдек, Сирдарё (66,7 %) ва Сурхондарё вилоятларидан (66,7 %) келган абитуриентлар ишлашни режалаштирмаганлар орасида юқори фоизга эга.

Шуниси эътиборга лойиқки, ҳали иш ҳақида ўйламаган абитуриентларнинг фоизи ҳам жуда катта фарқ қилади. Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари каби баъзи ҳудудларда қарор қабул қилмаганлар сони юқори, бу эса муайян ҳудудлардан келган респондентлар ё ишлашни режалаштирмаганлар ёки ўқиш даврида ишлаш имкониятига эга эмаслар. Ушбу ҳудудий тафовутлар турли иқтисодий шарт-шароит, иш имкониятлари ёки иш ва ўқишни баравар олиб бориш хусусидаги маданий қарашларни ўзида акс эттиради.

2.4.3. Университетни битиргандан кейинги режалар



61-расм. Ўқишни битиргандан кейинги абитуриентлар мақсади бўйича тақсимот

61-расмда абитуриентларнинг битирувдан кейин яхши иш ўрнига эга бўлишга интилишлари ва режалари ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Респондентларнинг энг катта гуруҳи (27,3 %) давлат корхоналарида ишлаш истагини билдирган, бу эса барқарор меҳнат бозори ёки давлат хизматига кириш бўйича анъанавий истакларни ўзида акс эттирмоқда. Магистратурага ўқишга кириш ёки ўқишни давом эттириш истагида бўлганлар бироз камроқ – 25,5 % ни ташкил этган, бу эса улардаги академик ўсишни ва мутахассис бўлиб етишиш истагининг кучли эканини кўрсатмоқда. Шунингдек, респондентларнинг 15 %и чет элда ишлаш ёки ўқиш умидида, бу эса респондентлар учун халқаро тажрибага эга бўлиш асосий омил эканини англатмоқда.

Яна респондентларнинг 12,9 %и шахсий бизнесини очиш ниятига эга, бу эса тадбиркорлик мақсади борлигини кўрсатмоқда. Буларнинг ичида 6,6 % эса тижорат компанияларида ишлаш ниятида эканини билдирган. Абитуриентларнинг 6 %и ҳали келажак билан боғлиқ аниқ режалар тузмаган, бу ҳолат ҳали касбий йўналиш устида ишлаш кераклигини кўрсатади. Ўқитувчилик ва илмий тадқиқотчиликка нисбатан қизиқишнинг пастлиги (2,4 % ва 3,5 %) бу йўллар қийин эканини кўрсатса ҳам респондентлар учун аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Бундай тақсимот мақсадлар кенглигини ва иш топиш ҳамда ривожланиш имкониятлари борасида маслаҳат кўмаги керак бўладиган соҳаларни белгилаб беради.


62-расмда абитуриентларнинг келажак режалари бўйича гендер тақсимооти кўрсатилган. Энг асосий маълумотлар қуйидагилар: қизлар (29,2 %) ўғил болаларга (26,4 %) нисбатан кўпроқ **давлат муассасаларида** ишлашни хоҳлашмоқда, бу эса аёлларнинг барқарор ва анъанавий ишларга қизиқишларини билдиради. Бироқ эркеклар (7,5 %) аёлларга қараганда (4,8 %) кўпроқ **тижорат ширкатларини** танламоқдалар.

Таълимни давом эттириш (магистратура, иккинчи олий таълим) эркекларга (22,2 %) қараганда аёллар (32,2 %) учун кўпроқ муҳим. Бу кўрсаткич аёлларнинг ака-

демик билим олишга нисбатан истаклари катта эканини кўрсатади. Шу билан бирга, эркаклар **ўз бизнесини** (15,4 %) аёлларга нисбатан (8,0 %) очиш фикрида бўлмоқда, бундан эркаклар ўртасида тадбиркорликка нисбатан қизиқишнинг устун эканини кўришимиз мумкин.

Ўқитувчилик фаолиятига нисбатан қизиқиш аёлларда баланд (4,5 %), эркакларда (1,4 %) эса нисбатан пастлиги ўқитувчилик касбига нисбатан анъанавий гендер муносабатини ўзида акс эттираётган бўлиши мумкинлигини англаймиз. Яна эркаклар (15,7 %) аёлларга қараганда (13,6 %) кўпроқ **чет элга бориб ишлаш ёки ўқиш** истагидалар.

Шуни қайд этиш керакки, ўғил болалар кўпинча (7,2 %) **келажак борасида аниқ режага эга эмаслар** [аёлларда бу кўрсаткич (3,6 %)], бу эса эркакларда карьера борасидаги мақсадларда ноаниқлик мавжудлигини кўрсатмоқда.



62-расм. Абитуриентларнинг ўқишни битирганидан кейинги мақсадлари борасида гендер тақсимоти

63-расмда абитуриентларнинг танлаган йўналишларга қараб келажакдаги режалари кўрсатиб ўтилган. “Саноат менежменти”даги респондентлар (37,0 %) **давлат муассасаларида ишлашга** кўпроқ хоҳиш билдирганлар, улардан кейин “Педагогика (STEMда)” (35,3 %) ва “Киберхавфсизлик” (30,6 %) келмоқда. Бу эса ушбу соҳаларга ҳужжат топширган абитуриентлар барқарор ва анъанавий иш ўринларига эга бўлиш истагида эканликларини кўрсатади.

Кўпгина йўналиш абитуриентлари **ўқишни давом эттиришга** қизиқмоқдалар, айниқса, “Амалий математика” (30,3 %), “Сунъий интеллект ва робототехника” (29,0 %), “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (28,4 %) йўналишлари. Бу эса олий таълимдан кейин яна ихтисосликни чуқур ўзлаштириш ёки яхши иш ўрнига эга бўлишга кучли мойилликни кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, “Саноат менежменти” (17,8 %), “Дастурлаш муҳандислиги” (16,3 %), “Сунъий интеллект ва робототехника” (14,5 %) соҳаларидаги респондентлар кўпроқ **тадбиркорликка** майл кўрсатмоқдалар. Бу технологик йўналтирилган соҳаларда инновациялар ва бизнесни яратишнинг жозибадорлигини кўрсатиши мумкин. Бу эса ушбу


техникага йўналтирилган соҳада инновация ва бизнес яратиш ғояларининг кундан-кун ривожланаётганидан дарак беради.

Педагогика факультети абитуриентлари **ўқитувчилик** (17,6 %) касбига мойилдирлар, бу эса соҳаларининг характериға мос келади, улардан кейин эса “Амалий математика” (17,6 %), “Кимё муҳандислиги ва материалшунослик” (4,5 %) ўрин олган.

Шу билан бирға, “Дастурлаш муҳандислиги” (21,2 %) ва “Механика муҳандислиги” (19,5 %) йўналишларидаги абитуриентларнинг кўпчилиги **чет элда ишлаш ёки ўқиш** талабида, бу эса ушбу соҳалардаги глобал нуқтаи назарни англатмоқда.


Баъзи абитуриентлар, айниқса, “Механик муҳандислик” (8,5 %) ва “Иқтисодиёт ва маълумотларни таҳлил қилиш” (7,0 %) соҳаларидаги абитуриентлар келажаклари ҳақида аниқ қарорға эға эмаслар, бу эса ушбу гуруҳлар билан касбға йўналтириш борасида иш олиб боришға тўғри келишини кўрсатади.

Шундай қилиб, абитуриентлар орасида кўпгина йўналишлар, айниқса, педагогика, саноат менежменти ва киберхавфсизлик бўйича давлат муассасаларида ишлаш истагини билдирганлар. Тадбиркорлик қилиш истаги дастурлаш муҳандислиги ва сунъий интеллект йўналишларида кучли, шу билан бирға, муҳандислик соҳасидагилар чет элга чиқишға мойил. Бироқ баъзи абитуриентлар келажакдаги режалари бўйича ҳали ҳам аниқ қарорға эға эмаслар, бу эса иш ўринлари ҳамда режалаштириш бўйича самарали маслаҳат ва таклифлар кераклигини англатмоқда.



63-расм. Ўқини битиргандан сўнг абитуриентларнинг мақсадлари бўйича тақсимот (ўқув дастурлари бўйича)

2.4.4. Таклиф ва мулоҳазалар



64-расм. Абитуриентлар таклиф ва мулоҳазаларининг умумлаштирилган рўйхати¹⁷

¹⁷ Абитуриентлар таклиф ва мулоҳазаларининг тўла рўйхати 5-иловада келтирилган.

Абитуриентлар томонидан берилган таклиф ва мулоҳазалар уларнинг университет-да ўқиш борасидаги умид ҳамда ташвишлари тўғрисида бир қатор маълумотларни тақдим этади. Шуниси эътиборга лойиқки, респондентларнинг деярли тўртдан бир қисми (23,9%) **ҳеч қандай таклиф бермаган**, бу эса бундай таклифларнинг мавжуд эмаслиги ёки нимани яхшилашни билмаслигини кўрсатади. Бу, шунингдек, таклифлар жараёнига аралашмасликни ёки мавжуд тизимдан қониқиш маъносини ҳам англатади. Респондентларнинг катта қисми (15,2%) “Янги Ўзбекистон” университетининг маҳаллий таълим тизими ва жаҳон миқёсидаги ўрни ҳамда ролини юқори баҳолаб, **университет жараёнлари ва ташаббусига эътибор қаратгани** бунинг исботи бўлиши мумкин.

Маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, университет ва унинг талабаларига қаратилган **истак ҳамда умидлар** (11,9 %), молиявий ва қабул жараёнлари бўйича турли тавсиялар (мос равишда 6,0 % ва 6,9 %) билан боғлиқ. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, абитуриентларни нафақат университетнинг молиявий сиёсати, балки қабул жараёнининг кенгроқ бўлиши ва университетга кирганларидан кейин оладиган академик билимлари ҳам ташвишга солмоқда. Талабаликка номзодлар қабул жараёнининг яна ҳам шаффофроқ ва адолатли бўлиши ҳақида қатъий истаклар билдирдилар. Бундан ташқари, халқаро фаолиятни ривожлантириш бўйича таклифлар (5,0 %) талабалар ўртасидаги глобал ҳамкорликнинг тобора ортиб бораётган аҳамиятини таъкидлайди.

Бошқа диққатга сазовор нуқталарга академик дастурлар ва таълим сифати, хусусан, янги курслар ва дастурларни ишлаб чиқиш (5,9 %) ва ўқув жараёнини такомиллаштириш (3,6 %) билан боғлиқ тавсиялар киради. Таълим сифатини оширишга эътибор абитуриентларнинг университетдан академик мавқе ва ўқиш имкониятлари борасида катта умидлари борлигини кўрсатмоқда. Моддий-техник ресурслар (1,8 %) ва муҳит бўйича тавсияларнинг мавжудлиги абитуриентларнинг инфратузилма ва технологик ютуқларга интилишини кўрсатмоқда. Умуман олганда, ушбу натижалар абитуриентларнинг амалий жиҳатдан яхшилаш ва узоқ муддатли ўсиш ўртасидаги мувозанатни ўзида акс эттирувчи турли хил нуқтаи назар ва ёндашувларини атрофлича кўрсатиб ўтади.

Хотима

Шундай қилиб, абитуриентлар ўртасидаги сўровнома натижалари таҳлили “Янги Ўзбекистон” университетига ҳужжат топширган талабгорларнинг тажриба ва истиқболдаги режалари ҳақида атрофлича тушунча берди. Демографик кўрсаткичлар, жумладан, ёши, жинси ва қайси ҳудудга мансублиги, таҳсил олган мактаби тури батафсил ўрганилгандан кейин маълум академик йўналишларда гендер номутаносиблиги борлиги ҳамда абитуриентларнинг катта қисми 17–18 ёш атрофида экани маълум бўлмоқда. Бундай ҳулосалар STEM соҳасида гендер мувозанатини сақлаш ва турли ҳудудлардан турлича таълим олган талабаларни университетга жалб қилишда инклюзив йўлларни қўллаш борасида ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатяпти. Бундан ташқари, ушбу бобда кўрсатилишича, кўпгина абитуриентлар кучли академик салоҳиятга эга ва кўплари халқаро сертификатлар соҳиби бўлиб, олий таълимга буткул тайёр эканликларини намоён қилади.

Яна бўлимда абитуриентларнинг имтиҳонларга тайёрланиш усуллари ва университетни танлаш сабаблари ҳам кўриб чиқилиб, уларнинг умидлари ва қарашлари манзараси аниқ-тиниқ чизиб берилди. Маълумотлар уларнинг мустақил билим олишга мойиллигини, бир қисми эса тайёрлов курслари ва репетиторга бориш орқали дастак олаётганини ҳам кўрсатмоқда. Бу абитуриентларнинг академик билим олиш йўлида муваффақият қозонишда қатъиятли эканини намоён қилмоқда. “Янги Ўзбекистон” университетини танлаш сабаблари, биринчи навбатда, университетнинг академик мавқеи ва тадқиқотчилик имкониятларига боғлиқ. Шуни қайд этиш лозимки, шахсий маслаҳатлар ва дастурлар сифати ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса университетнинг академик мавқеи юқорилигининг асосий сабаби эканини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, талабаларни қўллаб-қувватлаш ва қабул жараёнини яхшилаш керак бўлган имкониятлар ҳам бор.

Хотимада шуни қайд этиш керакки, абитуриентларнинг келажак, ҳам ўқиш даври, ҳам битиргандан кейинги давр бўйича режалари яхши иш ўрнига эга бўлиш ва университетдан кутадиган умидларига йўналтирилган. Гарчи кўп абитуриентлар ўқиш даврида ишлаш истагида бўлсалар ҳам, таълимни давом эттириш ҳамда давлат муассасаларида хизмат қилиш каби истаклар ҳам оз эмас. Абитуриентлар томонидан билдирилган мулоҳазалар, жумладан, таълим жараёни ва инфратузилмани яхшилаш борасидаги таклифлар ҳам, академик ва касбий истиқболларининг шаклланишида университетнинг роли бўйича натижаларни ўзида акс эттиради. Умуман олганда, ушбу бобдан келиб чиққан ҳулосалар университетнинг халқаро талабларга жавоб берадиган таълим муассасаси сифатида ўрнини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак бўлган соҳаларни белгилаб, унинг стратегик режалари учун жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Таклиф ва кўрсатмалар

1. Бошқа ҳудудлардан келадиган абитуриентлар учун қўллаб-қувватловчи инфратузилмани ривожлантириш

Сўровнома натижалари абитуриентлар кўрсатмасига биноан ҳудудий тафовутларни аниқлади, бунда энг кўп ҳужжат топширганлар Тошкент шаҳри ва унга ёндош жойлардан экани маълум бўлмоқда. Бу эса узоқ ҳудуддаги абитуриентлар учун инфратузилмани ривожлантириш кераклигини кўрсатмоқда.

Муаммонинг ечими: университет абитуриентларни жалб қилиш бўйича ҳудудларнинг ўзида тадбирлар, масалан, таълим ярмаркалари ва очиқ эшиклар кунини ташкил этиши керак. Бундан ташқари, масофали таълим олиш, масофали тайёрлов ҳамда ҳужжат топшириш тизимини такомиллаштириш ҳам мумкин.

2. Университетнинг афзалликлари хусусида ахборот компаниясини кенгайтириш

Сўровнома шуни кўрсатадики, дўстлар ва қариндошлардан олинган маслаҳат, абитуриентлар қарорида аҳамиятли ўринга эга. Бунда университет хусусидаги расмий манбалар барча талабаларни қамраб олишга қодир эмас.

Муаммонинг ечими: ижтимоий тармоқларда мақбул абитуриентларга фаол алоқаларни таклиф қилган ҳолда ахборот компаниясини кенгайтириш. Талабалар ва битирувчилар қозонган муваффақиятлар хусусида ҳақиқий воқеаларни ҳикоя қилувчи ҳамда замонавий таълим имкониятларини кўрсатувчи контентлардан кўпроқ қўшиш лозим. Бу университетга нисбатан ишончнинг ортиши ҳамда яна ҳам кенг аудиторияни қамраб олиш имкониятини беради.

3. Талабалар учун қулай чет эл стажировкасини ташкил этиш

53 % абитуриентлар ўқиш даврида ишлашни мўлжаллайдилар, бу эса талабаларни қисман банд қилиш ва таркибли тизим яратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Муаммонинг ечими: университет компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, талабаларга ўқув жадвали ва академик юкламаларни ҳисобга оладиган қулай тажриба алмашиш йўллариини таклиф қилиши лозим. Бундан ташқари, маҳаллий ва халқаро иш берувчилар иштирокида талабалар учун иш ўринлари ярмаркалари ҳам ташкил этиш мумкин.

4. Кенгайтирилган ўқув курслари ёрдамида кириш имтиҳонларига тайёргарликни яхшилаш

Натижалар шуни кўрсатадики, кўпгина абитуриентлар имтиҳонларга мустақил ёки репетитор билан тайёрланишган, фақатгина кичик бир қисм онлайн курслардан ва “Янги Ўзбекистон” университетининг тайёрлов дастурларидан фойдаланишган.

Муаммонинг ечими: университет ўз тайёрлов курслари тизими ва онлайн ресурсларни кучайтириши лозим. Интерфаол платформа ва имтиҳон саволлари моделлари киритилган тренинглар қизиқишни ошириши ва абитуриентларга кириш синовларига яхшироқ тайёрланишга ёрдам беради.

5. Ўқув жараёнидан қониқиш даражасини ошириш

Кўпгина абитуриентлар университетдаги таълим сифатини юқори баҳоладилар, бироқ сифатга ишончсизлик билдирган бир қисм абитуриентлар ҳам бор.

Муаммонинг ечими: талабаларга реал вақт режимида ўқув жараёни тўғрисида таклиф ва шарҳлар бериш имконини берадиган фикр-мулоҳаза тизимини ишлаб чиқиш керак. Бу такомиллаштириш керак бўлган соҳаларни аниқлашга ёрдам беради ва талабаларнинг юқори даражада қониқиш ҳолатини ушлаб туриб, талабалар эҳтиёжларига зудлик билан жавоб бериш имконини беради.

6. Имтиҳон жараёнини оптималлаштириш ва абитуриентлар учун шарт-шароитларни яхшилаш

Сўров имтиҳон жараёни сифатига ижобий баҳо берганларини кўрсатди, шунингдек, ичимлик суви, совиткичларнинг ишлаши ва имтиҳон жойларининг умумий қулайлиги каби яхшиланиши керак бўлган бир неча нуқталарни ҳам аниқлади.

Муаммонинг ечими: университет имтиҳон жойлари инфратузилмасини яхшилаши, абитуриентларга имтиҳон топшириш учун қулайроқ шароитларни яратиши керак. Бу ҳолатларга асосий қулайликлардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш ва абитуриентларнинг диққатини тўплашига ёрдамлашиш ҳамда асабийликни камайтириш кабилар ҳам киради.

III БОБ.

АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ОТА-ОНАСИ БИЛАН ИЖТИМОЙ СЎРОВНОМА ЎТКАЗИШ НАТИЖАСИ ТАҲЛИЛИ

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу тадқиқотда жами **1464 респондент** – 2024–2025 ўқув йилида “Янги Ўзбекистон” университетида кириш имтиҳонларида қатнашган абитуриентларнинг ота-оналари иштирок этди.


Респондентлар умумий демографик саволларга қўшимча равишда (жинси, ёши, минтақаси, фарзанди ўқиган мактаб тури) университетга кириш учун тайёргарлик жараёнига жалб қилиш даражаси; университетга ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги қарорнинг ўзига хос хусусиятлари; университетни танлаш сабаблари; фарзандлари ўқиш давомида дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни баҳолаш; қабул қилинган тақдирда фарзандларининг тураржойи билан боғлиқ режалари; фарзанди таълимини молиялаштириш имкониятлари; қабул комиссияси фаолиятини баҳолаш билан боғлиқ турли саволларга жавоб беришди, шунингдек, ушбу соҳаларни янада такомиллаштириш бўйича бошқа ғоя ва таклифлар беришди. Респондентларнинг жавоблари қуйида батафсил талқин қилинган.

3.1 Умумий демографик параметрлар

Респондентларнинг асосий параметрларини ўрганиш замонавий жамиятнинг турли масалалари ва муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини таҳлил қилишда муҳим роль ўйнайди. Шундай қилиб, ушбу тадқиқотга бир нечта демографик тоифалар киритилди, бу бизга тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ турли тамойиллар ҳамда қонуниятларни аниқлашга имкон берди.

3.1.1 Гендер нисбатини баҳолаш


Шуни таъкидлаш керакки, ушбу сўровномада қизлар ўғил болаларга нисбатан анча фаол бўлдилар: респондентларнинг **55,7 %и қизлар ва 44,2 %и ўғил болалардан иборат.**



65-расм. Респондентлар ўртасида гендер тақсимот (ота-оналар)

3.1.2. Респондентларнинг ёш гуруҳлари

Ота-оналарнинг ёш гуруҳларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, респондентларнинг аксарияти 40–50 ёш гуруҳида (66,8 %) тўпланган, нисбатан ёшроқ ота-оналар (30 ёшгача 1,6 %) ва катта ёшдаги ота-оналар (60 ёшдан катталар 0,5 %) гуруҳи эса камроқ кўрсаткичга эга, бу эса сўровномада ўрта ёшдаги қатнашувчиларнинг сони кўп эканлигини англатмоқда.



66-расм. Ота-оналарнинг ёш хусусиятлари


Респондентларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимооти **66,8 % респондентлар 40–50 ёш ораси бўлиб, 55,7 % аёллардан** иборат эканини кўрсатмоқда, бу эса сўровнома натижалари ўрта ёшдаги оналар томонидан шакллантирилганини англатади. Ушбу демографик гуруҳ кўпинча ўз фарзандларининг таълимида фаол иштирок этади, шунингдек, университетга кириш учун тайёргарлик жараёнида ҳам юқори даражадаги иштирокини акс эттирмоқда. Уларнинг жавоблари **мансаб-мартаба, келажак истиқболи ва молиявий барқарорлик** каби омилларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда **университет танлашда стратегик қарор қабул қилишнинг муҳимлигини** таъкидлайди.

Ёш ота-оналарнинг (30 ёшгача – 1,6 %) ва ёши катта ота-оналарнинг (60 ёшдан катта – 0,5 %) паст кўрсаткичга эга бўлиши шуни кўрсатадики, натижалар ушбу ёш гуруҳларининг умид-мақсадлари тўлиқ акс эттирмаганлик эҳтимоли мавжуд, чунки уларда ҳар хил мақсадлар мавжуд ёки фарзандларининг университетдаги ҳаётига фаол қатнашмаган бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, аёл-респондентлар кўплиги гендер бўлиниш натижаларга таъсир қилиши мумкин, чунки оналар фарзандларининг таълим олишида оталардан кўра бошқача ёндашадилар, улар ҳиссий қўллаб-қувватлаш ва хавфсизликка катта эътибор беришлари маълум.

Умуман олганда, сўровномада ўрта ёшдаги оналарнинг кўпроқ иштирок этиши университетга киришда уларнинг муҳим роль ўйнашини кўрсатади, чунки улар муайян муаммоларнинг ечимида, тураржой ва таълимга пул бериш масалаларида амалий ёрдам бермоқдалар. Кириш имтиҳонларини баҳолаш ва яхшилаш борасидаги таклифлари, эҳтимол ўз ҳаётий тажрибаларига суянганлари ва фарзандлари таълимида фаол иштирок этишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3.1.3. Ҳудудга мансублик

Респондентларнинг қайси ҳудудга мансублиги таҳлили шуни кўрсатадики, ОТМга киришда **Тошкент шаҳри, Фарғона ҳамда Хоразм вилоятларидан** келадиганлар сони кўпроқ, узоқроқ ва аҳоли камроқ яшайдиган жойлардан келадиганлар сони эса нисбатан кам.



67-расм. Ота-оналарнинг ҳудудий тақсимоли

Сўровнома натижалари университетга киришда ота-оналар иштирокининг сезиларли даражада ҳудудий нисбати борлигини кўрсатмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри **18,0 %** респондент билан қатнашувчилар орасида етакчи бўлмоқда, эҳтимол, пойтахтлик мавқеи ва **таълим ресурслари ва маълумотларига етишиш осонлиги** сабабли бўлса керак. Бундай юқори қатнашувчилар кўрсаткичи пойтахтдаги ота-оналар **қўллаб-қувватлаш хизмати ҳамда таълим муассасаларининг зич жойлашгани учун** таълим жараёнига кўпроқ жалб қилинганлиги сабабли бўлиши мумкин.

Фарғона (10,3 %) ва Хоразм (9,5 %) вилоятларидан келган респондентларнинг кўплиги ушбу ҳудудларда ўқишга қизиқишнинг устунлигини кўрсатмоқда. Бу эса фуқароларнинг таълим масалаларига фаол қатнашиши ёки аҳолисининг зичлиги сабабли бўлиши мумкин.

Тошкент (8,9 %), Андижон (7,6 %) ва Самарқанд вилоятлари (6,1 %), мўтадил қатнашувчилар сонини кўрсатмоқда, бу эса ота-оналарнинг ОТМга кириш ҳолатига мувозанатли қатнашувини белгиламоқда. Ушбу тамойил бу ҳудудларда таълим ресурсларининг даражаси ва маҳаллий аҳолининг фаоллиги билан изоҳланади.

Наманган ва Навоий вилоятларининг иккаласида ҳам 6,0 % кўрсаткич бўлиб, марказий ва аҳоли зич ҳудудларга таққослаганда паст кўрсаткичда бўлса ҳам доимий фаоллик борлигини кўрсатади.

Бухоро вилояти (5,6 %) ва Қорақалпоғистон Республикаси (5,2 %) ҳам, гарчи уларнинг кўрсаткичи етакчи ҳудудлардан паст бўлса ҳам, ушбу ҳудудлардаги ота-оналар таълим жараёнида фаол ва аҳамиятли иштирок этаётганликларини кўрсатмоқда.

Қашқадарё (4,8 %) ва Сурхондарё (4,6 %) вилоятларининг камроқ иштирок этиши ушбу ҳудудларда ўқишга жалб қилиш камайганини ёки ота-оналарнинг университетга кириш жараёнига жуда фаол қатнашмаслиги сабабли бўлиши мумкин.


Жиззах (4,4 %) ва Сирдарё (2,9 %) вилоятлари энг кам иштирок этмоқда. Бундай паст даражадаги фаоллик таълим маълумотлари ёки ресурсларга етишиш қийинлиги

сабабли бўлиши мумкин, бу эса ота-оналарнинг университетга кириш жараёнида иштирок этишига ўз таъсирини кўрсатади.

Умуман олганда, маълумотлар шаҳар ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар университетга киришда юқори фаоллик кўрсатишига оид қонуният борлигини кўрсатади, узоқ жойлашган ёки аҳолиси камроқ ҳудудлар пастроқ қатнашган, бу эса таълим маълумотлари ва ресурсларига етишишда ҳудудий тафовутлар борлигини англатади.

3.1.4. Абитуриентлар ўқиган мактаб тури

Ота-она респондентлар фарзандлари ўқиган мактаб турлари “Янги Ўзбекистон” университети талабаларининг академик тажрибаси хусусида муҳим маълумотлар беради.



68-расм. Абитуриентлар ўқиган мактаб турларининг тақсимооти

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослашган ёки ижодий мактаблари (37,7 %): абитуриентларнинг каттагина қисми Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослашган ёки ижодий мактаблардан келишмоқда. Бундай юқори фоиз талабаларнинг катта қисми фан ва технология ҳамда санъат соҳаларида мақсадли ва чуқур таълим олишган. Ушбу абитуриентлар тор соҳаларда яхши тайёрланиб, ўз олдига мақсадларни қўйиб бўлган, шунинг учун университетда муваффақият қозониши эҳтимоли юқори. Шунингдек, бу юқори кўрсаткич ушбу мактаб битирувчиларига бериладиган имтиёзлар тизими билан ҳам изоҳланиши мумкин.

Давлат мактаблари (35,0 %) абитуриентларнинг катта қисмини ифодаловчи иккинчи ўринда турибди. Бундай кўп сонли талабаларнинг анъанавий таълим муассасаларида ўқиши, абитуриентлар орасида турли ижтимоий мавқега эга бўлган одамлар борлиги акс эттиради. Гарчи ушбу талабалар стандарт таълим олган бўлсалар ҳам, университет ҳаётига турли янги ғоялар ва янги тажрибалар олиб киришлари мумкин. Бу қатлам бутун республика бўйича кўпчиликлари ташкил этади.

Президент мактаблари (9,9 %): ўзининг юқори халқаро академик стандартлари ва чертиб танлаши билан маълум. Бу мактаблардан келадиган талабалар жиддий тайёргарликка эга эканини тахмин қилиш мумкин. Берилган имтиёзлардан ташқари уларнинг ҳужжат топширганлар орасида борлиги, университет нуфузли ўқув муассасаларидан келганларни ҳам жалб этаётганидан дарак беради.

Академик лицейлар (8,6 %): илғор ва махсус академик таълимни илгари сурадиган академик лицейлар ҳам абитуриентларнинг анчагина қисмини ташкил этади. Бу гуруҳга кучли академик билимга ва турли фанлар бўйича мустақам базага эга бўлган талабалар киради, бу эса уларнинг олий таълимга нисбатан тайёргарлигини олдиндан оширади.

Хусусий мактаблар (6,8 %): хусусий мактаб вакилларида гарчи камчилик қатнашган бўлса ҳам, барибир аҳамиятли ўринга эга. Бу мактаблар кичик синфлар ва индивидуал диққат-эътиборни тақлиф қилишади, бу эса таълим тажрибаси ва талабалар натижасига таъсир қилиши тайин.

Касб-хунар коллежлари (1,9 %): касб-хунар коллежлари талабалари энг кам гуруҳни ташкил этади, бу ҳолат талабалар орасида камчилик қисм махсус касб-хунар таълими олганлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат амалий кўникмалар ва билимларнинг устуворлигини кўрсатиб, абитуриентлар орасида касбий ва техник тажриба соҳасида

ранг-баранглик қўшади ҳамда “Янги Ўзбекистон” университетидаги STEMга йўналтирилган дастурларига ҳам мос келади.

Умуман олганда, маълумотлар абитуриентлар орасида таълим диапазонининг кенглигини кўрсатади, уларнинг кўпгина қисми ихтисослаштирилган ва давлат мактабларидан келса, уларнинг ичида хусусий ва касб-хунар мактабларидан келадиганлари ҳам бор. Бу турли-туманлик келаётган талабаларнинг тажриба ва кўникмаларини бойитишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, ота-оналарнинг жинси, ёши, яшаш ҳудуди ва фарзандлари ўқиган мактаб турлари каби демографик параметрларни таҳлил қилиш, сўровнома иштирокчиларининг келиб чиқиши ва хилмахиллиги ҳақида муҳим маълумотларни очиб беради. Респондентларнинг аксарияти ўрта ёшдаги одамлар, асосан, оналар, кўпчилиги аҳоли зич жойлашган, хусусан, Тошкент ва бошқа ҳудудлардан келишган. Уларнинг фарзандлари турли хил таълим олишган, катта қисми ихтисослаштирилган ёки ижодий мактаблардан, сўнгра давлат мактабларидан, кичикроқ вакили эса Президент мактаблари ва академик лицейлар каби нуфузли муассасалардан келган.


Бундан ташқари, бундай таҳлил ота-оналарнинг қабул жараёни, таълим ва молиялаштириш билан боғлиқ кейинги аниқроқ ҳамда махсус жавобларини талқин қилиш учун зарур маъно-мазмунни ҳам беради.

3.2. Имтиҳонларга тайёргарлик ва таълим жараёни бўйича махсус саволлар таҳлили

Ушбу бўлим университетга ҳужжат топширишда ота-оналарнинг иштироки, қарор қабул қилиш механизми ва автоном сифатида ўзи қарор қабул қилиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кабиларнинг хусусиятларини очиб беради. Бундан ташқари, унда ота-оналарнинг нега “Янги Ўзбекистон” университетини танлаганлари асосий сабаблари ўрганиб чиқилади, уларнинг фикри асосида имтиҳон жараёнига баҳо берилади. Ушбу жиҳатлар ҳаммаси биргаликда ота-она нуқтаи назаридан университетга киришга таъсир қилувчи омилларни ҳар томонлама тушунилишини таъминлайди.

3.2.1 Ота-оналарнинг иштироки

Юқорида келтирилган маълумотлар турли ёшдаги ва турли ҳудудлардан келган ота-оналар ўз фарзандларининг таълимига бефарқ бўлмай, фаол қатнашаётганини кўрсатади. Фарзандларини университетга тайёрлашда ота-оналарнинг иштироки даражасини чуқурроқ тушуниш учун улардан фарзанди имтиҳонга қандай тайёргарлик кўргани хусусида батафсил жавоб бериш талаб қилинди.



69-расм. Абитуриентларнинг имтиҳонга тайёрланиши бўйича ота-оналар иштироки баҳоси

Натижалар шуни кўрсатадики, ота-оналарнинг аксарияти фарзандларини имтиҳонга тайёрлашда фаол иштирок этганлар. Шундай қилиб, респондентларнинг 58,4 %и тайёргарликда фаол иштирок этганликларини таъкидлайдилар, бу эса уларнинг ота-оналари томонидан қўллаб-қувватланганлигидан далолат беради. Шунингдек, университет таълимининг аҳамиятидан хабардорлиги, ота-оналарнинг ўз фарзандларини муваффақиятли имтиҳон топшириши учун зарур шарт-шароит билан таъминлашга тайёр эканликларини ҳам кўрсатиб ўтмоқда.

Ота-оналарнинг тахминан 31,9 %и абитуриентларнинг тайёргарлик кўришида қатнашган, бу эса уларнинг қисман қизиқиши ёки имконияти ва вақти йўқлигини кўрсатади. Ушбу ота-оналар тайёргарликнинг айрим жиҳатларида иштирок этган бўлишлари мумкин, лекин жараёнга тўла киришмаганлар, балки бошқа ишлари кўплиги ёки ахборотга етиша олмаганлари сабабли бўлиши мумкин.


Шу билан бирга, 9,6 % ота-оналар фарзандларининг имтиҳонга тайёрланиш жараёнида умуман иштирок этмаганликларини кўрсатмоқдалар. Бу нисбатан кичик қисм, лекин бу имконият ёки қизиқиш мавжуд эмаслигини кўрсатади, шу билан бирга қўл-

лаб-қувватлайдиган яна бошқа манбалар, масалан, мактаб ўқитувчилари, тайёрлов курсларига ишониш, ҳатто боланинг ўзига ишонишни ҳам англатиши мумкин.

Умуман олганда, ота-оналарнинг фаол иштироки уларнинг университетга киришида муҳим ўринга эга, шу билан бирга, кичик бир қисм чегараланган ёки кам иштирок этганини кўрсатмоқда. Бу маълумотлар ота-оналар қўллаб-қувватлашининг муҳимлигини, жараёнда иштирок этмаётган ота-оналарга қайси ўринда қўшимча бериш мумкинлигини кўрсатиб ўтади.

3.2.2. ОТМга ҳужжат топшириш қарорининг ўзига хос хусусияти

Университетга киришга қарор қилиш жараёнини ўрганиш, талабаларнинг таълими қандай олишга қарор қилганлари ва бу қарорга кимлар таъсир кўрсатганини билиш учун муҳимдир.



70-расм. ОТМга кириш қарорининг ўзига хослиги

Сўровнома натижасининг кўрсатишича, абитуриентларнинг каттагина қисми – 79,1 %, мустақил қарор қабул қилганлар, бу эса кандидатлар орасида мустақиллик ҳиссининг кучли эканидан далолат беради. Кўпгина абитуриентларнинг ўз кучига ишониши, ўз келажаги билан боғлиқ қарорни ташқи таъсирларсиз, мустақил ўзлари ҳал қилишларини кўрсатади.


Бироқ 10,6 % ота-она қарор қабул қилишда оила аъзолари катта роль ўйнаганини кўрсатиб, ушбу масалада оила институтининг муҳимлигини таъкидлашган. Бу эса гарчи ўқувчилар мустақил эканини намоён қилса-да, оила қадриятлари, орзу-умид ва маслаҳатлар олдингидек муайян оилаларда кучли эканини кўрсатмоқда, бу ҳам таълим соҳасидаги қарорларга оиланинг таъсирида кўринадиган ижтимоий-маданий меъёрларни белгилаб бермоқда.

Бундан ташқари, 9,4 % респондентлар ўқитувчилари томонидан маслаҳат берилганини кўрсатишган, бу эса қарор қабул қилишда педагоглар ишончли вакил сифатида намоён бўлишини аңлатмоқда. Кўпинча академик йўналтиришда кучли авторитет ҳисобланган ўқитувчилар қимматли маслаҳат ва ахборотларни беришлари мумкин, аynиқса, ўз имкониятларига ишончсиз қарайдиган талабалар бўлса.

Ва ниҳоят, кичик фоиздаги (0,8 %) ота-оналар бу қарорга ким таъсир кўрсатганини билдирмаганлар. Бу эса оила орасидаги мулоқот йўлга қўйилмаганини ёхуд қарор қабул қилиш жараёнига нисбатан ишончсизликни билдиради.

3.2.3 Ота-оналар иштироки ва абитуриентлар қарорини мувофиқлаштириш

Умуман олганда, натижалар шуни кўрсатмоқдаки, қарор қабул қилишда мустақиллик устун омили бўлса ҳам, абитуриентнинг шарт-шароитига қараб оила ва таълимнинг таъсири ўтмишдаги каби аҳамиятли ролга эга. Ушбу динамикани тушуниш университет томонидан тарғибот ҳамда қўллаб-қувватлаш хизматларини келажакдаги талабалар ва уларнинг оилалари эҳтиёжига мослаштирган ҳолда ташкил этишга ёрдам беради.



71-расм. Талабалар томонидан ОТМга кириш қарорининг қабул қилиниши ва ота-оналар иштироки ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Юқорида келтирилган қиёсий маълумотлар таҳлили ота-оналарнинг университет имтиҳонига тайёргарлик жараёнида иштирок этиши даражаси ва университетга ҳужжат топширишга қарор қилганлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганади. Бундай таҳлил муҳим, чунки у талабаларнинг мустақиллигини, ота-оналар қўллаб-қувватлашининг таъсирини ва маданий тамойилни очиб беради¹⁸. Бу қонуниятни ўрганиш “Янги Ўзбекистон” университетида самарадорликни ва стратегия инклюзивлигини таъминлаган ҳолда қўллаб-қувватлаш дастурларини мослаштиришга ёрдам беради.

Фаол иштирок этганлар:

80,49 % фаол иштирок этган ота-оналар ОТМга кириш учун фарзандлари мустақил қарор қабул қилганини кўрсатганлар.

10,05 % оила аъзолари томонидан маслаҳат берилганини кўрсатишган.

9,11 % устозлар маслаҳат берганини кўрсатишган.

0,4 % ота-оналар бу қарорга келишда ким таъсир кўрсатганини билишмаган.

¹⁸ Маданий динамика – қарорлар қабул қилинишига ва одамларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатларига таъсир қилувчи ижтимоий гуруҳлар ичидаги хатти-ҳаракатлар, эътиқодлар ва қадриятлар. Ота-оналарнинг иштироки ва қарор қабул қилиш шароитида бу маданий меъёрлар ота-оналар ва болаларнинг таълим танловидаги ролларини қандай шакллантиришини акс эттиради.

Баъзи ҳолатларда иштирок этиш:

76,92 % ота-оналар, вақт-вақти билан иштирок этишган ва фарзандлари мустақил қарор қабул қилганини кўрсатишган.

12,18 % оила таъсири борлигини кўрсатишган.

10,04 % устозлар маслаҳат берганини аниқлаган.

0,9 % жавоб беришда қийналишган.

Иштирок этмаганлар:

78,57 % ота-оналар, имтиҳонга тайёрланиш жараёнида иштирок этишмаган, фарзандлари мустақил қарор қабул қилганини кўрсатишган.

8,57 % оила таъсири бўлганини кўрсатишган.

9,29 % устозлар бу қарорга таъсир кўрсатишганини билдириб ўтишган.

3,6 % қарор қабул қилинганига ишончлари комил эмас.

Шундай қилиб, иштирок этишнинг икки муҳим кўрсаткичини ва қарор қабул қилишда кўрсатилган таъсирини мувофиқлаштириш қуйидаги асосий тамойилларни белгилаб берди:


Талабалар мустақиллигининг юқори даражаси. Ота-оналар иштирокининг барча даражаларида талабаларнинг аксарияти (тахминан 79 %) мустақил равишда университетга ҳужжат топширишга қарор қилишган. Бу эса таълим билан боғлиқ муҳим қарорларни қабул қилишда ота-онасидан мустақил равишда қарор қабул қилишганини кўрсатмоқда.

Оила ва устозлар таъсири. Камроқ қисмда оила аъзолари ёки устозлар таъсирида қарор қабул қилинган. Қизиғи шуки, устоз-мураббийлар таъсири ота-оналар қатнашувининг турли даражаларида нисбатан доимий бўлиб қолган.

Қарор қабул қилишда ноаниқлик. Қарор қабул қилишда ноаниқлик бўлган ота-оналар фоизи тайёргарлик жараёнида иштирок этмаганлардан кўра юқори бўлиб, жараёнда қатнашмаганлик фарзанд қароридан бехабар қолишга олиб келишини тахмин қилиш мумкин.

3.2.4. ОТМ танлови сабаблари

Кейин ота-оналардан фарзанди “Янги Ўзбекистон” университетида ўқишини исташининг сабаблари сўралди.




72-расм. Ота-оналарнинг фарзандини ўқиш истагининг сабаблари

Натижалар шуни кўрсатадики, ота-оналарнинг аксарияти (58,1 %) фарзандларининг “Янги Ўзбекистон” университетида ўқиш истагининг асосий сабаби таълим сифати эканини таъкидлашган. Бу эса **академик афзаллик** қарор қабул қилишда етакчи омил бўлганини кўрсатади. Бундан ташқари, 14,7 % ота-оналар фарзандларининг чет элга кетиши мумкинлигидан севинишган, бу эса глобал қадрият ва халқаро имкониятларга интилиш борлигини кўрсатмоқда. Худди шундай тарзда, 14,3 % ота-оналар давлат стипендияларининг мавжудлигини ёқлашган, бу эса молиявий масалалар баъзи оилалар учун муҳим роль ўйнашини кўрсатмоқда. Яхши иш ўрнига эга бўлиш истиқболи эса 6,9 % ота-онани қизиқтирмоқда, бу эса университет билан боғлиқ яхши иш топишнинг муҳимлигини билдирмоқда. Охири, кичикроқ фоиз (5,9 %) ота-оналар асосий тоифаларга кирмаган турли-туман шахсий ва ўзига хос сабабларни кўрсатганлар.

Шу билан бирга қиёсий таҳлил ота-оналарда фарзандлари “Янги Ўзбекистон” университетида ўқишининг сабаблари орасида турли ҳудудий тафовутлар борлигини билдирган (73-расм). Кўпгина ҳудудларда, айниқса, Сирдарё (73,8 %), Навоий (68,2 %) ва Андижон (69,6 %) вилоятларида сифатли таълим олиш асосий сабаб қилиб кўрсатилган. Фарғона (35,8 %) ва Сурхондарё (17,6 %) вилоятларида ҳам ота-оналарнинг катта қисми фарзандларининг чет элда ўқиш имконияти билан қизиқишган, бу халқаро таълимга ва, эҳтимол, чет элга кўчиб кетишга бўлган қизиқишни англатади.

Айрим ҳудудларда, Бухоро (22,0 %) ва Хоразм (19,4 %) вилоятларида давлат стипендияларининг мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу жойларда моддий рағбатлантириш муҳим эканини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бандлик истиқболлари ота-оналарнинг қарийб 9 %ига таъсир кўрсатадиган муҳим омил бўлмоқда.


Ушбу ҳудудий маълумотлар шуни кўрсатадики, таълим сифати умумбашарий сабаб бўлса-да, молиявий қўллаб-қувватлаш, чет элга чиқиш ва келажакда яхши ишга жойлашиш имкониятлари каби бошқа омиллар ҳудуддан ҳудудга қараб фарқ қилади, бу эса Ўзбекистондаги вилоятларнинг турли ижтимоий-иқтисодий даражаларини акс эттирмоқда.



73-расм. Университетни танлаш сабабларининг нисбати

3.2.5. Имтиҳон жараёнини баҳолаш

Қуйида ота-оналар фарзандларининг таълим олишига бўлган иштиёқининг ҳудудий таҳлилини ўрганиб чиқиб, уларнинг 2024–2025 ўқув йилида “Янги Ўзбекистон” университетидаги кириш имтиҳонларини ташкил этиш борасида берган баҳоларини кўриб чиқамиз.



74-расм. Кириш имтиҳонлари ва қабул комиссияси фаолиятига берилган баҳо

Натижалар ота-оналарнинг қабул комиссияси ва кириш имтиҳонларини ташкил этиш бўйича юқори ижобий баҳо берганларини кўрсатмоқда. Каттагина қисм – 68,0 % ташкилий фаолиятни “Жуда яхши”, яна 20,8 % “Яхши” баҳо берганлар. Иккаласи қўшилган ҳолда бу ижобий баҳо жавобларнинг деярли 89 %и ташкил этади, бундан ота-оналарнинг кўпчилик қисми жараёндан жуда қониққанлигини кўриш мумкин.


Фақатгина кичик фоиздаги ота-оналар салбий баҳо беришган: 1,0 % ташкилий фаолиятни “Жуда ёмон” ва 4,2 % “Ёмон” баҳо берганлар. Яна 5,9 % респондентлар имтиҳоннинг ташкил этилишини “Қониқарли” деб кўрсатганлар, бу эса яхшиланиши керак бўлган жиҳатлар борлигини кўрсатмоқда. Лекин умуман олганда маълумотлар имтиҳоннинг ўтказилиши ва ташкил этилиши ҳамда қабул комиссиясининг ишида кучли қўллаб-қувватлашни акс эттирмоқда.

Қуйида келтирилган гуруҳлаштирилган гистограммада (75-расм), “Янги Ўзбекистон” университетидаги кириш имтиҳонларининг ташкил этилиши билан боғлиқ ҳудудий тақсимот келтирилган. Барча вилоятларда кўпчилик имтиҳонларни “Жуда яхши” деб баҳолаган, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 45,7 % дан Самарқанд вилоятида 78,7 % гача бўлган. “Жуда яхши” баҳосини берган 75 % респондентлар Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келгани аён бўлмоқда. “Қониқарли” баҳони берганлар Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари бўлиб, уларда қониқишнинг паст даражалари кузатилган. Жуда кам қисм эса “ёмон” ва “жуда ёмон” баҳоларини беришди, бу эса ушбу соҳаларда яхшиланиши керак бўлган нуқталар борлигини аңлатмоқда. Умуман олганда, маълумотлар ота-оналар орасида ҳудудий тафовутларга қарамасдан ижобий баҳо борлигини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, ота-оналарнинг ўқув жараёни ва имтиҳонга тайёргарлик билан боғлиқ жавобларини таҳлил қилиш (иштирок этиш даражаси, университетга ҳужжат топшириш учун қарор қабул қилиш механизмлари, ота-оналарнинг иштироки ва талабаларнинг қарор қабул қилиш муносабатлари, университетни танлаш сабаблари ва

омиллари, шунингдек, имтиҳон фаолиятини баҳолаш ва имтиҳонларни ташкил этиш) университетга кириш жараёнида ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги муносабатлар динамикаси ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этди. Натижалар ота-оналарнинг фаол иштироки ва болаларнинг мустақил қарор қабул қилиши ўртасида кучли боғлиқлик билан ота-оналарнинг турли даражадаги иштирокини намойиш этади.

Ота-оналарнинг “Янги Ўзбекистон” университетини танлашининг сабаби, биринчи навбатда, таълим сифати билан боғлиқ, шунингдек, уларнинг катта қисми эса давлат стипендияларини олиш имкониятлари ва келгусида яхши ишга жойлашиш истиқболини ҳам назарда тутмоқда.




75-расм. Ҳудудлар кесимида қабул комиссияси ва кириш имтиҳонларининг баҳоси

3.3. Ота-оналарнинг умидлари ва режалари билан боғлиқ махсус саволлар таҳлили

Ушбу бўлимда ота-оналарнинг фарзандлари “Янги Ўзбекистон” университетида ўқиш пайтида дуч келиши мумкин бўлган академик ва ижтимоий муаммолар, ўқиш-ни молиялаштириш стратегияси, шунингдек, тураржой билан боғлиқ ҳолат ва режалари ҳақидаги фикрлари танқидий ўрганилади. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш, талабалар тайёргарлиги ва уларда келажақда университет тажрибасини шакллантирадиган ижтимоий-иқтисодий омиллар тўғрисида муҳим маълумотларни беради.

3.3.1. Қийинчиликларни баҳолаш



76-расм. Фарзандлари дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларга ота-оналар берган баҳо


Натижалар шуни кўрсатадики, “Янги Ўзбекистон” университетида ўқиш давомида фарзандлари дуч келиши мумкин бўлган муайян қийинчиликлар борасида ота-оналар учун асосий муаммо – молиявий қийинчиликлар бўлиб, 57,3 % респондентлар бу масалани асосий қийинчилик сифатида кўрсатиб ўтганлар.

Жисмоний юкламалар иккинчи қайд этилган муаммо бўлиб, 18,7 % шуни кўрсатишган. Ижтимоий мулоқот, курсдошлар (10,0 %) ва ўқитувчилар билан (4,2 %) муносабат камроқ ташвишга солмоқда. Ўқув материални ўзлаштириш 9,8 % ота-она томонидан қайд этилган, бу эса мўътадил ташвиш белгисини ифодаламақда. Умуман олганда, натижалар шуни кўрсатадики, молиявий муаммолар бошқа қийинчиликлардан устун турибди, бу эса талабаларни маблағ билан таъминлашда қўллаб-қувватлашнинг муҳимлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Худудий тақсимот (78-расм) шуни кўрсатадики, барча ҳудудларда молиявий қийинчиликлар асосий муаммо бўлиб қолмоқда, энг юқори фоизлар Қорақалпоғистон Республикаси (76,3 %), Жиззах (72,3 %) ва Бухоро вилоятида (68,3 %) кузатилган. Ота-оналар томонидан белгиланган иккинчи муаммо жисмоний юклама бўлиб, Самарқанд (26,97 %) ва Тошкентдаги (28,90 %) ота-оналарнинг катта қисмини ташвишлантирмоқда. Бошқа талабалар билан мулоқот қилиш ҳавотирлари сезиларли даражада фарқ қилади, чунончи Фарғона вилояти (36,4 %) бошқа вилоятлардаги паст кўрсаткичлар орасида


ажралиб туради. Ўқув материалларини ўзлаштириш ва ўқитувчилар билан мулоқот қилиш одатда унчалик аҳамиятли бўлмаган муаммолар бўлса ҳам, Самарқанд вилоятида ўқитувчилар билан ўзаро муносабатлар (9,0 %) ва ўқув материалларини ўзлаштириш (11,2 %) ҳақида ташвишланиш даражаси юқори. Ушбу жавоблар тақсимооти кўрсатилаётган муаммолар бўйича ҳудудлар орасидаги тафовутни белгилайди, бунда молиявий қийинчиликлар ўзгаришсиз кўриниб, жисмоний юклама ва ижтимоий муносабат муаммолари эса ҳудудлар бўйича фарқли бўлмоқда.

Қуйидаги маълумотлар ота-оналар ўқиш вақтида фарзандлари дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни (77-расм) баҳолашларидаги гендер фарқларини кўрсатади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, молиявий қийинчиликлар эркак ва аёллар учун катта ташвиш туғдиради, аммо аёлларнинг юқори фоизи (60,8 %) эркакларга нисбатан (52,9 %) кўпроқ ташвиш тортган. Эркак-респондентлар, одатда бошқа талабалар (13,7 %) ва ўқитувчилар (5,1 %) билан мулоқот қилишидан ташвишдалар, аёл-респондентлар кўрсаткичи эса бу борада пастроқ (7,1 % ва 3,4 %). Жисмоний юклама аёллар учун (19,2 %) эркакларга қараганда (18,1 %) биров сезиларли муаммо бўлиб қолмоқда. Ўқув материалларини ўзлаштириш борасидаги хавотирлар нисбатан бир хил. Аммо, аёллар (9,4 %) эркакларга қараганда биров камроқ ташвиш билдирдилар (10,2 %). Умуман олганда, молиявий муаммолар иккала жинс учун ҳам устунлик қилди, аммо шахслараро муносабат ва жисмоний юклама муаммосидаги фарқлар эркак ва аёллар қийинчиликларни турлича тасаввур қилишларини англатади.



77-расм. Абитуриентлар дуч келиши мумкин бўлган муайян қийинчиликлар бўйича гендер тақсимооти


- Ўқитувчилар билан мулоқот
- Талабалар билан мулоқот
- Жисмоний юкламалар
- Ўқув материаллини ўзлаштириш
- Молиявий қийинчиликлар



78-расм. Абитуриентлар дуч келиши мумкин бўлган муайян қийинчиликларнинг ҳудудий тақсимооти

3.3.2. Таълимни молиялаштириш

Ундан кейин, молиявий муаммоларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда ота-оналардан, фарзандлари “Янги Ўзбекистон” университетига ўқишга кирган тақдирда қайси маблағ орқали молиялаштиришни назарда тутаётганлари сўралди.



79-расм. Ота-оналар умид қилаётган таълимни маблағ билан таъминлаш воситалари

Респондентларнинг жавоблари шуни кўрсатадики, ота-оналарнинг аксарияти (71,8 %) ўз фарзандларининг таълимини давлат грантлари орқали молиялаштиришни режалаштирмоқдалар, бу уларнинг олий таълим соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашга умид боғлаганларини билдиради. Кичикроқ фоиз (15,2 %) шахсий жамғармалардан фойдаланишни режалаштирмоқда, бу шуни кўрсатадики, баъзи оилалар фарзандларининг таълимини мустақил равишда қўллаб-қувватлаш учун молиявий имкониятларга эга бўлса-да, барибир аксарияти ташқи молиялаштиришга умид боғлайди. Респондентларнинг атиги 8,6 %и таълим кредитларидан фойдаланишни режалаштирмоқда, бу эса кредит кўпчилиги учун кенг тарқалмагани ёки респондентлар учун арзон вариант эмаслигини кўрсатади. Ота-оналарнинг кичик гуруҳи (4,4 %) стипендия, ҳомийлик ёки норасмий ёрдамни ўз ичига олиши мумкин бўлган бошқа молиялаштириш манбаларини кўрсатган. Умуман олганда, маълумотлар давлат грантлари оилалар учун таълим олишда муҳим эканини таъкидлайди.


Қиёсий таҳлил турли вилоятлардаги ота-оналар фарзандларининг таълимини молиялаштиришни қандай режалаштиришларини чуқур тушуниш имконини беради (80-расм). Аксарият вилоятларда молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат гранти ҳисобланади. Қашқадарё (93,0 %), Навоий (85,2 %) вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида (85,5 %) бу кўрсаткичлар, айниқса юқори. Ушбу вилоятларда таълим харажатлари давлат томонидан тўланишига катта умид боғлашмоқда.

Таълим кредитлари, умуман олганда, камроқ тарқалган бўлса-да, Фарғона (37,7 %) ва Жиззах (12,3 %) вилоятларидан келганлар кўпроқ кўрсатиб ўтган, бу ушбу жойларда қарз олиш осон қабул қилинишини ёки эҳтиёж эканини кўрсатади. Ушбу тамойил таълим кредитларидан фойдаланиш деярли мавжуд бўлмаган Навоий, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларидан тубдан фарқ қилмоқда.

Шахсий жамғармалар Андижон (23,2 %) ва Сурхондарё (25,0 %) вилоятларида муҳим роль ўйнайди, бу ерда ота-оналарнинг кўпчилиги таълимни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга тайёр ёки ўзини бунга қодир деб билмоқда. Бундан ташқари, “бош-

қа” молиялаштириш манбалари камроқ тарқалган бўлса-да, баъзи вилоятларда бу борада тафовутлар мавжуд, масалан, Андижон (6,3 %) ва Сурхондарё (10,3 %) вилоятлари бу борада нисбатан юқори фоизларни кўрсатмоқда.


Шундай қилиб, аксарият ота-оналар таълимни молиялаштириш учун давлат грантларига таянса-да, турли вилоятларда таълим кредитлари, шахсий жамғармалар ва бошқа манбалардан фойдаланишда сезиларли тафовутлар борлиги, оилаларнинг яшаган жойига қараб молиявий стратегиялар турлича экани кўриниб турибди.



80-расм. Таълим молиясининг ҳудудий тақсироти

3.3.4. Абитуриентларни жойлаштириш (тураржой)

Ота-оналар ва талабалар учун яна бир муҳим масала – тураржой масаласидир. Талабалар сонининг ҳар йили ошиши¹⁹ талабалар ётоқхонасига бўлган талабни ҳам ошириб бормоқда²⁰. Ушбу соҳадаги охириги йиллар тамоийилларини ҳисобга олсак, ота-оналар фарзандлари университетда ўқиши давомида қаерда яшашни мўлжаллаётгани хусусида сўров қилинди.



81-расм. Абитуриентларни жойлаштириш бўйича режалар

Ушбу расм ота-оналарнинг фарзандлари университетда ўқиши давомида яшаш жойи хусусидаги фикрларини ўзида акс эттиради. Кўпчилиги, 55,6 %, фарзандлари университет ётоқхонасида яшашини исташган, бу эса университетда тураржойга бўлган эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу, эҳтимол, ётоқхоналарнинг қулайлиги ва бепул бўлгани учундир. Тахминан 24,4 % ота-оналар фарзандлари уйда яшашига умид қилмоқда, демак, бу қисмдагиларнинг уйи университетга яқин жойлашган. Камроқ қисми 13,8 % ижарага уй олишни режалаштирмоқда, бу эса ётоқхона камлиги сабабли бўлиши мумкин. Қолганлари 6,2 % фарзандлари дўсти ёки қариндошлари билан яшашини маъқул кўрмоқда, бу эса ушбу ҳудудда ҳали ҳам оилавий ёки ижтимоий жиҳатдан қўллашга қаратилган муқобил яшаш схемаси борлигини кўрсатади. Ушбу рақамлар иқтисодий мулоҳазалар ва ҳудудий яқинлик билан шаклланган уй-жой стратегияларининг хилмахиллигини акс эттиради. Ҳудудий тақсимот таҳлил қилинганда ҳосил бўлган манзара батафсил кўриб чиқилди.

82-расмда абитуриентларнинг турли ҳудудларда яшаш буйича фикрлари кўриб чиқилган. Юқорида қайд этиб ўтилганидек ушбу маълумотлар ётоқхонада яшаш истаги юқори эканини, айниқса, юқори фоизлар Қорақалпоғистон Республикаси (81,6 %), Бухоро (79,3 %), Навоий (78,4 %) вилоятларига мансуб эканини кўрсатмоқда.

Ётоқхонада яшашни хоҳловчиларнинг энг паст кўрсаткичи Тошкентда қайд этилган (2,3 %), бу муқобил уй-жой вариантларига кўпроқ мойилликни, шунингдек, “Янги Ўзбекистон” университети кампусининг шаҳарда жойлашганлигини акс эттиради. Тошкент шаҳрида яшовчиларнинг ўз уйида яшашни танлаши, зотан бунга 95,8 % респондентлар жавоб берган, худди шундай хулосани келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ўз уйида яшашни истаганлар Тошкент вилоятида (44,6 %) ҳам кузатилмоқда, бу ҳам университет кампусига жуғрофий жиҳатдан яқин жойлашганлиги сабабли бўлиши мумкин.


¹⁹ <https://www.stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/27193-o-zbekiston-universitetlaridagi-talabalar-soni-2>

²⁰ <https://www.gazeta.uz/ru/2022/06/08/student-dormitory/>

Бошқа томондан, Фарғона вилоятида (41,7 %) ота-оналарнинг катта қисми хонадонларни ижарага олишни режалаштирмоқда, бу эса университет ётоқхонасида етарли жой йўқлигини тушунишганини ёки мустақил яшашни афзал кўришини кўрсатиши мумкин.

Асосан Сирдарё (19,0 %) ва Сурхондарё вилоятларидан (14,7 %) келган респондентларнинг кичик қисми ўз фарзандларининг дўстлари ёки қариндошлари билан яшашларини режалаштирмоқда, бу эса тураржой тўғрисида қарор қабул қилишда ижтимоий алоқаларнинг катта роли борлигини акс эттиради.


Умуман олганда, ушбу маълумотлар талабаларни жойлаштириш ва уларнинг яшаши борасида турли вилоятда турлича стратегия мавжудлигини ўзида акс эттиради, буларга эса қулайлик, иқтисодий етишмовчилик ва “Янги Ўзбекистон” университетига жуғрофий жиҳатдан яқинлик каби омиллар ўз таъсирини ўтказади.



82-расм. Абитуриентларни ётоқхона билан таъминлаш бўйича ҳудудий тақсимооти

3.3.5. Ота-оналарнинг талаб ва таклифлари

Кейинги боб сўровнома охирида ота-оналар берган таклиф ва мулоҳазаларга бағишланган бўлиб, улар бу ўринда турли масалалар бўйича ўз фикр ва ғояларини эркин ифодалаш имкониятига эга бўлганлар.



83-расм. Ота-оналар таклиф ва ғояларининг умумий рўйхати²¹

Ота-оналар таклифларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ота-оналар – 69,07 % ҳеч қандай таклиф бермаган, бу ҳозирги жараёнлардан қониқиш ҳосил қилганини ёки сўровноманинг ушбу қисмида иштирок этмаганлигидан далолат беради.

Ўз фикрлари билан ўртоқлашганлар орасида энг кенг тарқалгани университетга кириш жараёни билан боғлиқ таклиф ва илтимослар бўлиб, бу жавобларнинг 9,19 % ини ташкил этди. Энг аввало, бу имтиҳон натижаларини тезроқ эълон қилиш хусусидаги илтимослар бўлган. Ота-оналарни ташвишга соладиган бошқа масалалар – таълим грантлари сонининг кўпайиши (5,65 %), университетдаги ўқув жараёни билан боғлиқ масалалар (3,35 %) ва талабалар ётоқхоналари (3,28 %) кабилар бўлган. №7 Иловада ушбу тоифалар теглар шаклида батафсил тавсифланган.

²¹ Ота-оналарнинг таклиф ва илтимосларининг тўлиқ рўйхати 6-иловада келтирилган.

Бундан ташқари, инклюзивлик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш (2.23 %) ҳамда молия (1.97 %) билан боғлиқ масалалар ҳам қайд этилган. Гарчи оз бўлса ҳам, баъзи ота-оналар университет ва унинг ходимларига (1,51 %) миннатдорчилик билдиришди, университетнинг халқаро фаолияти (1,44 %), талабаларнинг бандлиги (1,18 %) ва университет борасида қаердан маълумот олиш мумкинлиги (0,66 %) ҳақида саволлар беришди. Таклифларнинг жуда кичик қисми дарсдан ташқари машғулотлар билан боғлиқ бошқа мавзуларга тегишли.

Ушбу натижалар ота-оналарни ташвишга солаётган масалаларнинг хилмахиллигидан далолат беради, шунингдек, “Янги Ўзбекистон” университетида такомиллаштириш мумкин бўлган соҳаларга ҳам ишора қилади.

Хотима

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш мумкинки, сўровнома натижалари ота-оналарнинг университетга кириш жараёнида иштирок этиши ва қарор қабул қилишига таъсир қилувчи демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳақида тўлиқ маълумот бермоқда. Қатнашувчиларнинг демографик таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, респондентларнинг аксарияти ўрта ёшли ота-оналар бўлиб, аёлларнинг устунлиги (55,7 %) оналар таълим соҳасида муҳим ўринга эга эканини кўрсатмоқда. Худудий тақсимот Тошкент шаҳри ва бошқа катта шаҳарлардан (18,0 %) келганларнинг кўпчилигини кўрсатди, бу эса респондентларнинг асосий қисмини шаҳарликлар ташкил этишини кўрсатмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ота-оналарнинг 66,8 % 40 ёшдан 50 ёшгача бўлганлиги фарзандларининг таълимига молиявий ва амалий ёрдам бера оладиган ёшдаги ҳаёт босқичига тўғри келади.

Ота-оналарнинг жараёнга аралашиш даражасига келсак, респондентларнинг 58,4 % тайёргарлик жараёнида фаол иштирок этган, бу эса фарзандларининг университетга ҳужжат топшириши ҳамда ўз иштироклари ўртасида муайян боғлиқлик борлигини кўрсатмоқда. Ушбу хулоса ота-оналарнинг қўллаб-қувватлашдаги иштироки ва талабаларнинг мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш ўртасида мувозанат борлигини кўрсатади, бу тамойил талабаларда мустақиллик каби ижобий кўрсаткич сифатида қаралиши мумкин. Шу билан бирга, мактаб турлари тўғрисидаги маълумотлар шуни кўрсатдики, абитуриентларнинг деярли 38 % ихтисослаштирилган мактаблардан келган, бу эса кўплаб ота-оналар рақобатбардош таълим муҳитини биринчи ўринга қўйишини, мактабларнинг юқори даражадаги фаоллигини ҳам белгилаши мумкин.

Ота-оналарнинг аксарияти (57,3 %) молиявий масалаларни таълим жараёнининг барқарорлигига путур етказадиган катта таҳдид сифатида кўрмоқдалар (57,3 %), ундан кейинги ўринни жисмоний юклама ва ижтимоий муносабат билан боғлиқ муаммолар эгаллаган. Бу олий маълумот олишда молиявий режалаштириш ва қўллаб-қувватлаш механизмларининг муҳим ролини кўрсатмоқда. Ота-оналарнинг 71,8 %и асосий молиялаштириш манбаи сифатида давлат грантларини кўрсатишлари кўплаб оилаларда иқтисодий муаммолар борлигини ва давлат томонидан бериладиган молиявий ёрдамнинг муҳимлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, давлат томонидан молиялаштиришни қўлга киритиш учун фарзандларининг ақлий салоҳиятини юқори қўйишга мойил эканликларини ҳам истисно қилмаслигимиз керак.

Қабул жараёнини баҳолаганда, ота-оналар имтиҳонларни ташкил этиш жараёнига ижобий қарадилар, деярли 89 % “яхши” ёки “жуда яхши” баҳоларни беришди. Бироқ қониқиш даражаси бўйича худудий тафовутлар маҳаллий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда баъзи масалаларни ечиш устида ишлаш кераклигини кўрсатмоқда.

Очиқ саволлардан йиғилган сифатли маълумотлар инклюзивлик, ахборот олишнинг қулайлиги ва университет доирасида ижтимоий кенгайтирилган хизматларига бўлган эҳтиёж соҳаларини чуқурроқ ўрганишни таклиф қилиб таҳлилни яна ҳам бойитди.

Умуман олганда, сўровнома натижаларини таҳлил қилиш абитуриентларнинг университетга киришда ота-оналарнинг орзу-умидлари ва фикрларига таъсир кўрсатувчи турли омилларни асосли талқин қилишга ёрдам берди. Демографик омиллар, молиявий муаммоларнинг олдини олиш ва ота-оналар умидини ўрганиш “Янги Ўзбекистон” университетининг ички сиёсатини ишлаб чиқишда яна ҳам нозикроқ йўл тутиш кераклигини кўрсатмоқда. Кейинги ўқув йилларида абитуриентларни қабул қилиш, имтиҳонларни ўтказиш, барча тоифадаги абитуриентларни университетга тенг киришини таъминлаш учун қўллаб-қувватлаш дастурлари ва тизимларини ишлаб чиқишда худудий тафовутлар, гендер тақсимооти ҳамда ижтимоий-иқтисодий тўсиқлар ҳисобга олиниши керак. Бундан ташқари, қўлга киритилган натижалар университетга киришдаги ижтимоий-маданий динамикани чуқур тушуниш имконини беради ҳамда кейинги тадқиқотларни ўтказиш ва институционал такомиллаштириш керак бўлган соҳаларни белгилаб беради.

Талаб ва таклифлар

1. Молиявий қўллаб-қувватлаш ва қулайликни таъминлаш

Молиявий қийинчиликларни ота-оналарнинг 57,3 %и асосий муаммо сифатида белгилаганини ҳисобга олиб, турли молиявий ёрдам дастурлари, стипендиялар ва грантлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш жуда муҳимдир. Давлат грантларига боғлиқлик (71,8 %) бундай грантларнинг мавжудлигини сақлаб қолиш ва потенциал равишда ошириш зарурлигини таъкидлайди, бу эса талабаларнинг иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, олий маълумот олишларини таъминлайди.

Муаммонинг ечими: қисман бериладиган грантлар, стипендияларни киритган ҳолда молиявий ёрдам тизимини қайта қўриб чиқиш. Оилалардаги молиявий қийинчиликни енгиллатиш мақсадида “Иш-ўқиш” амалиётини кучайтириш. Кредитга қарамлиги юқори бўлган ҳудудлар (Фарғона ва Жиззах вилоятлари)да таълим кредитларини янада қулай шартлар билан таъминлаш амалиётини илгари суриш лозим.

2. Ота-оналар иштирокини маъқуллаган ҳолда талабалар мустақиллигини рағбатлантириш

Ота-оналарнинг юқори даражада иштирок этишига қарамай (58,4 %), талабаларнинг аксариятини (79,1 %) мустақил равишда университетга қабул қилишга қарор қилишган. Буни муҳим омил деб ҳисоблаш керак, мазкур ҳолат ота-оналар қўллаб-қувватлашини сақлаган ҳолда талабалар мустақиллигини рағбатлантириш кераклигини кўрсатмоқда.

Муаммонинг ечими: талабаларнинг қарор қабул қилиш имкониятларини кенгайтириш, ота-оналарга фарзандларини қандай қўллаб-қувватлаш мумкинлиги борасида тавсиялар беришга қаратилган республика бўйлаб ахборот сессиялари, амалий семинарлар ҳамда рақамли ресурсларни яратиш ва ташкил этиш. Бундай дастурлар сирасига университетни танлаш, молиявий режалаштириш ва академик йўналишни танлаш борасидаги семинарлар ўтказиш ёки онлайн ахборот манбалари киради.

3. Университет ресурсларидан хабардорлик ва фойдаланиш имкониятини ошириш

Ота-оналарнинг университет ҳақида маълумот олиш (0,2 %) ва қабул жараёни билан боғлиқ муаммоларга (3,2 %) доир ташвишлари аниқроқ ва шаффофроқ алоқа ўрнатиш зарурлигини кўрсатади.

Муаммонинг ечими: университетнинг, айниқса, қабул жараёни ва мавжуд стипендиялар билан боғлиқ жамоатчилик билан ишлаш стратегиясини такомиллаштириш. Ота-оналар учун университет таклифлари, молиявий ёрдам вариантлари ва ўқув дастурлари ҳақида батафсил маълумот берувчи махсус онлайн портал яратиш мақсадга мувофиқ.

4. Талабаларни тураржой билан таъминлаш

55,6 % ота-оналар фарзандларининг ётоқхона билан таъминланишига умид боғлашлари ва тураржой масаласида ҳудудий тафовутлар борлигини ҳисобга олсак, талабаларнинг яшаш шароитини яхшилаш борасида комплекс ишларни амалга ошириш зарурлиги кўринмоқда.

Муаммонинг ечими: талабаларни ётоқхона билан таъминлашни кенгайтириш ва бу борада юқори талабга эга бўлган вилоятларни эътиборга олиш. Муқобил йўл сифатида маҳаллий ижарадорлар билан шерикчиликни йўлга қўйиб, талабаларга бошқа қулай ва хавфсиз тураржойлар бериш имкониятини кенгайтириш таклифини илгари суриш мумкин.

5. Ўқув жараёни ва инклюзивлик билан боғлиқ муаммолар

Баъзи ота-оналар талабалар тажрибасини яхшилаш мумкин бўлган соҳаларга ишора қилиб, академик жараён (1,2 %) ва инклюзивлик (0,8 %) билан боғлиқ масалаларни кўтаришди.

Муаммонинг ечими: талабаларнинг университет ҳаётидаги янги шароитларга уйғун ва мувозанатли мослашишлари учун академик қўллаб-қувватлаш хизматларини, шу жумладан, репетиторлик, мураббийлик ва психологик ёрдам усуллари кенгайтириш. Бундан ташқари, инклюзивлик ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни рағбатлантирадиган, келиб чиқишидан қатъи назар, барча талабаларни қўллаб-қувватлайдиган дастурларни яратиш керак.

Адабиётлар рўйхати

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. 06.09.2019 йилдаги ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

2. 23.06.2021 йилдаги ПҚ-5158-сонли “Янги Ўзбекистон” университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2022 йилдаги №300-сонли ““Янги Ўзбекистон” университетининг иқтидорли талабаларига давлат грантини бериш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битирувчиларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

Илмий адабиётлар

4. Alavi S. M., Karami H., Kouhpaenejad M. H. Examining the Fairness of the University Entrance Exam: A Latent Class Analysis Approach to Differential Item Functioning //Issues in Language Teaching. – 2021. – Т. 10. – №. 1. 47-170.

5. O’Hare L., McGuinness C. The validity of critical thinking tests for predicting degree performance: A longitudinal study //International Journal of Educational Research. – 2015. – Т. 72. 162-172.

6. Sulphery M. M., Al-Kahtani N. S., Syed A. M. Relationship between admission grades and academic achievement //Entrepreneurship and Sustainability Issues. – 2018. – Т. 5. – №. 3. 648-658.

7. Wang, M.-T., & Sheikh-Khalil, S. (2014). “Does Parental Involvement Matter for Student Achievement and Mental Health in High School?” Child Development, 85(2), 610-625.

Веб-сайтлар

Gazeta.uz. (2021, Январь 16). Президентский университет в Ташкенте будет расчитан на 8000 студентов. Gazeta.uz. <https://www.gazeta.uz/ru/2021/01/16/presidents-university/>

Gazeta.uz. (2022, Июнь 8). Охват студентов общежитиями составил 41% – Минвуз. Gazeta.uz. <https://www.gazeta.uz/ru/2022/06/08/student-dormitory/>

President of the Republic of Uzbekistan. (2023, Июнь 20). Состоялся диалог по вопросам развития инженерной науки и образования. President of Uzbekistan. <https://president.uz/ru/lists/view/7333>

President of the Republic of Uzbekistan. (2024, Июнь 28). Президент провел диалог с молодежью. President of Uzbekistan. <https://president.uz/ru/lists/view/7357>

State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics. (2022, Сентябрь 22). Количество студентов в университетах Узбекистана. State Committee of the Republic of Uzbekistan. <https://www.stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/27193-o-zbekiston-universitetlaridagi-talabalar-soni-2>

Абитуриентни кириш имтиҳонлари доирасида тегишли фанлардан имтиҳон топширишдан озод қилувчи ва тегишли балларни тақдим этувчи сертификатлар (2023 й.) РЎЙХАТИ

Абитуриентнинг халқаро сертификат бўйича олган баллари	Кириш имтиҳонига тақдим этиладиган баллар
SAT сертификати бўйича	
210–250	10
251–300	11
301–350	12
351–400	13
401–450	14
451–500	15
501–550	16
551–600	17
601–650	18
651–700	19
701–800	20
International Baccalaureate (IB) дастури бўйича	
1	12
2	14
3	15
4	16
5	18
6	19
7	20
GCSE, IGCSE, GCE O-Level сертификатлари бўйича	
E	15
D	16
C	17
B	18
A	19
A*	20
GCE A-Level сертификати бўйича	
E	11
D	13
C	15
B	17
A	19
A*	20
GCE AS-Level сертификати бўйича	
E	10
D	12
C	14
B	16
A	18
A*	20
Кимё бўйича Халқаро Менделеев олимпиадаси	
1, 2 ва 3 ўрин эгалари	20

Эслатма: юқоридаги сертификатлар кириш имтиҳонларидан энг кўпи уч кун олдин топширилган тақдирда қабул қилинади. Акс ҳолда, ушбу сертификатлар кириш имтиҳонларида ҳисобга олинмайди.

**Кириш имтиҳонлари учун зарур бўлган “IELTS” сертификатлари ўрнига тақдим этиладиган ҳужжатлар (2023 й.)
РЎЙХАТИ**

Дастур номи	Фан номи	Талаб қилинаётган IELTSнинг 5,5 баллига тенг келадиган кўрсаткич
International Baccalaureate Diploma	English A at Higher or Standard Level	4
International Baccalaureate Diploma	English B at Higher Level	4
International Baccalaureate Diploma	English B at Standard Level	5
Pearson Edexcel International GCSE English Language	GCSE English Language A	4
Pearson Edexcel International GCSE English Language	GCSE English Language B	4
Pearson Edexcel International GCSE English Language	GCSE English Literature	4
GCSE	GCSE English Language or GCSE English Literature	D
GCE O-Level	GCE O-Level English Language	D
GCE A-Level	GCE A-Level in English Language or English Language & Literature	D
GCE AS-Level	GCE AS-Level in English Language or English Language & Literature	D
IGCSE	IGCSE English as a First Language	D
IGCSE	IGCSE English as a Second Language	D

Имтиҳон номи	Талаб қилинаётган IELTSнинг 5,5 баллига тенг келадиган кўрсаткич
TOEFL iBT	46
Pearson test of English (PTE)-Academic	59
Cambridge C1 Advanced (Cambridge English: Advanced/CAE)	162
Cambridge C2 Proficiency (Cambridge English: Proficiency/CPE)	162
Cambridge B2 First (Cambridge English: First/FCE)	162

Эслатма: юқоридаги кўрсаткичлар ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида назарда тутилган минимал талаблардир.

**Кириш имтиҳонидан озод қиладиган ва математика баллари ўрнида ҳисобланадиган
халқаро сертификатлар (2024 й.)
РЎИХАТИ**

Халқаро сертификат бўйича олинган баллар	Кириш имтиҳонига тақдим этиладиган кўрсаткич (фоизларда)
SAT сертификатиға кўра	
500–510	50
520–530	55
540–550	60
560–570	65
580–590	70
600–610	75
620–630	80
640–670	85
680–710	90
720–750	95
760–800	100
International Baccalaureate (IB) дастури бўйича	
4	50
5	70
6	90
7	100
“International AS & A Levels” сертификатиға кўра	
C	70
B	80
A	90
A*	100


Эслатма: кириш имтиҳони натижаларига кўра, қабул комиссияси қарори билан халқаро сертификат учун тақдим этилган энг юқори 100 % балл ўзгартирилиши мумкин.

**Инглиз тилини билиш даражасини тасдиқлаш учун “IELTS” сертификатлари ўрнига
топширилиши мумкин бўлган ҳужжатлар (2024 й.)
РЎЙХАТИ**


Дастур номи	Фан номи	Талаб қилинаётган IELTSнинг 5,5 баллига тенг келадиган кўрсаткич
International Baccalaureate Diploma	English A at Higher or Standard Level	4
International Baccalaureate Diploma	English B at Higher Level	4
International Baccalaureate Diploma	English B at Standard Level	5
Pearson Edexcel International GCSE English Language	GCSE English Language A	4
Pearson Edexcel International GCSE English Language	GCSE English Language B	4
Pearson Edexcel International GCSE English Language	GCSE English Literature	4
GCSE	GCSE English Language or GCSE English Literature	D
GCE O-Level	GCE O-Level English Language	D
GCE A-Level	GCE A-Level in English Language or English Language & Literature	D
GCE AS-Level	GCE AS-Level in English Language or English Language & Literature	D
IGCSE	IGCSE English as a First Language	D
IGCSE	IGCSE English as a Second Language	D

Имтиҳон номи	Талаб қилинаётган IELTSнинг 5,5 баллига тенг келадиган кўрсаткич
TOEFL iBT	46
Pearson test of English (PTE)-Academic	59
Cambridge C1 Advanced (Cambridge English: Advanced/CAE)	162
Cambridge C2 Proficiency (Cambridge English: Proficiency/CPE)	162
Cambridge B2 First (Cambridge English: First/FCE)	162
Билим ва малакаларни баҳолаш Агентлиги томонидан берилган чет тилини билиш сертификати	B2

Эслатма: юқоридагилар минимал кўрсаткичлар.



84-расм. Таълим йўналиши бўйича гендер тақсимоти (2023 й.)



85-расм. Таълим йўналишлари бўйича гендер тақсимоти (2024 й.)

“Янги Ўзбекистон” университетини танлашнинг асосий сабабларидан келиб чиққан ҳолда тоифаларнинг тўлиқ ва батафсил рўйхати

№	Университетни танлашнинг асосий сабаби	%
1	Университетдаги таълим сифати	11.6%
2	Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби	9.7%
3	Абитуриентнинг ўз мақсади, хоҳиши ва истаги	6.8%
4	Университет томонидан бериладиган имкониятлар	5.6%
5	Саволга алоқаси бўлмаган жавоб	5.1%
6	Абитуриентларнинг яқин қариндошлари	4.7%
7	Абитуриентларнинг дўстлари ва танишлари	4.2%
8	Ўзбекистондаги энг яхши университетлардан бири	3.9%
9	Университетдаги ўқиш муҳити	3.6%
10	Абитуриентнинг устозлари	2.9%
11	Иқтисодиёт ва маълумотлар таҳлили курси (Economics & Data Science)	2.8%
12	Келажақдаги яхши иш ўрнига эга бўлиш истиқболи	2.6%
13	Университетдаги инновацион ва замонавий ўқув дастурлари	2.5%
14	Университетнинг замонавий моддий-техник базаси	2.2%
15	Университет мавқеи ва рейтинги	2.0%
16	Университетнинг халқаро муносабатлари ва алоқалари	2.0%
17	Жавоб йўқ	1.9%
18	Чет элда ўқиш имконияти (айирбошлаш дастури билан бирга)	1.6%
19	СИ ва робототехника курси (AI & Robotics)	1.5%
20	Университетда инглиз тилида ўқиш	1.4%
21	Келажақдаги орзуларни рўёбга чиқариш истаги	1.4%
22	Дастурлаш муҳандислиги курси (Software engineering)	1.3%
23	Киберхавфсизлик курси (Cyber Security)	1.2%
24	Университет талабалари	1.0%
25	Ҳеч қандай сабаб йўқ	1.0%
26	Университетда стипендия олиш имконияти (Scholarship ва grant)	1.0%
27	IT соҳасига қизиқиш	1.0%
28	Университетнинг тадқиқотчилик салоҳияти	0.9%
29	Замонавий талабларга жавоб берадиган университет	0.9%
30	Саноат менежменти курси (Industrial Management)	0.8%
31	Абитуриентнинг мамлакат ривожига ҳисса қўшиш истаги	0.8%
32	Университетдаги ўқиш услублари	0.7%
33	Университет ўқув дастурлари курси	0.6%
34	Университет кампуси	0.6%
35	Механик муҳандислик курси (Mechanical Engineering)	0.5%
36	Университетнинг халқаро дипломи	0.5%
37	Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўзи ва қўллаб-қувватлаши	0.4%
38	Университетнинг жойлашуви	0.4%
39	Кимё муҳандислиги ва материалшунослик курси (Chemical & Materials Engineering)	0.4%
40	Ҳамма мавжуд имкониятлар	0.4%
41	“Президент университети” сифатидаги мавқеи	0.4%
42	Университетнинг юқори малакали ходимлари	0.3%
43	Ихтисослашган эксперт бўлиш имконияти	0.3%
44	STEAM-педагогика курси (Pedagogy (STEAM specialization))	0.3%
45	Абитуриент бу қарорга келишига нима сабаб бўлганини билмайди	0.3%

46	Абитуриентнинг Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшиш истаги	0.3%
47	Университет томонидан ташкил этиладиган тадбирлар	0.3%
48	Университетнинг саноатнинг турли соҳаларидаги алоқалари	0.2%
49	Амалий стажировка имкониятлари	0.2%
50	Амалий математика курси (Applied Mathematics)	0.2%
51	Абитуриентнинг мактаб маълумоти	0.2%
52	Ижтимоий тармоқлар ва университет реклама компанияси туфайли олинган тавсиялар	0.2%
53	Университетнинг оммабоплиги	0.1%
54	Университет талабаларининг ютуқлари	0.1%
55	Университетнинг ўзига хослиги	0.1%
56	Университетнинг мамлакат мактабларидаги тақдими	0.1%
57	Президент мактабига омадсиз кириш	0.1%
58	Университетнинг катта салоҳияти	0.1%
59	Университетнинг тадбиркорликни ривожлантиришни ёқлаши	0.1%
60	Университет ютуқлари	0.1%
61	Мактабда математикани ўрганиш	0.1%
62	Университет ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида киради	0.1%
63	Университет бошқаруви	0.1%
64	Абитуриентнинг Ўзбекистонда электрон тизим яратиш истаги	0.0%
65	Абитуриентнинг ихтисослиги	0.0%
66	Университетнинг шаффофлиги ва очиқлиги	0.0%
67	Абитуриентнинг ўз мутахассислигини ўзгартириш истаги	0.0%
68	Университетнинг талабалар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаши	0.0%
69	Кириш имтиҳонидаги саволлар сифати	0.0%
70	Университет Президент мактабларининг мантиқий давомчисидир	0.0%
71	SAT натижалари	0.0%
72	Абитуриентнинг ўз номини тарихга муҳрлаш истаги	0.0%
73	Университетда дресс-коднинг мавжуд эмаслиги	0.0%
74	Университетнинг жаҳондаги ТОП-100 ликка кириш мақсади	0.0%
75	Университет томонидан ташкил этилган ёзги мактаб	0.0%
76	Университет талабалари томонидан яратилган “Unite Girls” онлайн дастури	0.0%
77	Университетнинг қулайлиги	0.0%
78	Университет кутубхонаси	0.0%
79	Бир таълим тизимида абитуриентларнинг кўплиги	0.0%
80	Абитуриентнинг талабаларга ўргатиш истаги	0.0%
81	Кириш имтиҳонлари жараёнини ўрганиш	0.0%
82	Университетнинг давлат муассасалари билан алоқаси	0.0%
83	Университетнинг мустақиллиги	0.0%
84	Университет номи	0.0%

Респондентларнинг муқобил таълим муассасасини танлаш бўйича жавобларининг тўлиқ рўйхати

№	Муқобил университетлар	%
1	WIUT – Westminster International University in Tashkent	9.9%
2	Tashkent State University of Economics TDIU	8.6%
3	Жавоб беришга қийналаман	5.9%
4	Давлат университетлари	5.5%
